

Муассислар:  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
“Kamolot” ёшлар ижтимоий ҳаракати

1982 йилдан чиқа бошлаган.

Жамоатчилик кенгаши раиси:  
**Абдулла ОРИПОВ**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ**  
**Азамат УМАРОВ**  
**Аҳмад ОТАБОЕВ**  
**Абдуваҳоб НУРМАТОВ**  
**Феруза МУҲАММАДЖОНОВА**  
**Шухрат СИРОЖИДДИНОВ**

Бош муҳаррир:  
**Нодир ЖОНУЗОҚ**

Бош муҳаррир ўринбосари:  
**Нурилла ЧОРИ**

Масъул котиб:  
**Ориф ТОЛИБ**

Масъул муҳаррир:  
**Элёр МУРОД**

Муҳаррир:  
**Ғиёсиддин ЎНАРОВ**

Таҳрир ҳайъати:  
**Муҳаммад АЛИ**  
**Иқбол МИРЗО**  
**Сирождин САЙИД**  
**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ**  
**Фаррух ЖАББОРОВ**

Бадий муҳаррирлар:  
**Акбарали МАМАСОЛИЕВ**  
**Раҳматжон ЮНУСОВ**

Фотограф:  
**Рустам НАЗАРМАТ**

**Манзилмиз:**  
Тошкент шаҳри,  
Ўзбекистон шоҳжўчаси, 16-“а” уй.  
E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz  
Тел/факс: (0371) 227-0-227,  
245-5-793, 245-0-552

Навбатчи муҳаррир: О.Мадвалиев  
Босишга 12.05.2016 йилда руҳсат берилди.  
Қоғоз формати 60x84 1/8.  
Наширёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.  
ISSN 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.  
Журналдан кўчириб босилганда  
“YOSHLIK”дан олинди” деб изоҳланиши шарт.  
“SILVER STAR PRINT” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Буюртма № 19. Адади 4200 дона.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-уй.

## Ўғитларда илмий ҳақиқат

“Биз – буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган ёшлар фестивали довруғини эшитмаган юртдошимиз қолмади, ҳисоб. Ўндан зиёд лойиҳаларни ўзида қамраб олаётган ушбу йирик фестиваль орқали ёшларимиз қалбига чуқурроқ кириб боряпмиз, уларнинг орзу-интилишлари, ўй-ташвишларини яқиндан ўрганияпмиз. Қувонарлиси, фестиваль ҳар бир ҳудудда ўзига хос руҳ, шухуҳ билан ўтяпти. Жумладан, Самарқанд вилоятида ҳам шундай бўлди.

Кўҳна обидаларида аجدодларимиз нафасини сақлаб келаётган қадимий шаҳарга ташриф буюрган таниқли шоир-ёзувчилар, олим у санъаткорлар ишни Амир Темур тузукларини ўқишдан бошладилар: шарқона хонтахта, лавҳлар ўрнатилган махсус жойларда эл суйган инсонлар Соҳибқирон ўғитларини ифодали ўқиб, ёшларга ўрнак бўлдилар. Мутолаа жараёнида улуг бобомиз ҳикматларининг асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмасдан, аксинча, қадр-қиммати тобора ошиб бораётганига амин бўлдик.

Амир Темурнинг нафақат давлат арбоби сифатида айтган сўзлари, балки ота, оила бошлиғи сифатида билдирган фикрлари, қабул қилган қарорларида ҳам катта ҳаётий ҳикмат борлиги бот-бот эътироф этилди. Жумладан, Соҳибқирон бобомиз шундай дейди: “Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантириш ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина, эл-юртга тўй-томоша бериб, келин туширдим”. Бу мулоҳазалар фақат ҳаётий тажрибага эмас, чуқур илмий асосга ҳам эга эканини билиб, ҳайратга тушдик. “Инсондаги генетик хусусиятлар авлодларга асосан она томондан ўтади, – деди фестивалда иштирок этаётган ёш олимимиз – Бутунжаҳон фанлар академиясининг аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази директори Иброҳим Абдураҳмонов. – Шунинг учун фанда инсон генетикаси она шажараси бўйича ўрганилади”.

Шууримиз кўзлари беҳосдан “ярқ” этиб очилгандай, ота-боболаримизнинг минг йиллик қадриятлари сирини англагандай ва мустақиллик йилларида юртимизда аёллар, хотин-қизлар, оналар саломатлигига давлат миқёсида улкан аҳамият берилаётганининг сабабини теранроқ тушунгандай бўлдик. Муҳтарам Президентимизнинг “**Аёлни ҳурмат қилсак, миллатни ҳурмат қиламиз**” деган сўзлари қанчалик ҳаққоний, гурмаъно эканига яна бир бор иқрор бўлдик. Мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили”да амалга оширилаётган ишларнинг моҳиятига янгича назар билан қарай бошладик.

Умуман олганда, ушбу кенг қамровли фестивалда қатнашарканмиз, ўзимиз учун жуда кўп янги ҳақиқатларни кашф қиляпмиз. Шубҳасиз, уларни қисқача, бир сўз билан баён қилиш имконсиз. Муҳими, истиқлол йилларида ўртага ташланаётган ҳар бир эзгу ғоя, ташаббус, аввало, аниқ илмий хулосага, “етти ўлчаб бир кесилган” ҳаётий тажрибага асосланаётганини англаб етдик. Бу ҳақиқатни ҳаётимиздаги, жамиятимиздаги ўзгаришлар, янгиланишлар кун сайин, соат сайин исботлаб турганига гувоҳ бўлдик...


29



8




17



46



54



№ 4 (299), 2016 й.

## ШУКУҶ

**4** Биби Робиа САИДОВА  
Мен ва йигирма беш оппоқ кабутар

## ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

**8** Луқмон БҮРИХОН  
Сатрларга сигмаган сийрат

## НАЗМ

**14** Икром ОТАМУРОД  
Дардларига малҳам – меҳрингни тутиб

**42** Эшқобил ВАЛИ  
Кўзни қамаштирар нилий камалак!

## НАСР

**17** Бахтиёр НУРИДДИН  
Эски удум, Онаизор

**36** Акмал МУРОД  
Уччаноқ

**50** Фафур ШЕРМУҲАММАД  
Фахрий ёзувчи

## БОБОСЎЗ

**26** Азму жазм билан иш тут

## НИГОҶ

**29** Маърифат фидойиси

## ТАДҚИҚОТ

**32** Зуҳра МАМАДАЛИЕВА  
Сен бу кўзгуни кўнгул қилгин хаёл...

## АБАДИЙ ТИМСОЛЛАР

**44** Нечун кўклам мадҳи тушмас газалдан

## ТАВСИЯ

**46** Габриель Гарсиа МАРКЕС  
Ҳаёт – фақат яшаш эмас...

## МУШОҶАДА

**54** Орифжон МАДВАЛИЕВ  
Пул – қўлнинг кири...ми?

## МУЛОҶАЗА

**58** Хуршида ТИЛЛАХЎЖАЕВА  
Дунёда болам деб яшайди ўзбек!

## МАКТУБОТ

**60** Анвар СУЮНОВ  
Ёзувчи дўстим Холиёр Сафаровага

## ЖАҲОН ҲИКОЯСИ

**62** Иван БУНИН  
Ойдин кечада


# Соҳибқирон бобомизга эҳтиром

**Б**у йил улуғ бобокалонимизнинг 680 йиллиги бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланди. Анъанага қўра 9 апрель куни Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон таваллуди санаси муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба-ёшлар, иштирок этди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али сўз олиб, Амир Темур шахси ва буюк хизматлари қадр топгани, Соҳибқирон сиймоси Ўзбекистон шаън-шавкати тимсолига айлангани, бу эса халқимизни улуғ мақсадларга йўллаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.



Маросимда шоир Сирожиддин Рауф “Соҳибқироним” шеърини ўқиди. “Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига – 680 минг қадам” шиори остида Шаҳрисабздан Тошкентга қадар пиёда келган 65 ёшли ҳаваскор спортчи Абдужаббор Холбоев Соҳибқирон руҳи унга маънавий куч бағишлагани ҳақида сўзлади. Ёшлар эса Амир Темур бобомизнинг ибратли ҳаёти, адолатпарварликка йўғрилган фаолияти ҳақида дунё олимлари томонидан билдирилган фикрларни ўзбек, инглиз, рус, француз, япон ва бошқа тилларда ўқиб берди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.





**Биби Робиа САИДОВА**

1991 йили туғилган.  
 Мирзо Улуғбек номидаги  
 Ўзбекистон Миллий  
 университети магистранти.  
 2014 йили Ўзбекистон  
 Ёзувчилар уюшмаси  
 ташаббуси билан “Биринчи  
 китобим” лойиҳасида  
 “Парвоз” номли ҳикоялар  
 тўплами нашр этилган.



# Мен ва йшғирма беш ошпоқ кабутар

Ошпоқ кабутарлар қанотларини кенг ёзиб мовий осмон бўйлаб парвоз этишмоқда. Ота-онамнинг эслашлари, мен дунёга келишимдан аввал самода фақатгина қора қаргалар кезган экан. Мен уларнинг нима деб қагиллаганларини китоблардан ўқидим, боболаримдан эшитдим, бадий фильмларда кўрдим. Улар бир-бирларига тинмай: “Маърифатини, тилини йўқотсак, миллат бизники бўлади”, дея қагиллаганини англай олдим, холос. Ўша қаргаларни кўрмаганимга, юракни титроққа солувчи овозларини эшитмаганимга Яратганга шукроналар айтаман.

Онамнинг айтишларига қараганда, мени илк бора бешикка белаганларида бир дона оқ кабутар аввал дераза рафига, сўнгра бешигимга келиб қўнган экан. Кейин улар иккита бўлибди. Ақлимни таний бошлаганимда оппоқ кабутарлар учта эди. Улар мен билан қувлашмачок ўйнар, дарахтга қўниб, мени имлаб ёнларига чорлар эди. Ёшим улғайган сайин Эски шаҳардаги кичкина ҳовлимиздаги кабутарлар кўпайиб борарди. Мактабга қадам қўйганимда елкамга қўниб олган еттита оқ кабутар менга ҳамроҳ эди. Сўнгра кабутарларим 12 та, 17 та, 19 та бўлди. Бугун эса олдимга йигирма бешта оппоқ кабутар келиб, улар билан бирга парвоз этишимни сўради.

Мана, бир вақтлар қарғаларнинг дастидан ажодларимиз қаролмаган кўм-кўк, беғубор, кенг осмонга кўтарилдик. Ҳа, биз кўтарилдик: мен ва йигирма бешта оппоқ кабутар. Юқорида – овчилар ўқидан, қарғаю қузғунлар ҳамласидан хавотир олмай парвоз этиш нақадар завқли. Дастлаб кўзимиз бир аёлга тушди. Бошлари эгик, ғам шу қадар адо қилган эдики, кўзларида ёш ҳам қурибди. У она эди. У Ватан эди. Аммо қарғалар унинг фарзандларини бир замонлар ўз емига айлантирган эди. Шу сабабдан она мотамсаро эди. Сўнгра у бизга бутун оналар номидан уруш ҳақида, Ватан дея урган юраклардан оққан қонлар ҳақида, Ватан тупроғида тўкилган ёшлар ҳақида ва ўша ёшлардан чанқоғини босган қарғалар ҳақида гапириб берди. Сухбатимиз тугагач, фарзандларига тилагани каби бизларга ҳам оқ йўл тилади.



Биз яна самога кўтарилиб парвоз эта бошладик, гўзалликларга маҳлиё бўлганча узоқ учдик. Сўнгра чанқоғимизни босиш учун Амударё лабига қўндик. Дарё билан хайрлашгач, Хивага бориб қўндик. Сайёҳларга мезбонлик қилаётган обидаларнинг бир вақтлар гўёки дол бўлган қадди алифдек турарди. Бу обидалар салобат-ла



ўзларига меҳр билан тикилган нигоҳларни кузатар, ҳайратдан ураётган юрак зарбларни эшитарди. Бу юрт тупроғи Хоразмий, Замахшарий, Беруний, Паҳлавон Маҳмуд каби мутафаккирларнинг изларини энди беҳавотир асрай оларди.

Сўнгра бизга қулочини ёзиб турган Бухорои шариф осмонида парвоз қилдик. Мен ва йигирма бешта оппоқ кабутар Минораи Калонга қўндик. Бу азим шаҳарни ҳам бир вақтлар қарғалар макон қилган эди. Энди Бухоро боғларида товуслар хиром айлаб кезиб юрибди. Улар олдинлари кўрсатишдан қўрққан, минг хил рангда товланадиган патларини эркин очиб кишиларга завқ бағишларди. Қувонганимиздан Чор Минор ораларида ўқ овозидан хавфсирамасдан бир-биримизни қувлай бошладик.

*Бу вақтда тун ўз кўрпасини тўшаган бўлиб, ўзгача шукуҳ бахш этаётганди. Бу туннинг бағрида юлдузлар порларди. Мирзо Улуғбек бобомиз нигоҳларига гувоҳ бу юлдузлар ажодларимизнинг милтилаб турган кўз ёшларига, севинч кўзёшларига айланган эди.*

Бир вақтлар одамлар орзулари учун отилганди. Энди эса уларнинг буюк орзулари учун уйлар куриб берилмоқда. Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино, ҳадислар дурина тузган Ал Бухорийларни менинг аждодим дея айта олмаган бу юрт фарзандлари бугун уларнинг обод қилинган қадамжоларини зиёрат қилишмоқда. Бир пайтлар қарғалар шовқини дастидан намозлар ўқилмаган, Қуръон тиловат қилинмаган эди. Энди эса пиру бадавлат отахонлар масжидларда юртимизга тинчлик, дастурхонимизга хайру барака, Юртбошимизнинг эзгу ишларига ривож тилаб дуолар қилишмоқда.

Бундай ўзгаришларни кўргач, биз йигирма бешта

*Шу вақт мен ана шу йигирма бешта оқ кабутарнинг орасида Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат каби аждодларимизнинг ушалган орзулари ҳам парвоз этаётганига астойдил ишондим.*

оқ кабутар янада баландроқ парвоз этиб, Самарқандга йўл олдик. Парвоз этар эканмиз, бир вақтлар Буюк Ипак йўли бўлган бу йўлларнинг замонавий трассаларга айланганини, туялар карвонлари ўрнини босган автокарвонларни кўрдик.

Шу зайлда суҳбату ҳайратлар ила Самарқандга келганимизни сезмай қолибмиз. Бу вақтда тун ўз кўрпасини тўшаган бўлиб, ўзгача шуқуҳ бахш этаётганди. Бу туннинг бағрида юлдузлар порларди. Мирзо Улуғбек бобомиз нигоҳларига гувоҳ бу юлдузлар аждодларимизнинг милтиллаб турган кўз ёшларига, севинч кўзёшларига айланган эди. Ана шу юлдузлар ёруғи остида Самарқанднинг чиройига мафтун бўлиб томоша қилиб юрганимизда беихтиёр вужудимиз қандайдир оҳанг таъсирида тебрана бошлади. Оҳанрабодек ўзига тортаётган бу куй янграётган жойга қўнганимизни сезмай ҳам қолибмиз. Кейин билсак, “Шарқ

тароналари” фестивалининг устидан чиқиб қолган эканмиз. Бир вақтлар фақатгина қағиллашлар янграган замонда Шарқ халқлари ўз тарихлари билан, аждодлари билан мақтанишга ожиз эдилар. Ҳозир эса ўз санъатлари орқали бир-бирлари билан суҳбат куришмоқда, баралла куйлашмоқда. Сўнгра мен ва йигирма бешта оппоқ кабутар яна парвозга шайландик.

Юқорига кўтарилар эканмиз, озод Ватанимизнинг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар, қанотларимизни кенг ёзиб эркин парвоз этардик. Булутларга Алпомишу Гўрўғлилари, Барчиною Юнус пари, Мисқол парилари, Ҳасанхону Авазхонлари, Тўмарису Широқлари



*Ифтихор ва гурур  
туйғулари кўзимиз  
қаърига чўкиб,  
юрагимиз тубига  
сингиётган эди.  
Сўнгра аста-секин  
пастлай бошладик.  
Йигирма бешта  
оппоқ кабутар мени  
ўрталарига олиб  
хонамгача кузатиб  
қўйишди. Улар  
сафлари яна биттага  
ортганида албатта  
ёнимга қайтишни  
ваъда қилиб, мовий  
осмон бағрига сингиб  
кетди.*

ҳақидаги дostonларини айтиб тугатолмаётган тоғлардан учиб ўтдик. Энди бу мағрур тоғларнинг бағридан инсонларнинг қонидан суғорилган лолалар эмас, одамларнинг бир-бирига, Ватанига муҳаббатидан ранг олган лолалар униб чиққан эди. Шамол ҳам тинмай озодликни куйлаб, ўзини ҳар тарафга урар, энди Ўзбекистон мустақил юртлигини бутун дунёга жар солишни истарди. У хурсандлигидан ўзбек қизларининг сочларини силаб эркалар, сўнгра дарахтларнинг олдига бориб, шукроналар айтиб яшил баргларидан тасбеҳ ўгирарди.

Мана, биз йигирма бешта оқ кабутар пойтахтимиз – Тошкент осмонидамиз. Бир-би-

ридан гўзал бинолар. Уларнинг бири ўтмишимиз юкини орқалаган Ўзбекистон тарихи музейи, яна бири Миллий театр биноси, беқиёс улуғворлик акс этиб тургани эса Анжуманлар саройи эди. Шунда бироз пастлаб бир бинонинг бошига кўниб атрофни кузата бошладик. Бу бино замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган, юртимиздаги ўн мингга яқин мактабларнинг бири эди. Шу пайт кўнғироқ чалинди-ю, портфел орқалаган келажак вакиллари чиқиб кела бошлади ва уларни кутиб турган ота-оналарининг бағрига отилишди. Уларнинг ичида митти юраги ичига сиймай бир қизча “Она, Ватан” сўзларини ўқий олгани учун устозидан мақтовлар эшитганини жажжи қўлчалари билан таъкидлаб, ғурурланаётганди. Биз амин эдикки, мустақил заминимизда қад кўтарган ана шундай мактаблардан оила кучоғига кетаётган болалардан бири Ўзбекистон байроғини чизиб, яна бири мустақиллик ҳақида шеър айтиб, бошқа бири Ватан тўғрисида кўшиқ куйлаб, яна бири Ўзбекистон харитасини бўяб аъло баҳо олганидан фахр-ифтихор туйғуси билан мақтанишарди.



Кўнғлимиз қувончга тўлиб, яна осмонга кўтарилдик. Парвоз этар эканмиз, савлат тўкиб турган университетларда бўлажак Навоийлар, Берунийлар, Замахшарийлар, Бобурлар, Хоразмийлару Фарғонийлар таҳсил олаётганига ишончимиз комил эди. Шу вақт мен ана шу йигирма бешта оқ кабутарнинг орасида Чўлпон, Абдулла Қодирий, Фитрат каби аждодларимизнинг ушалган орзулари ҳам парвоз этаётганига астойдил ишондим.

Кейин яна бирданига ҳур ва озод юртимиз осмонига кўтарилдик. Шунда йигирма беш йил давомида пойтахтимизда юз берган барча ўзгаришлар ва бунёдкорликлар кўз ўнгимизда намоён бўлди. Мана, мустақиллигига йигирма беш йил тўлаётган мустақил Ўзбекистоним, ҳа, бу менинг Ватаним! Ана у ерда эса мустақил юрт байроғи мағрур ҳилпирамоқда.

Ифтихор ва гурур туйғулари кўзимиз қаърига чўкиб, юрагимиз тубига сингиётган эди. Сўнгра аста-секин пастлай бошладик. Йигирма бешта оппоқ кабутар мени ўрталарига олиб хонамгача кузатиб қўйишди. Улар сафлари яна биттага ортганида албатта ёнимга қайтишни ваъда қилиб, мовий осмон бағрига сингиб кетди. Йигирма бешта оппоқ кабутар, мен сизлар билан биргаман, мен сизларнинг бирингизман! Биз ҳали элликта, юзта бўламиз! Асрлар ўтади, биз парвоз этганда юртимиз осмони оппоқ кабутарларга тўлиб кетади!



# Сатрларга

## СИҒМАГАН СИЙРАТ

**К**аршимдаги ўрта бўй, кичик жусса, кенг пешонали кишини кўриб, очиги, саросимада қолдим: мен излаган инсон чиндан ҳам шу одамми?! Ишонгим келмайди. Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Холиджон Комилов билан учрашувга шайланган чоғда буткул бошқача хаёлда эдим. Кўз ўнгимда серсавлат, серсалобат, баланд курсида ястаниб ўтирган, теварагида неча-неча шоғирдлар, ходимлар гирди-

капалак, боқишлари, сўзлашлари кибрли бир киши жонланган эди. Аммо... рўпарамда оппоқ қалпоғи остидан мулойимгина боқиб турган шифокор тасаввурларимни буткул тўзғитиб юборди.

– Холиджон Маҳамаджонович, мен... – дея расмий, оҳанжама оҳангда ўзимни таништириб, мурод-мақсадимни айтарканман, қоғоз-қаламимни намойишкорона шайлаб қўйдим.

– Илтимоc, – деди домла андак чимрилиб, – ака-укалардай гаглашайлик.

– Ҳа, албатта... – деб чайналдим сохта сипогарчилигим у кишига хуш келмаганини англаб.



Шу орада ходималардан бири олдимизга чой, қанд-қурс келтириб қўйди. Домлага аллақандай ҳужжатни узатиб имзо чектириб ҳам олди.

– Укажон, узр, – деб қолди бир маҳал Холиджон ака қимтиниб, – сиз кириб келган пайт бир беморни қараётган эдим. Шу иш чала қолди-да... Агар қарши бўлмасангиз, шу кўрикни охирига етказиб қўйсам... Ҳарҳолда, узоқдан мени атай излаб келган касал, уларни куттириб қўйиш инсофдан эмас, кейин иккимиз бафуржа суҳбатлашамиз.

– Бемалол, домла, бемалол.

– Унгача сиз чойдан ҳўглаб, жамоамиз фаолияти билан танишиб туринг, – деди Холиджон ака ялтироқ жилдли қалин альбомни олдимга қўйиб.

Альбомни шошилмай варақлашга тушдим. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси ходимлари, дарс жараёнлари, амалий машғулотлар, ҳашарлар акс этган тасвирларга тўла экан. Мана, домланинг сурати! Муҳтарам Президентимиз қўлидан “Олтин юлдуз” нишонини олаётган пайт. Қувончли, унутилмас лаҳзалар муҳрланган!

Альбом варақлаб орадан анча вақт ўтиб кетганини билмай қолибман. Холиджон акадан ҳануз дарак йўқ. Бетоқатлана бошладим. Бир пайт ўша қанд-қурс келтирган ходима эшикдан яна мўралаб қолди.

– Кечирасиз, камчиликлар йўқми?

– Камчиликлар бор-да, домла қанилар? – дедим.

– У киши ҳали касалларни қараяпти.

– Домланинг бирламчи вазифаси малака ошириш ўқув ишларини ташкил қилиш, дарс ўтиш-ку, – дедим ажабланиб, – беморларга қараш масъулияти йўқ у кишида, шундай эмасми?

Ходима кулимсираб бош чайқади.

– Устозимиз олдида асло бундай дея кўрманг. Шифокор иш пайтида ҳам, дам олиш пайтида ҳам, уйида, тўй-ҳашамда бўлса ҳам шифокорлигича қолади, одамларни даволашга ҳамиша бурчли, деб у киши бизга ҳар куни уқтирадилар.

*Шифокор иш пайтида  
ҳам, дам олиш  
пайтида ҳам, уйида,  
тўй-ҳашамда бўлса  
ҳам шифокорлигича  
қолади, одамларни  
даволашга ҳамиша  
бурчли*

– Илтимос, мен кутиб қолганимни яна бир марта эслатиб қўйинг.

– Яхши, ҳаракат қиламан.

Ходима бош ирғаган қўйи эшикни ёпди. Бироздан сўнг Холиджон ака шошқин-тошқин кириб келди.

– Узр, меҳмон... ушланиб қолдим.

Мен у кишига синчков кўз ташларканман, профессор беморларга қарашга берилиб кетиб мени бироз унутганини, ҳойнаҳой, ходима кутиб қолганимни айтганидан кейингина ёнимга ошиққанини пайқадим.

Холиджон ака иш столига ўтираркан:

– Энди бемалол сўроққа тутаверинг, – деди кулимсираб.

Мен профессор Холиджон Комилов узоқ йиллардан бери бошқариб келаётган офтальмология кафедраси тарихи ҳақида узундан-узоқ савол беришга чоғландим. Шу пайт стол устидаги шаҳар телефони туйқус жиринглаб қолди. Холиджон Маҳаммадҷонович менга айбдорона кўз ташлаб, узр сўради-да, гўшакни кўтарди.

Мен ён-атрофимга қизиқиш билан кўз ташладим. Очиғи, бу ер уч нафар фан докторига, ўттиздан зиёд фан номзодига устозлик қилган олимнинг, машҳур шифокорнинг иш кабинетидан кўра аълочи, интизомли ўқувчининг дарсхонасига ўхшайди. Эни уч, бўйи тўрт қулочча келадиган шинамгина ҳужра. Ўртада бир жуфт оддийгина иш столи, стуллар. Стол устида ҳар хил ҳужжатнамо қоғозлар, ёзув-чизув анжомлари саришта-лаб қўйилган. Девор ёнида мўъжазгина ойнаванд жавон. Жавон ичида турли-туман китоблар, дарсликлар, қўлланмалар кўзга ташланади.

Холиджон Маҳаммадҷонович ким биландир жиддий бир тарзда сўзлашиб бўлгач, гўшакни ўрнига қўйди. Юз-кўзлари тўла табассум, мамнуният, қувонч!

– Бизни табриклашингиз мумкин, укажон, ўтган ҳафта бир беморнинг кўзларини операция қилгандик, бугун врачлар боғловларини ечибди, натижа биз кутгандан ҳам аъло!

– Табриклайман, домла, – дедим у кишининг ҳайрату ҳаяжонидан ҳайратланиб.

Ажаб! Салкам ярим асрдан бери кўз касалликлари билан машғул, ҳар куни, ҳар ҳафта, ҳар ой неча-неча беморларни кўриқдан ўтказиб, неча-неча жарроҳлик амалиётига қўл урадиган офтальмология илми алломасини яна йўқотиб қўйдим. Айни пайтда қаршимда гўё эндигина клиника эшигидан ҳатлаб ўтган, бирор касалнинг кўзига илк бор малҳам томизган ва бу ишини оламшумул санаб чексиз ҳайрату ҳаяжонга чулганган навниҳол талаба турарди!

– Ўта мураккаб, ўта нозик операцияни амалга оширган экансиз-да, – дедим ўзимча синчковлик кўрсатиб.

Ҳануз болаларча қувнаб турган Холидjon ака менга саволчан кўз ташлади.

– Нима учун бундай фикрга келдингиз?

– Чексиз ҳаяжону қувончингизни кўриб...

– Биринчидан, бизнинг соҳада мураккаб, нозик бўлмаган операциянинг ўзи йўқ. Қолаверса, мен беморга оддий бир дори ичираётганда ҳам ҳаяжонланаман, қувонаман.

“Бурч, масъулият ҳисси бор одамларгина худди шундай бўлади!” деган ўй ногоҳ хаёлимда ўтди. Худди шу чақин зарбидан ҳалиги содда, ғўр талаба тимсоли тумандай тарқаб, кўз олдимда яна улуғвор, фидокор, ўз касбининг билимдони, минглаб киши-

ларни кўз касаллигидан халос қилиб, қароғига нур бахш этган, камтар, ўз-ўзига талабчан шифокор Холидjon Комилов бутун инсоний хислатлари билан яна намоеън бўлди.

Биз анча пайтгача суҳбатлашиб ўтирдик. Болаликнинг, талабаликнинг беғубор, бепоён дунёсига бориб келдик. Шифокорнинг сермашаққат, аммо шарафли ҳаёт йўлига назар ташладик.

\*\*\*

Холидjon, ҳой-наҳой, отасига тортди. Отаси Маҳамадjon ака машҳур кўз касалликлари шифокори эди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Тошкент давлат медицина институтида таҳсилни бошлаган Холидjon ажойиб кунларнинг бирида падари бузрукворига ўз аҳдини айтди: “Мен ҳам сиздай кўз шифокори бўламан”.

Маҳамадjon ака кулимсираб бош чайқади: “Мендек эмас, ўғлим, мендан ҳам зўр врач бўлинг. Лекин фақат орзу билан иш битмайди-да...”.

Холидjonнинг қарори қатъий эди. Эндигина институтнинг иккинчи босқичида ўқиётган талаба эртаси куни ўзи истаган кафедрага кириб борди: “Кўз касаллик-

лари бўйича тўгаракка қатнашмоқчи эдим, – деди қимтиниби, – дарслардан сўнг бўлимларда иш ўргансам...”.

Мутасадди раҳбар истеҳзоли кулди: “Биринчидан, бу ерда унақа тўгарак йўқ. Иккинчидан, сенинг қанақа соҳада мутахассис бўлишинг тўртинчи курсда маълум бўлади...”

Совуққон муносабат Холидjonнинг ҳафсаласини пир қилди. Мутасадди раҳбарнинг ноҳолис, нописанд гапларидан “Ўв, кўп ҳовликмагин, сандан барибир кўз шифокори чиқмайди”, деган маънони уқди.

Ёш талабанинг руҳи тушиб, кўнгли хижил тортди. Иккинчи жаҳон урушининг не бир талотўпларини кўрган, ҳарбий шифокор сифатида жанггоҳларда қатнашган Маҳамадjon ака ўғлидаги нохуш кайфиятни пайқаб, бир куни уни қаршисига ўтқазди: “Болам, ҳаётда ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Ҳар қандай баланд чўққини ҳам забт этиш мумкин. Бунинг учун инсонга ақл ва ирода зарур, – дея насиҳат қилди Маҳамадjon ака, – уруш пайти баъзан айрим марраларни тик хужумга ўтиб, бир ҳамлада қўлга киритишга уринишлар кўп бўларди, аммо талофатдан бошқа нарсага эришилмаган. Шундай кезлар салоҳиятли саркардалар янги режалар ишлаб чиқишарди. Унга кўра, ўша марра ё қуршовга олинар ёки душман кутмаган тарафдан зарба бериларди. Оқибатда, кўзланган ҳудуд нисбатан енгил, кам талофатлар эвазига қўлга киритилган. Бу билан нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, ҳаёт ҳам жанг майдонига ўхшайди. Кўпгина

*Болам, ҳаётда ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Ҳар қандай баланд чўққини ҳам забт этиш мумкин. Бунинг учун инсонга ақл ва ирода зарур*

масалалар осон ва жўн кўринса-да, уник хужумга ўтиб, бир ҳамлада ҳал қилиб бўлмайди. Ақл ва иродани ишга солиш зарур. Муаммонинг қулай ва заиф жойини аниқлаб, ўша ердан ечим топиш мумкин. Энг муҳими, туш-кунликка чап бериш, ноумид бўлмаслик керак...”.

Отасининг бу ўғитлари Холиджонга бир умрлик дастурил-амал бўлди, ҳисоб. Офтальмология кафедрасидан ўқиб қайтгач, кўп ўтмай, орзусини амалга оширишга бошқа бир йўл топилди. Талаба Холиджон Комиловнинг тиришқоқлигини, тиб илмига чанқоқлигини кузатиб юрган асаб касалликлари кафедраси мудирини, тиббиёт фанлари доктори, профессор Наби Мажидов ёш йигитни ўз йўналишига қизиқтириб қўйди.

“Кўз касалликлари ҳам асосан асаб толалари билан боғлиқ. Масаланинг айнан шу жиҳатини ўргансам-чи?!” деган ўй Холиджоннинг хаёлидан ялт этиб ўтди. Бу фикрнинг устозига, отасига айтди. Улар талабанинг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлашди. Натижада Холиджон Комилов бош мия ва кўриш аъзола-



рини боғлаб турадиган асаб тизими муаммолари масаласида жиддий шуғуллана бошлади. Айнан шу мавзу кейинчалик унинг номзодлик, докторлик илмий ишларига ҳам асос бўлди. Ёш шифокор йўналишни гоёта оқилона, теран тушунча билан танлаган эди! Отасининг ўша ўғитлари бўйича таърифлаганда, забт этилиши зарур бўлган марранинг бошқа тарафига айланиб ўтиб, ҳеч қутилмаган хужум билан уни ишғол қилди! Навқирон иқтидор эгаси, Тошкент давлат медицина институтининг олтинчи босқич талабаси Холиджон Комилов нуфузли бир анжуманда ўзи ўрганаётган йўналиш бўйича маъруза қилиб, соҳанинг етук мутахассислари эътиборини қозонди, олқишларга кўмилиб кетди. Ҳатто, бир пайтлар уни эшигидан ноумид қайтарган мутасадди раҳбар ҳам Холиджоннинг заковатига тан берди. Аммо кейинчалик бу иқтидорли талаба офтальмология кафедрасида ишга қолишни сўраб келганида, институт раҳбарияти унинг илтимосини рад этди. Ноилж, олий таълимни

аъло баҳолар билан тугаллаган Холиджон Комилов Республика кўз касалликлари шифохонасида врач ординатор сифатида иш бошлади. Шу баробарида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тадқиқотчи мақомида ўз илмий изланишларини давом эттирди. Орадан йиллар ўтди. Ниҳоят Холиджон Комилов тиббиёт фанлари номзоди даражасига эришиб, нейроофтальмология соҳасининг республикадаги илк мутахассисларидан бири бўлди. Албатта, биз бу кечмишларни қуруққина, сипогина сатрларда силлиққина, қисқагина баён этиб ўтаяпмиз. Аммо бу илмий-амалий фаолият замирида қанчадан-қанча машаққатлар, неча-неча уйқусиз тунлар, изтиробу ташвишлар ётгани Яратганнинг ўзига, шунингдек, қахрамонимизга аён.

– Мен бир умр янгиликка, хурфиррилиikka интилиб яшадим, – дейди Холиджон Маҳамаджонович, – бусиз медицина соҳасини ривожлан-тириш мушкул. Аммо илгари сурилаётган илғор усулларни ҳамма ҳам теран тушуниб, қўллаб-қувватлайвермайди. Эскича қолигларга ўрнашиб олган кўпгина мутахассислар жон-жаҳди билан қаршилиқ қилишади. Шу йўл билан ўзла-рининг омонат обрўларини сақлаб қолмоқчи бўлишади. Худди шундай курашларда фақат ақл ва иродага таян-ганман. Отам насиҳат қилган-дай, муаммо-машаққатларни кутилмаган тарафдан ечишга уриндим.

Дарҳақиқат, шундай. Тиб-биёт фанлари доктори, профес-сор Холиджон Комилов қи-йинчиликларни сабот-матонат билан енгиб, ўз изланишлар-рини давом эттирди, ўз илмий ғояларини назарий-амалий ечимлар билан дадил ҳимоя қилиб, катта доираларда исботлаб берди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, истиқлол шарофатидан олимнинг меҳнат фаолияти гуркираб ўсди. Бу йилларда барча соҳалар каби тиббиёт йўналишида ҳам олиб борилган туб ислохотлар, муҳтарам Президентимиз-нинг, ҳукуматимизнинг халқ сиҳат-саломатлигига кўрсата-ётган эътибори, ғамхўрликлари ўз самарасини берди. Юрти-мизга дунё тиббиётининг энг илғор, энг замонавий анъана-лари кириб келди. Профессор Холиджон Комилов ҳам мав-жуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, компьютер технологияларини кўз касал-ликларини аниқлаш, даволаш тизимига кенг жорий қилиб, юксак натижаларга эришди.

Хусусан, клиник офтальмология, нейро-офтальмология, кўз микрохирургияси каби соҳалар ривожига беқиёс ҳисса қўшди. Бугунги кунда айнан Холиджон аканинг интилишлари, бевосита раҳ-барлиги остида республикамизда кўз касалликлари ташхисининг энг илғор, энг замонавий усуллари қўлланил-моқда. Кўз касалликларини тезкор аниқлаш, компьютер периметрияси, компрессиз тонография сингари усул-ларни қўллаш, кукумазим, фраксипар-ин, тиклид, иммуномодулин, лагоден, аллоплант каби дориларни даволаш ишларига татбиқ этиш шулар жумласи-дандир. Бир сўз билан таърифлаганда, тиббиёт фанлари доктори, профес-сор Холиджон Комилов тиббиётнинг офтальмология соҳасида ўз мактабини яратди! Ҳассос шифокор юқорида санаб ўтилган самарадор усуллар ёрдамида шу кунгача минглаб оғир беморларни кўриқдан ўтказди, даволади, зим-зиё қароқларга нур бахш этиш йўлларини топди.

– Мустақиллик юртимиз тарихида туб бурилиш ясади, – дейди домла кўзларида ифтихор туйғулари пор-лаб, – Истиқлол аввало халққа эрк

*Ўзбекистонда тиббиёт шахдам одимлар билан ривожланмоқда. Бу борадаги силжишлар жаҳондаги энг тараққий этган давлатларникидан қолишмайди. Ҳатто яқин атрофимиздаги мамлакатлардаги кўплаб беморлар шифо истаб бизларга мурожаат этишмоқда.*

ва озодлик берди. Илгари бировларга қарам эдик. Эртаю кеч уларнинг қош-қо-воғига қараб ўтирар-дик. Бу ҳол, айниқса, тиббиёт соҳасига сал-бий таъсир кўрсатган эди. Мен кўпинча кеча ва бугунни хаёлан қиёсламан. “Ким эдигу ким бўл-дик?!” деган саволга ўринли жавоб топа-ман. Кечагина, яъни яқин ўтмишда ҳатто оддийгина дори-лар ҳам камёб эди. Беморлар қониқарли муолажа илинжида собиқ Иттифоқ марказига қараб чопишарди. Бугун манзаралар буткул бошқача! Ўзбекис-тонда тиббиёт шах-дам одимлар билан ривожланмоқда. Бу борадаги сил-жишлар жаҳондаги энг тараққий этган давлатларникидан қолишмайди. Ҳатто яқин атрофимиздаги мамлакатлардаги кўплаб беморлар шифо истаб бизларга мурожаат этиш-моқда. Улар юртимиз тиббиёт тизимига ҳавас билан қара-шади.

Албатта, бу ҳали ҳаммаси эмас. Жум-ладан, шаҳар ва туманларимизда ташкил этилган “Тез ёрдам марказлари”, қишлоқ врачлик пунктлари ҳақида қувончу ғурур билан гапиришимиз мум-

кин. Чунки бундай муассасалар бошқа мамлакатларда деярли учрамайди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, бунёдкорлик ишлари шунчаки, ўзимизни, ўз имкониятларимизни кўз-кўз қилиш, кимларгадир мақтаниш учун амалга оширилаётгани йўқ. Барчасининг замирида инсон манфаатларини кўзлаш, фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш каби эзгу мурод-мақсадлар ётибди. Мамнуният билан эътироф этиш жоизки, бошқа соҳаларда бўлгани каби тиббиёт йўналишида ҳам ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб жамиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшаётган шифокорлар, олимлар Юртбошимиз, ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирлаб келинмоқда. Тиббиёт фанлари доктори, профессор Холидjon Комиловнинг Президентимиз фармонида кўра 2006 йилда “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланиши, 2012 йилда эса “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий унвонига мушарраф бўлиши фикримизнинг яққол далилидир.

\*\*\*

Сухбатимиз давомида Холидjon ака тагин бир неча марта соатига ўғринча кўз ташлаб қўйди. Мен ўзимни кўриб-кўрмасликка олдим. Ишқилиб, энди етар, иш-ишимизга қўзғаламиз, деб қолмасин-да, деган хаёлга бораман. Гурунгимиз менга жуда мароқли туюларди. Холидjon Комилов сиртдан оддий, камтар-камсуқум, сокин кўринса-да, у кишининг сийратида, ички дунёсида илму дониш, чин шарқона ахлоқ, инсонпарварлик, ватанпарварлик туйғуси тоғ шаршарасидай жилваланиб турганини теран ҳис этдим. Сухбат давомида яна бир карра амин бўлдимки, бу инсоннинг шу кичкина жуссасига тоғдек чўнг ишонч, қоядек мустаҳкам, метин ирода, собитлик жо бўлган экан.

– Одам бировларга озгина бўлса-да фойдаси тегишини ҳис этса, бардошига бардош қўшилади, – дейди Холидjon ака ўйчан. Худди шундай неъмат ато этгани учун ҳам Аллоҳга минг-минг шукроналар айтаман. Ҳаётда шундай одамлар учрайди, ишинг тушиб ёнига борсанг, пайсалга солади, мушқулинг бошқа томон-



дан ҳал бўлса, ҳаммасини ўзим қилдим, дея аюҳаннос кўтаради, тагин баъзи бировлар бор – ёлғончи, каззоб, қўлидан келадиган яхшилиқни ҳам бошқаларга раво кўрмайди. Худойим ана ўша тоифалардан қилиб қўймагани учун ҳам шукрона айтаман.

Бир пайт эшик қия очилди-ю, тагин тезгина ёпилди. Домла менга хижолатомуз кўз ташлади.

– Узр... мени кутишяпти, малака оширишга келган гуруҳга дарс ўтишим керак. Кейинги сафар сиз билан сухбатни яна давом эттирамиз.

Биз қўзғалдик. Ичу ташим алланечук ёп-ёруғ эди. Англадимки, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор Холидjon Комилов нафақат кишилар кўзига нур бахш этувчи, балки кўнгилларни ҳам зиёга тўлдирувчи инсон экан.

**Луқмон БҮРИХОН,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган маданият ходими

# Дардларига малҳам – меҳрингни тутиб



## Икром ОТАМУРОД

1951 йили туғилган.  
ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг  
журналистика факультетини  
тамомлаган.

“Вақт ранглари”, “Жануб  
қушлари”, “Тўрғайли  
манзиллар”, “Уфқлар  
орти бепоеён”, “Рухимнинг  
қайғуси”, “Сен”, “Канглум,  
ўзинг”, “Тавр” каби шеъррий  
китоблари нашр этилган.

\*\*\*

...Шамол тўзгитади борлиқни,  
сермаб-сермаб бегуборликни.

Заминнинг сиртида йўргалар,  
осмоннинг қатига тиргалар.

Силкитиб дарахтлар шохини,  
тўқади яфрозлар оҳини.

Қўчалар сийратин тўзгитиб,  
титади ҳолларин изгитиб.

Сукунат тоқатга чўмади,  
не қилсин,  
кўзларин юмади?

Сукунат дардидан томчилар  
томади...

...Оҳ!..

...Шамол қамчилар!..

\*\*\*

...Танаффус –  
қай бир ҳаракат,  
вақт жисмидаги лаҳза.  
Вақтга қадам қўйиб қат-қат,  
лўкилар марзама-марза.

...Танаффус –  
англаш сукути –  
ўзингда мавжуд ўзингни.  
Нелардир жовдирар қутиб,  
нелардир қоплар кўзингни.

...Танаффус –  
қандайдир чизги:  
балки умид,  
балки армон.  
Гоҳ кангулга солар эзгу,  
гоҳ кангулни эзар он-он.

...Танаффус –  
эҳтимол, тақдир  
жиҳатин муҳрлар имконга.  
Афсус,  
назар солмай, гир-гир  
қулоч керар ҳар томонга.

...Танаффус –  
мисли ҳодиса –  
табиатнинг мўъжаз сири.  
Зоҳирга бир бута илса,  
ботинга жойлар томирин.

...Танаффус...

...Танаффус...

...Танаффус...

\*\*\*

...Дўстларим кўп дейсан,  
бу ҳам майлига,  
Садоқатли дейсан,  
куйдириб жонинг,  
Ишониб,  
кангулнинг телба хайлига,  
Елиб,  
югурасан қонаб товонинг.

Йўлларида бирдай бўласан фидо,  
Меҳрибонсан –  
барин бир кўзда кўриб.  
О,  
менинг нодоним –  
биродарим,  
о,  
Бунчалар ўзингга берасан фириб?!

Бунчалар ўзингни алдайсан тўйиб,  
Дўстларим деб халак –  
ёнасан,  
афсус!  
Ўзингни бир четга қақшатиб кўйиб,  
Уларнинг камини қиласан тўқис.

Чорасиз онига излайсан чора,  
Дардларига малҳам –  
меҳрингни тутиб.  
Хаста юрагингни айлайсан пора,  
Қийнайсан ўзингни –  
унутиб.

Ўйлайсан:  
қудратли,  
бўлиқдир тўпинг,  
Қуюқ кўл қисишиб юрган сони минг.  
Гофил бўлма,  
Иқром,  
уларнинг кўпи  
Ҳимматингга шерик –  
ганиминг.

Учасан,  
тиллердан тўкилган болга,  
Билмайсан,  
таркиби чирмовиқ заҳар.  
Муғамбирлик қалқон ҳамиша золга,  
Хушомад – ханжар.

Мақтовлар –  
хиёнат,  
илтифот –  
рўё,  
Манфаат жаллоддир,  
Чархлайди дамин.  
Садоқатга муҳтож,  
бу кўҳна дунё,  
Дўстликка ташинадир,  
бу кўҳна замин...

\*\*\*

...Ёлгондан зим-зич тан,  
ростдан бўм-бўш тан,  
ҳамиша ўзига бўлиб маҳлиё,  
қалбин хоҳишига хоҳ бермай,  
зотан,  
қалбин чирқиратиб югурар,  
оё.

Нигоҳида фақат биргина назар,  
танини эркалаб ўсган маҳобат.  
Шу боиским,  
тан –  
манфаатга зар,  
шу боиским,  
тан –  
илинждир қат-қат.

Тақозо гоҳ таннинг танига тўнғиб,  
қалбнинг қалбига ҳеч келолмайди мос.  
Танни эгаллаган ёлгондан мунғиб,  
танни ботинидан сирқиб кетар рост...

\*\*\*

...Бунчалар ҳам бибурдсан-а,  
илтимос,  
қадрни янчасан,  
хорлаб бунчалар?  
Билиб бўлмас,  
сенга нима келар мос,  
уйларни ўйлаган билан қанчалар?

Гўёки,  
далдага боғичинг илиб –  
хешдайинсану лек, этасан бадир.  
Эҳ,  
илтимос!  
Кангул пушмонга тўлиб,  
сенинг азобингдан йиғлайди қадр...

\*\*\*

...Кўчада кўрганнинг бор-ўғи говур,  
говурнинг дастидан довдираб қолиб,  
канглунгда мунгайиб,  
нимадир совир,  
ўйқотиб кўясан ўзингни –  
толиб.

Узилиб-узилиб боради боғич,  
мурувватнинг салқи тортиши асно.  
Говур тўлиб-тошиб,  
тахланар зим-зич,  
кўча тахларида ўйнаб –  
таманно.

Айланар омонат ҳолга сайсайин,  
говурга бўйсунган муносабатлар.  
Суқутин тубига қарайди тайин,  
мурувватга хеш-акрабо сифатлар.

Иброк торайини доирасин кучиб:  
говур кучаяр,  
сусаяр мурувват.  
Олам ҳосиласи ботиндан кўчиб,  
зоҳир нигоҳига чирмашар қат-қат...

**СИРА**

Туркумдан

\*\*\*

...Кўприк –  
рост билан ёлгонни  
икки қирғоққа  
чатиштирган  
умуртқа...

\*\*\*

...Дарахт –  
илки кўкка узалган,  
пойи ерга маталган  
пайваст...

\*\*\*

...Кутуш –  
Мажнунни Лайлига ошиштириб,  
интизорликка ундаган  
кошки...

\*\*\*

... Панжара –  
қаср кўрқувин  
чирмаб олган  
кўриқбон...

\*\*\*

...Экзотика –  
минг афсус,  
ўйқолиб,  
қўлда ишланган  
нусха...

\*\*\*

...Тош –  
туфроқ кўксига  
қатқалоқ бойлаб ётган  
оғриқ...

\*\*\*

...Кул –  
гуриллаб-гуриллаб ёниб,  
мискингина сўнган  
фарёд...





# Эски удум

ҳикоя



**Бахтиёр НУРИДДИН**

1972 йили туғилган.  
Тошкент давлат  
университети (ҳозирги  
ЎзМУ)нинг ўзбек  
филологияси факультетини  
тамомлаган. “Ота ва ўғил”,  
“Мусаввир”, “У дунё  
харидори”, “Шудринг  
гуллари”, “Нурбола”  
каби ҳикоялари билан  
ўқувчиларга яхши таниш.

**Х**ар йили кеч куз қишлоқдаги эски ҳовлиларида барча оила аъзолари йиғилишади. Одатдагидек бу гал ҳам элдан бурун ўзи етиб келди. Кириб борганда уйда ҳеч ким йўқ эди. Бироз иккиланиб туриб қолди. Болалиги ўтган, ҳаётга илк муҳаббати уйғонган қадрдон жойда биринчи марта ўзини бегонадек туйди. Атрофга аланг-жаланг назар ташлаб чиқди. Ҳаммаси ўша-ўша: саранжом-саришта. Фақат деворлар сал-пал нурай бошлабди, холос. Ё кўзига шундай ётсираб кўрин-яптими, ҳарҳолда, унчалик тушунмади.

– Келдингми? – деди онаси ҳовли этагидаги дарахтдан терилган сап-сарик беҳиларга лик тўла саватларни сўрига қўяр экан.

Хаёл билан бўлиб онасини пайқамай ҳам қолибди. У югургилаб бориб, қўлидагиларни олди.

– Оғир бўп кетибди-ку, – деди беихтиёр инқиллаб, зил-замбил идишлардаги меваларни ёзилган дастурхонга тўкаркан.

– Кўникиб қолганман, – деди онаси вазмин ўғлини қучатуриб, нафасини ростларкан. У ўзини ноқулай сизди. Айбини яширмоқчи бўлгандек, маҳкам қучоқлаб олди. Онаси “Ҳечқиси йўқ!” дегандек елкасига қоқиб қўйди.

– Бардаммисиз, – деди секин пичирлаб.

Онаси индамади. Бироздан сўнг:

– Невараларим яхшими?.. Келинни олиб келмадингми? – деб сўради ўсмоқчилаб.

– Келишмоқчийди, йўлимиз қовушмади, – деди истар-истамас.

– Балки ҳамёнинг кўтармагандир?.. – дангаллини гапириб қўя қолди она.

– Шунақароқ, – деди тан олиб у ҳам, тушунарсиз оҳангда минғирлаб.

– Бекор қипсан. Уларниям соғинганман ахир. Ўзим боролмасам, – зорланди онаси. – Ҳартугул, амалласанг бўларди-ку. Улар учун олмурутдан қоқи солиб қўйгандим.

Болалари туршакнинг ана шунақасини ёқтиришарди. Айниқса, бувиларининг сутга солиб қайнатиб бергани жони-дили эди. Унинг таъминини шаҳарга қайтганларида ҳам кўп эслаб юришарди.

– Ўқишлари қолиб кетмасин тагин. Таътилда олиб келарман, – деди базўр.

Онаси яна жимиб қолди. Индамай беҳиларни саралаб, иккига ажратарди. У бирпас кекса онасининг юмушини кузатиб турди. Кейин кийимларини алмаштириб чиқиб, ёрдамлаша бошлади.

– Қўявер, ўзим уддалайман, – деди кампир истамайгина. Аммо у ўзини ишчан кўрсатиб, янаям чаққон ҳаракат қила кетди. Бу иши онасига ёқмади, шекилли:

– Авайламасанг заҳа қиласан, – деди жеркиб. У гап оҳангидан ҳаммасини тушунди. Бояги гинахонлик ҳалиям тарқамаган эди. Энди кўнглини овлаш йўлини излай бошлади.

– Яна териб ўтайми?.. – сўради бўшаган саватларни қўлига оларкан.

– Шуниси ҳам етар, – деди онаси эринибгина. – Улар ўқиб нимани қойиллатишарди. Бариси

урф-одатларни унутишяпти. Катталардан узоқлашишгани қоляпти.

Очиғи, нима деярини билмай боши қотди. Онаси тўғри айтарди. Ўйлаб кўрса, ўзи ҳам ўқимишли бўлиб худди шундай қилган. Минг-ни уқиб тузукроқ ҳол сўрашни билмаса одам, ундан не наф. Бу иддаоларнинг бариси ўзига қаратилган асли.

– Ҳаёт шунақа экан-да. Вақт бир жойда кутиб турмаса. Замон кундан кун ўзгариб бораётган бўлса...

– ...Ақлимни танибманки, ҳаммаси ўша-ўша. Дунё ҳам жойида. Аввал қандай бўлса ҳозир ҳам шундай, – гапини чўрт кесди онаси. – Яна сенга айтсам, одамзотнинг ўзи ўзгарган!

У тортишишни хоҳламади. "Буларнинг бари бор гап, – деб ўйлади. – Лекин кечаги кун билан бугун бир-бирига ўхшамайди-да барибир..." Хаёлидаги фикрлар тўқнашувида яна бўш келгиси келмасди унинг.

– Сен тоғораларни ол! Анор узамиз, – деди онаси хаёлини бузиб. У беихтиёр бўйсунди. Идишларни кўтариб, онасига эргашди.

Анорзорда ҳосил мўл эди.

– Бу йил ҳаво яхши келди. Ҳамма мевалар бошини еб солди. Ҳар йилгидан тузук-да, ҳарҳолда. Бултур бари дарахтларни совуқ урганди. Авж олмасмикин, деб кўрққандим. Худога шукур! Ўзининг раҳми келди. Бўлмасам, биз ҳам ўтириб қолардик.

Онаси пишиб етилган катта-катта анорларни битта-битта узиб унга узатарди. У бўлса авайлаб саватларга жойларди. Ёрилганларини алоҳида қилар, сараларини бошқа ёққа терарди.

– Гулини пастга қаратма. Эзилса узоқ турмайди, – танбеҳ берди онаси. – Нима бало, ҳаммасини унутибсан-да!?

– Қўлим анча чиққанми дейман, – ўзини оқламоқчи бўлди у.

– Ҳа-аа... Отангнинг сендан умиди катта эди. Буни катта шаҳарда ўқитамиз, дерди раҳматли. Айтганини қиладиган одам эди-да. Шунинг учун нам ҳамма ҳурмат қиларди.

Болалигида боғда отасига кўп ёрдамлашган. Баҳорда дарахтларнинг тагини юмшатиб, ўғитлашишар, кузда эса ҳосилни йиғиштиришарди. Отасининг қизиқ одати бор эди. Ҳар доим пишган меваларнинг олдини қўшниларга улашарди. Нима сабаб бундай қилганига ҳалига довур ақли етмайди. Отасидан сўраганда: "Келаси йил учун", дерди жилмайиб. Тўғриси, бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган экан.

– Қолганлар ҳаяллашдимми?..  
– гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди у ака-укаларига ишора қилиб. Йўқса, онасини билади.

Кўзёш қилиши аниқ. Ўтқаси тўлиб турибди. Бунинг устига, бошидан йиғлаб олса, минг йиллик йиғин ҳам татимайди.

– Ҳадемай келиб қолишади. Уйни тўзитади ҳали, – фикрини бўлди онаси.

– Ҳаммалари катта бўлиб қолишгандир? – жиянларини сўради у.

– Нимасини айтасан.

Ўҳ-ҳў... Ақл ўргатишади сенга. Келишса кўрасан.

Онаси невараларининг қайси бир қилиқлари эсига тушдимми, мийиғида кулиб қўйди. Икки сават ҳам қип-қизил анорларга лиқ тўлди. Энди меваларни банди билан узиб, тоғораларга жойлай бошлашди. Бу сафар бир қатор қилиб териб чиқишди.

– Бўлди, етарли, – деди онаси бироз ўтиб. – Қолганини кейинроқ йиғиб оламиз.

– Мен териб қўяқолай, – деди у онасининг чарчаганини билиб.

– Бутун бошли боғни сенга ишониб бўларканми?..

– Эгларман.

– Узоқ йўлдан келгансан. Юр энди, – деди онаси қатъий.

Улар идишларни олиб боғдан чиқишди. Ҳаммасини кўтармоқчи бўлганди онаси кўнмади. Қўярда-қўймай бир сават билан тоғорани ўзи олди.

– Унақада анорлар эзилади, – деди дакки бериб.

Шу пайт дарвозахонадан дупур-дупур оёқ товушлари эшитилди. Ким, дейишга улгурмасидан ака-укалари етиб келиб, зумда қўлларидаги идишларни олишди. Онаси айтгандай, бирпасда қий-чув, тўс-тўполон бошланди. Кич-

кина жиянлари хархаша қилишар, катталари бўлса юпатишарди.

– Кўрдингми буларнинг қанақалигини? – деди онаси уларга қарата қош учириб.

– Бувиларига ўхшаган-да, – деди у ҳам мийиғида кулиб.

– Кошки шундоқ бўлса. Отасининг ўзгинаси. Мана бунисининг ширинлигини қара. Мени кўргани келибди-да жужугим, – дея энг кичкина набирасини кўтариб бағрига босди онаси. Чўнтагидаги ширинликлардан бериб, бироз эркалади.

– Э-ээ, бормисиз, ака! – сўрашди укаси шошиб келиб.


– Раҳмат.

– Бизсиз бутун ҳосилни йиғиштирибсан-да, ука, – деди акаси ҳам кўриша туриб.

– Яхшимисиз, ака.

– Худога шукр. Ўзинг тузукмисан? Оиланг тинчми?.. Қани улар!? Нега олиб келмадинг? Бир ёзилиб кетишарди-да.

– Ҳадеб авайлайвермай қишлоқ офтобидан ҳам едиринг уларга, ака! – деди укаси ҳам қўшилиб.



У тузукроқ баҳона тополмай кулиб қўя қолди. Бирин-кетин жиянлари келиб кўриша кетишди. Катталари бўйи баробар чўзилишибди. Ҳаммасини кўриб хурсанд бўлди. Янгаси билан келини ҳам ҳоллаша туриб, оиласини сўрашди. Ростданам олиб келса бўларкан.

Бирпасда айвонга дастурхон ёзилди. Синглиси келибоқ ош-овқатга уннади. Онаси келинлари билан нон зуваласини олишга тушди. Бу ғимир-ғимирларни кўриб калласи айланиб қолди. Ҳамма нарса тахт эди. Онаси ҳатто хамиргача қориб, тайёрлаб қўйган экан. У нима қиларини билмай, тандирга ўт қалади. Косов билан оловни кавлаб, сал қолди қошини куйдиришига. Хижолатдан ариқдаги сувга йиқилай ҳам деди. Тоза кулги бўларди-да ўзиям. Жиянлари амакиларининг ҳаракатларини бир-бирига кўрсатиб, қикирлашарди. Ер ёрилмади-ю, кириб кетмадиям... Амаллаб тандирни қизитиб олди. Онаси келиб, ўзи нон ёпди. Тандирнинг жағига митти кулчалардан ёпиштирган экан, бироздан кейин узиб унга узатди.

– Ма, еб ол! Эсингдами, бола пайтларинг доим кулча пишишини пойлардинг, – деди. У қўли куя-куя синдириб оғзига солди. Ҳақиқатан ҳам, жуда мазали. Хотиралар вужудида ажиб ҳис уйғотди чоғи, алланечук бўлиб кетди.

Шу йўсин қош қорайди. Кечки овқатга барча жамулжам бўлди. Ҳамма ёқни эндигина тандирдан узилган иссиқ нону, иштаҳани қитиқловчи ковурма таомларнинг иси тутди. Меваларнинг ҳидини айтмайсизми? Нақ димоғни ёради-я! Ҳаммалари бирга ўтиришиб тановвул қилишди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб, кўнгил ёзишди. Онаси неваралари билан анча овунди. У ҳам яқинлари қаторида ўзини енгил сезди. Барча ташвишларини унутгандек бўлди. Дастурхонни йиғиштирар вақти отасини эслашди. Онаси ўтганлар ҳақиқига дуо қилди. Шу билан бу йилги йиғинга ҳам яқун ясалди. Ҳамма тарқади. Бир зумда уй яна ҳувиллаб қолди. Ётар маҳал онаси гапга тутди.

– Қачон қайтасан?

– Эртага.

– Бироз қолмайсанми?

– Ишларим кўп. Кейин неваралариз...

– ...Отанг ҳосилнинг бошидан шаҳарга жўнат, деб тайинлаганди, – деди секин гапини бўлиб. – Шунинг учун эрталаб инжиқлик қила кўрма!..

Ҳар гал шу – кетар маҳал онаси бир дунё нарсаларни қўлига тутқазарди.

– Хўп, – деди бош қимирлатиб.

Аммо онасининг ичидаги гап бошқа эди. Уни айтолмай қийналаётгани яққол сезилиб турарди.

– Бояги сўзларимдан хафа бўлмагин яна. Болаларни ўқитинглар. Келинга ҳам тайинла. Кўп куюнавермасин. Дунё ўзи шундай...

Онаси нимага шама қилаётганини тушунолмай бироз гарангсиди. Узоқ вақтдан бери хотинининг тоби йўқ эди. Бироқ онаси буни билмасди-ку! Ҳайрон бўлиб қараган эди:

– Ёз охирлаб қолганда келин тушимга кирувди. Оппоқ кийимда фаришта мисол учиб юрган экан. У осмонга қараб талпинар, сен бўлса ерга тортардинг. Тузукла, бетобга ўхшайди. Ҳали соғайиб, отдай бўлиб кетади. Кўп сиқилаверманглар.

У нима деярини билмай, жим қолиб қолди. Вужуди қулоққа айланиб, фақат тингларди.

– Яна бир гап, – деди онаси чуқур хўрсиниб. – Доим бир нарса ичимни эзади. Дийдор қиёматга қоладими, деб зириллайман. Гапимни бўлишга шошилма. Ўзимни ўзим яхши биламан. Отангдан кейин анча чўкдим. Ишларим ҳам аввалгидек унмаяпти. Ҳаракатда мадор йўқ. Қаридим, шекилли. Бариси орқага қараб кетяпти. Буни ўйлаш қанчалик оғир бўлмасин, бу – ҳақиқат! Ҳақиқат эса доимо аччиқ...

Минг ҳаракат қилиб, гапиришга чоғланса ҳам, буни удалай олмади. Ҳатто онасини юпатувчи бирор сўз айтолмади.

Тун ичи онасининг гапларини ўйлаб мижжа қоқмади. Қуёш бош кўтармай, акаси билан укаси етиб келди. Тонг саҳар катта йўлгача кузатиб қўйишди.

Кетар чоғ онасини маҳкам кучоқлаб, хайрлашди.

– Умрингиз узоқ бўлсин! – деди секин.

Онаси дуо қилди.

– Яқинларингни йўқлаб тур, – деди ортидан.

Йўлда атрофдаги дов-дарахтлару қадрдон йўллар ҳам онасининг гапини такрорлаётгандек туюларди. Бир томондан яқинлари билан бўлган кечаги ўтириш завқию бошқа тарафдан онасининг тундаги оҳи-зори ичида тортишарди. Улардан қочай деб қочолмасди. Осмон олис, ер қаттиқ. Манзилгача эса ҳали анча бор эди.

– Албатта, – деди беихтиёр пичирлаб ўзига ўзи, кетиб бораркан.

Келаси йил кеч куз қишлоқдаги эски ҳовлиларида барча оила аъзолари яна йиғилашади.



# Онашзор

ҳикоя

Она учун бугун қувончли кун бўлди. Ўғлидан хуш-хабар келди-да. Неча йиллар интиқ бўлиб кутганди бу дамларни. Кеча қўшниси Турсиной қоранинг боласи унинг жигарбандини учратганини, шу жума онасини кўришга боришини айтганини суюнчилаб кирди. Аввало уч кун олдин худо дилига солиб, тушида аён қилганди ҳам: тиниқ булутлар сузиб юрган мусаффо осмон қаъридан оппоқ кабутар учиб чиқиб елкасига қўнувди. Билдики, яхши хабар эшитади. Мана ўша хурсандчилик. Ён қўшниси олиб келди.

– Умридан барака топсин угина бола. Илойим, ғам кўрмасин, – дерди қайта-қайта. Қумри кампир ичига сиғмай тинимсиз дуо қиларди. Туни билан уйқуси қочди. Худди бугун жумадек тонг саҳарданок туриб куймаланди. Ўғлининг болалик пайтларидаги ширин қилиқларини эслади. Илк тетапоя бўлганида отаси қувончдан ўзини қўярга жой тополмай байрам қилишувди. Қўшни болаларга ширинликлар улашганди. Ҳаммаси кечагидек кўз ўнгида турибди.

Бахтиёр кунлар эди. Эртага қўзичоғи – жигаргўшаси келади. Қанақа бўлиб кетган экан. Ҳойнаҳой, танимаса керак. Ўзгариб кетгани аниқ. Янаям улғайиб, катта киши бўлиб қолгандир. Туғилганда бир парча гўшт эди. Набиралари-чи? Уларни олиб келармикин ё ўзи сўппайиб кириб келадими?.. Набираларининг ҳеч бирини кўрмаган. Эшитгандан бери ҳар турли саволлар тинчини бузди. Майли, ўзининг дийдорига тўйса бўлди.

\* \* \*

Ниҳоят бугун чанг босиб ётган сандиқнинг қулфигаям калит солинди. Кампирнинг бор бисоти ана шу ерда эди. Озодининг чақалоқ кийимчалари ҳам ўша вақтда келинлик сандиқига жо бўлганди. Латта-путталар тагидан уларни топиб, искаланди. Худди ўзи. Ўғил-часининг иси келяпти. Мушки анбар-а?.. Анчагача кийимчаларни ҳидлаб, қайта-қайта термулди. Қиқир-қиқир қулгулари қулоқлари остида жаранглагандай бўлди. Охири зерикди, шекилли, бир кийимлик чит олиб, сандиқни ётди.

Қуёш бош кўтармай тикувчи Мастура чўлоқнинг эшиклари тақиллади. У ҳайрон бўлди. Кун билан келди-кетди кўп бўларди-ку, аммо бундай каллаи сахардан остона ҳатловчилар йўқ эди. Апил-тапил туриб, дарбоза томон шошди.

– Ким у? – деб овоз берди кета туриб.

– Мен... мен Қумри холангман, – деди кампир вазмин оҳангда.

– Ҳозир юз-қўлимни чайволай, – деди яна у.

Қумри холанинг сабри чидамай ҳовлиқди.

– Ҳой Мастураҳон, эшикни оч!..

– Ҳозир, ҳозир. Мана кетяпман.

Йўлақда Мастура чўлоқнинг оқсоқланган оёқ олиши эшитилди.

– Келинг, хола, – деди шошинқираб кўришиб. – Хуш келибсиз.

– Сенга иш олиб келдим. Мана шуни тикиб бермасанг бўлмайди.

У қўлидаги читни тикувчига тутқазди. Мастура лом-мим демай ичкарига бошлади. Айвонга кириб, Қумри холанинг эгнини ўлчаб чиқди.

– Шу бугуннинг ўзида тикиб берасан! – деди қатъий.

– Бунча тез бўлмаса. Ҳали битмаган ишларим турувди.

– Сен билмайсан-да. Эртага ўғилгинам келяпти. Тушундингми?

Қумри холанинг узоқ йиллардан буён танҳо яшашини бутун қишлоқ биларди: ёлғизгина ўғли ҳарбий хизматга кетган-у, қайтмаган. Уйланиб олибди, деб эшитишарди. Ҳаста отаси кута-кута ўн беш йил деганда аза очди. Элга ош бериб, худойи қилди. Шундан кейингина жони ором олиб, бу фоний дунёни тарк этди. Ўша-ўша Қумри хола ёлғиз яшайди. Лекин ноумид шайтон. Ўғлининг тириклигига ишонади: ҳали-ҳануз кутади.

Мастура индамади. Ҳаям, йўғам демади. Кампирнинг хурсандчилигини бузгиси келмади. Қумри хола унинг “Ўтиринг, чой-пой ичинг” дейишигаям кўнмади. Ҳар қанча қистовига қарамай шошиб чиқиб кетди.

\* \* \*

Қумри холанинг қиладиган ишлари кўп эди. Уйига қайтибоқ бузоқчани бўшатди. Бироз ийдириб олиб, сигирни соғди. Томорқага эккан кўкпиёз, турли хил кўкатлардан юлиб, боғлам-боғлам қилиб тугунга жойлади. Сутни кўтариб, бозорга ошиқди. Қумри хола мана шундай кун кечирарди. Уларни сотиб, пулига у-бу олиб келар, шу билан рўзгорини тебратарди.

Пайшанба бозори гавжум эди. Ошкўклар бир зумда эгасини топди-ю, аммо сутнинг харидори чиқмади. Ҳозир ҳамманинг уйида сигир. Одамлар сут-қатиққа муҳтож эмас. Барибир бирор кимса чиқар, деб ўйлади. Бозорда одам сийраклашиб борарди. Бир чеккада гужанак бўлиб олган кампир:

– Сут. Янги соғилган сут. Ҳой ўғлим, манг, олинг. Бугун сахарда соққанман-а, – деб харидор чорларди.

Улгуржи бозор тугади. Чаканачилар келиб жойларини эгаллай бошлади. Энди сут оладиган кам бўлади. Оёқлари ҳам толиқди. Шундай бўлса ҳам бироз турди. Ҳеч ким сут сўрамади. Энди кетмоқчи бўлганда ортидан бировнинг:

– Онажон, сутми? – деган товуши эшитилди. Қумри хола суюниб кетди.

– Ҳа-ҳа. Янгигина.

– Растага олиб киринг энди, – деди хотиржам паттачи.

Тарвузи қўлтиғидан тушган кампир уйга қайтди. Кела солиб сутни қайнатди. Бироз совитди-да, оқлик солиб, қатиқ ивитиб қўйди. Инқиллаб юриб уйларни тозалади. Чангларни артди. Супур-сидир қилди. Ҳаммаёқни

саранжом-саришталади. Кечга яқин тикувчи Мастура чўлоқ битган кўйлагини қизидан бериб юборибди. Кийиб кўрди. Қолипга солгандек ярашиб тушди. Қўли дард кўрмасин, деб қизга ҳақ берганди, олмади. Чевар қизи тушмагурни қаттиқ тайинлаб жўнатган экан. “Аям хафа бўлади”, деб туриб олди. Шундай бўлса-да, ҳовлининг этагидаги зарғалдоқ шафтолидан бир сатил териб ўтди. Олишга кўнмаганди, мен ҳам хафа бўламан, деб оёқ тиради. Қиз кетгач, кўйлагини такрор-такрор кўздан кечирди. Бичимларини текшириб кўрди. Кўнгли жойига тушиб, яна дуо қилди. “Ўзи чўлоқ бўлса ҳам кўли гул унинг, – дея хаёлидан ўтказди. – Одамнинг ўлчами билан бирга дилини ҳам топади. Болаларига бош бўлиб юрсин, илойим”.

\* \* \*

Шу бугун амаллаб кунни кечкирттирди. Ўзининг қилган ишларидан ҳавасланди. Туни билан мижжа қоқмай чиқди. Эртанги дийдорни ўйлади. Ўғлимнинг олдида кўзёши қилмаман, деб ўзига ўзи сўз берди. Яна ким билади. Эглай олармикин буни. Ярим тунда қаттиқ шамол турди. Дарахтларнинг шохлари синиб кетгудек тебранди. Ўчоқ бошида идиш-товоқларнинг жаранглагани эшитилди. Ташқарида кимдир юрганга ўхшади. Чиқиб қарашга кўрқди. Тарақа-туруқ тинмади. Ёлғизнинг ёри худо, деб дадил бориб, эшикни тирқишидан каради. Ҳеч ким кўринмади. Аввалдан тайёрлаб қўйган бешликни қўлига олиб, ташқарига чиқди.

– Ким у!? – деди қалтироқ овозда. – Ўғримисан? Сенга нима керак? Бор бисотим ўлимлигим холос менинг. Шундан бошқа ҳеч вақом йўқ. Қорнинг оч бўлса...

Кампирнинг ёдига нимадир тушиб, шошиб қолди. Кўрқувдан асар ҳам қолмаганди. Эси курсин, бугун бозордан олган бир парча этини қозон бошига қўйган эди-ку! Жон жаҳди билан олдинга ташланганди, ўчоқ ортидан бир қора ит югургилаб, девор оша кўшнининг ҳовлисига ўтиб кетди.

– Туф-туф. Юрагимни чиқараёзди-я, – деди пичирлаб. – Хайрият, тегинмапти.

Ит пастдаги кул тоғорани искаб, йиқитворган экан, тўғрилаб қўйди. Гўштни олиб, илмоққа илди. Эртага ўғлининг келишига қулинг ўргилсин қовурма ош қилади. Раҳматли эри шунақасини яхши кўрарди.

\* \* \*

Эрта тонгдан кўшни хотинлар хабар олгани киришди. Анчагача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Ўғлини мақташди. Сийрати раҳматли отасига тортганини айтиб ялтоқланишди. Бири кўйиб, бири тоза оғзини кўпиртирди. Кампир бу гапларнинг бариси таскин учун айтилаётганини жуда яхши биларди. Уларнинг мақтовлари юрагига игнадек санчилаётганини кўшнилари тушунмасди... Ёки атай қилишаётганга ўхшарди. Шартта туриб қувиб солгиси келди. Айниқса, Сайёранинг гапти ёқинқирамади. Нима эмиш, ўғлини ўзи куёв қилмоқчи бўлганмиш. Ордона қолсин-а. Унинг гапларидан қошлари чимирилди. Энди безовталана бошлаганди, кўшнилари туришди. Турсиной қора ўғлига нимча тикиб чиқибди.

– Озодбек бизнинг ҳам ўғлимиз, – деди у. – Бу ернинг совуғи билдирмай белдан уради. Келганда кийиб олсин.

– Мен ҳам дўппи тиккандим. Озодингизга насиб қилибди. Ҳар қалай, яланг бош юрса бўлмас. Қишлоқ жой. Униси-буниси гапиришмасин тагин, – деди рўпара кўшнисини Сайёра ҳам.

Одамнинг юзи иссиқ-да.

– Барака топинглар, барака топинглар! – деди иложсиз кузата туриб, тил учида.

Улар чиқиб кетишди. Яна ёлғиз қолди. Қуни билан ғимирлаб дунёнинг ишини қилди. Пешин бўлдиямки, ўғли келмади. Ошнинг масаллиқларини тўрғаштириб, тайёрлаб қўйди. Кутди. Ўтириб, узоқ вақт гуручнинг тошини териб, овунди. Уст-бошларини алмаштириб, янги тикдирган кўйлагини кийиб олди. Пича пардоз-андоз қилган бўлди. Ойнага қараб ўқинди. Ажинлар ўргимчак тўридек томир ёйибди. Ҳаммаси вақт қурғурнинг найранги. Кутмаганинг – кўзингга кўринади. “Энди буёғига ёшарармидим”, дея ўзига далда берди. Ўғлидан бўлса ҳамон дарак йўқ эди. Тик этса дарвозахонага кўз югуртирди. Кўнглига қил сиғмасди. Кечга яқин ўчоққа ўтин қалаб, олов ёқди. Ёғни доғлаб, ошнинг зирвагини қилди. Кўнглидан ҳар не ўйлар кечди. Йўли бехатар бўлсин, деб қайта-қайта Яратгандан сўради. Бироқ... остона босиб бирор кимса кириб келмади уйига. Яна қоронғи туша бошлади. Ҳовлига одатдагидек ёлғиз сукунат бостириб кирди. Ҳар кундаги каби унинг ҳукмронлиги бошланди. Худди тушунгандек қурбақалар ҳам сайрамади. Чигирткалар чирилладиям. Ҳақиқий сукунат эди. Уни бузишга бирор жонзотнинг ҳадди сиғмасди. Бу оғзини ланг очиб, одамни ютворишга шай турган аждарҳога ўхшарди. Фақат кутарди, пайт пойларди, холос.

Лекин у эртақдагидек ҳеч қачон келмасди.

\* \* \*

...Бу сукунатни онанинг нолаасигина бузишга қодир эди. Шундай ҳам бўлди. Қумри хола тун ярмигача ўғлини кутиб ўтирди. Умидини узмади. Охири она қўлларининг зарбини соғинган, девор илгагида чанг босиб ётган чилдирма жонланди. У ошни пишириб, човгумнинг сувини биқирла-тиб қайнатаётган, ўчоғ оғзидаги ўчиб бораётган чўғда обдон қизиди. Терилари таранглашган чоғ, Қумри холанинг юраги олдига борди ва чапандозча\* товуш берди: бак-бум, бум-бак-бум...

Чилдирма садолари онанинг эзилган юрагига малҳам бўларди. Анчагача шу тахлит товуш такрор-ланиб турди. Сўнг дилдаги қийноқ тилга қайнаб чиқа бошлади. Улар ҳазин нолалар орқали сўзга айланди. Қумри хола дард билан куйлади. Қўшнilar тиқ этса йўқловга киришмоқчи эди. Охири кута-кута уйкуга кетишганди. Чилдирма садоларини эшитиб ҳаммалари уйғонишди. Қумри холанинг гап-гаштакларда ялла қилиб туришини билишарди. Бошқа пайт қўлига чилдирма ушламасди ҳам.

Бу тун ҳеч ким мижжа қоқмади. Онанинг овози тонгга қадар тинмади. Қўшнilarнинг эса бирор-тасини туриб чиқишга юраги бетламади. Қумри холанинг нолаларига кулоқ тутиб ётаверишди. Лекин қўшиқ сўзларини англаб олиш маҳол эди. Ора-орадагина “Болам-а...”, “Келмадинг-ку!”, “Кутаа... аман” деган дардли сўзлар аниқ эшитиларди, холос.

Турсиной қора қоронғида пайпасланиб, ун қорадиган сурпанинг орасидан узун ўқловни топди. Пишиллаб ухлаб ётган ўғлини устига бостириб кириб:

– Сен ер ютқурга қачон ақл киради! Одамлар-нинг тинчини бузган ҳайвоннинг қорни ёрилса бўлмасмиди, – дея савалаб кетди. Турсиной қоранинг вазоҳати ёмон эди. Ўғли уйқусираб калтак зарбини ҳам сезмади. Вазиятга тушунмай:

– Нима қилдим, – деб илтижо қилди.

– Бировнинг боласини учратмай ҳар бало бўлгур! Мана шу кўрган кўзларинг оқиб тушсин сен итнинг, – деб яна сўқди.

Доира садолари авжига минди. Гап нимадалигига ақли бовар қилмай талмовсираб турган ўғил калтаклар сабабини эндигина англаганди. Чилдирма овози аниқроқ эшитила бошлади.

Бак-бум...мм, бум-бак-бум...мм.

Ва ниҳоят Турсиной қоранинг ўғли ўзи сабаб бўлган фожиани тушунгандек бўлди. Тунов кунги хабари Қумри холанинг уйига хурсандчилик эмас, мотам олиб келганди.

\*доира усули

\* \* \*

Бу куниси ҳамма ўзи билан овора бўлди. Ҳатто бир-бирларидан “Нима гап?” деб сўрашга ботинишолмади. Қумри холаникига чиқишга бўлса, ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Пешинга яқин Турсиной қора бир коса мастава қуйиб, хабар олгани ўғлини киритди. “Ён қўшни – жон қўшни-да барибир. Бир гап бўлса югур-гилаб чиқиб келади. Яна иссиқлик ҳам кўтариб киришади”, деб хаёлидан ўтказди Қумри хола.

– Бироз мазам қочди, – деди кўзлари мўл-тиллаб косага қўл узатаркан.

– Яхши бўп кетасиз. Шунини иссиғида ичиб оларкансиз, – деди қўшни бола ҳам ерда пардаси ёрилиб ётган чилдирмага кўз тикиб.

– Қўлимдан тушиб кетди.

Қумри хола шошқатор қуйилиб келаётган кўз ёшларини энгининг учига артди.

– Қовурғаси бутун, тузатса бўлади. Уста Умар бирпасда зўр қилиб юрак парда қоплаб беради, – деди қўшни бола ҳам айбдорларча кўзларини яшириб.

– Менга кўпам ачинма, – деди Қумри хола хаста тувушда.

Бу гап боланинг кулоқларига “Ҳамма ёлғонларингни биламан”, дегандек эшитилиб кетди. У ҳар шаҳардан қайтганда Қумри хола ўғлини сўрарди. Кўрган-кўрмаганини суриштирарди. Ўқишга қайтар маҳали қўярда-қўймай у-бу егуликлар бериб юборарди. “Учратиб қолсанг бирга ерсизлар”, дерди. Қанийди шундай бўлса-ю, у ҳам кампирнинг мунгли қарашларидан қутулса. Охири шу ёлғонни тўқишга мажбур бўлди. Зора, ёлғонни ростга айланса, деб ўйлаганди. Қаёқда. Ҳаммаси чаппасига кетди. Энди умуман алдамайди. Бўйнига қилич келса ҳам бу ишни қилмайди.

– Сендан бир ўтинчим бор, – деди Қумри хола суюқ ошни ичаркан. Айтмоқчи бўлган гапини йўқотиб қўйдими, бироз каловланди. Сўнг: – Дийдор қиёматга қолса, Озоджонимга отаси билан мени қаерда ётганимни кўрсат. Ундан рози бўлганимизни ҳам айт. Одамларнинг гапларига ишонмасин, – деди.

Энди Қумри хола умидини бутунлай узган эди. Тўғри-да. Кута-кута кўзлари тўрт бўлди-ку. Аслида-ю, эр-хотин иккови ўғлимиз озод юрсин деб ўзлари шундай исм қўйишганди. Ўшанда эркинлик пардасидан кафан бичишганини қаёқдан билишибди. Бу ёғига худо пошшо. Пешонасига битилгани шу экан. Азалда не ёзилган бўлса, ҳаётда ўшани кўрди. Тақдирга тан бермай иложи йўқ.



Турсиной қоранинг ўғли атрофга аланг-жаланг боқди. Туриб чиқиб кетишга важ кидирарди.

– Ҳой Аҳмад. Ҳа жувон-марг-а! Бунча қолиб кетдинг мўлтониға ўхшаб, – деб чақирди онаси.

У баҳона топилганидан қувониб кетди. Тура солиб ўзини кўчага урди. Йўлда: “Одамлар! Мен онамни яхши кўраман”, деди пичирлаб.

Бошқа гап юракка сифмасди. Уч кун шу тахлит ўтди. Қўни-қўшнилари бири қўйиб, бири хабар олиб туришди. Боласини кутиб дамланган ош қозонда ачиди. Унинг ҳузурини қўшнисининг кўппағи кўрди.

Қумри хола кутишни унутиб энди оёққа турганда кутилмаган ҳол юз берди: беш яшар болани етаклаб ўғли кириб келди. Тушимми-ўнгимми, дея, онаизор довдираб қолди. Хурсандчилик билан бирга кўнглининг туб-тубида қандайдир ўксинишга ўхшаган ҳиссиёт бош кўтарди. Аммо неварасини кўриб меҳри жўшиб кетди. Ҳа-ҳа. Эндигина сўниб бораётган умид учқунлари қайтатдан аланга олди. Яна оналик меҳри уйғонди. Ахир жигарининг жигариям жигари-ку!.. Она набирасини қучиб эркалади. Шу пайт дарвозахонада ёшгина бир аёл кўринди. Неварасининг унга қараб талпинганидан келини шу эканини билди. Жигаргўшасини бағридан юлиб олган бу жувонни ич-ичидан ёмон кўриб юрарди. Лекин ўзи ўйлагандек эмас экан. Кўзлари кулиб одамни эритворарди. Беихтиёр ўғлига қаради. Юзидан самимият барқ уриб турарди. Хаёлига келган, ҳаловатидан айирган ёмон ўйларни эслаб ўзини койиди. Нима қилсин!.. Ахир Яратгандан шу дийдорни сўрамаганидими?..

## ЭЛ ХАЗИНАСИДАН



Бу галги луғатимиз Қўшработ шеvasига хос сўзлардан тузилган.

### БОВУР

– жигар, қариндош маъносида қўлланилади. Масалан: “Яқинда бизникига бовурларимиз келди”.

### Довур

– уч маънода қўлланилади: 1) қадар, -гача; 2) марта, карра; 3) товуш, овоз. Худудда дастлабки маъноси кўпроқ фойдаланилади. Масалан: “Қулмон ҳали довур келиб қолади”.

### Гўламих

– маҳсус тупроқдан тайёрланадиган лой, 1) тандир ичини сувашда ишлатилади. Масалан: “Онамнинг айтишига қараганда, тандиримизнинг гўламихи эскирибди”.

### Посанг

– ясан-тусан қилиб кийиниб олган одамга нисбатан қўлланилади. Масалан: “Қулмоннинг хотини жуда посанг-да. Қишлоқда ҳамма уни гапирарди”.

### Туматой

– қишки бош кийими. Масалан: “Посанг бўлиб қайга кетяпсан?”

### Кашал

– интизор, хавотирланиш. Масалан: “Мендан кашал бўлманг, она, ўқишларим аёло...”

### Оя

– кафт. Масалан: “Ажабки, асли оёгининг оясига ҳеч нарса қилмас, бобой ҳеч нарса кўрмагандай мўккисини кийиб кетаверар экан...” (Собир Ўнар)

### Очув

– жаҳл, аччиқланмоқ. Масалан: “Бу гапни эшитган Баҳодирнинг очуви чиқди”.

### Мойчаба

– ёғ солинадиган идиш. Масалан: “Қизим, мойчабани олиб кел”.

# Азму жазм билан иш тут

Амир Темури ўғит ва йўриқларидан

Буюк бобомиз  
Амир Темурнинг  
ҳаёт ва фаолият  
йўли биз – авлод-  
ларга жуда катта  
ибрат мактабидир.  
Буюк давлат арбоби  
ва саркарда бўлган  
Соҳибқирон юксак  
билим ва салоҳият  
эгаси эди. Тарихий  
асарлар, ёдномаларда  
бунга жуда кўп мисол-  
лар келтирилган.  
Замондошларининг  
ёзишича, Темур бобо  
ҳар қандай соҳанинг  
билимдони билан  
бемалол илмий баҳсга  
кириша олган. Қўйида  
ҳавола этилаётган  
ўғит ва фикрлар ақлу  
идрокимизга озиқ  
бўлиши шубҳасиз.

Ишбилармон, мардлик ва  
шижоат соҳиби, азми қатъий,  
тадбиркор ва ҳушёр бир киши  
минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд  
кишилардан яхшидир.

Агар икки  
хатарлик ёки  
бир хатарлик  
ишни қилишга  
тўғри келгудек  
бўлса, иккови-  
дан баробар  
қутулиш чораси  
топилмагач,  
бир хатарини  
ихтиёр этмоқ  
керак.

Давлат  
ишлари-  
нинг тўққиз  
улуши кен-  
гаш, тадбир  
ва машва-  
рат, қолган  
бир улуши  
эса қилич  
билан бажо  
келтири-  
лур.

Кенгаш икки турли бўлур:  
бири – тил учидан айтилгани,  
иккинчиси – юракдан чиққани.  
Тил учидан айтилганини  
шунчаки эшитардим. Юрак-  
дан айтилган маслаҳатни эса  
қалбим қулоғига қуярдим ва  
дилимга жойлардим.

Адолат ва инсоф билан  
Тангрининг яратган бан-  
даларини ўзимдан рози  
қилдим. Гуноҳкорга ҳам,  
беғуноҳга ҳам раҳм қилиб,  
ҳаққоният юзасидан ҳукм  
чиқардим. Хайр-эҳсон ишла-  
рим билан одамлар кўнгли-  
дан жой олдим.

Қилмоқчи бўлган  
ишларини қилмасдан  
қолдирмасинлар. Агар  
бирор ишни қилмас-  
ликка сўз берар экан-  
лар, яқинига ҳам йўла-  
масинлар. Хотирдан  
чиқмасинким, Тангри  
таоло жасур кишиларни  
ардоқлайди.

Азму жазм  
билан иш тут-  
дим. Бирор ишни  
қилишга қасд этган  
бўлсам, бутун  
зеҳним, вужудим  
билан боғланиб,  
битирмагунимча  
ундан қўлимни  
тортмадим.

Хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприк-  
ларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприклар қур-  
синлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар қурсинлар. Йўлларга  
кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни  
жойлаштирайсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга  
тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб  
қўймайликларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин.

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

Очиқ юзлилиқ, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилгай.

Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб.

Менга илтижо қилиб келган бадкирдор одамлар хоҳ менга яхшилик қилган бўлсинлар, хоҳ ёмонлик, салтанат тахтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга қўйдим. Менга қилган ёмонликларини қилмагандек кўриб, уларни ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тортдим.

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.



Сармойси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармойсини қайтадан тиклаб олиши учун хазинадан етарли микдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин.

Юз минг отлиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тadbир билан амалга ошириш мумкин.

Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон қимматсизларни, кўнгли бузуқ кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

# Муаззам пойтахт

Мозийдан дилларга инган бир нурсан,  
Улуғ элнинг орзу-тилагин ўзинг.  
Юртнинг жамолисан, элга манзурсан,  
Тошкент, Ўзбекистон юрагин ўзинг.  
Қаршингда минг бора қилурман таъзим,  
Муаззам пойтахтим – Тошкентин азим,

Ўзгарди неча йил, неча минг замон,  
Ўзбекнинг фахрига айланган шахрим.  
Ушалди боболар дилида армон,  
Қалбга иймон бўлиб жойланган шахрим.  
Бир қутлуғ олам бу – бир қутлуғ жазм,  
Муаззам пойтахтим – Тошкентин азим.

Жамолинг кундан-кун очмоқда чирой,  
Гулларга буркандинг чаманзор бўлиб.  
Кенг само тоқида балқиб тўлин ой,  
Мадҳингни куйлагай гурурга тўлиб.  
Ҳар битта гўшангда тантана, базм,  
Муаззам пойтахтим – Тошкентин азим.

Истиқлол қуёши сочганда зиё,  
Нурларга чулганди бу кўҳна диёр.  
Жамолинг кўрганда лол қолди дунё,  
Фарзандлар бағрингда яшар бахтиёр.  
Ёзмаққа чоғландим фахрия, назм,  
Муаззам пойтахтим – Тошкентин азим.

**Рустам ТУРОПОВ**



# Маърифат фидойиси

Бегали Қосимов 1942 йили Касби тумани Аллот қишлоғида туғилган. Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1999), филология фанлари доктори (1984), профессор (1986). Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тугатган.

30 га яқин китоб ва 300 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. Олимнинг илмий тадқиқотлари ўзбек мумтоз адабиёти ва адабий алоқалар, ўзбек адабиётини ўқитиш методикаси масалаларига, матншуносликка, миллий уйғониш даври ўзбек адабиётини ўрганишга бағишланган. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида ҳам тадқиқотлар олиб борган.

2004 йили Тошкент шаҳрида вафот этган.

Ватанни шунгаки севиб бўлмайди. Унинг дарди билан яшамок, унинг бахтидан қувонмок, у билан раҳрланмок керак. Бу ҳам кироэ эмас, тиннакам мухаббат уни яна ҳам гўдалрок, яна ҳам мукамалрок, яна ҳам улугворрок қилишига ундаши керак. Бу эса кураш демакдир.

Устознинг кундалигидан



“Унутилмас сатрлар” кўрсатувини тасвирга олиш жараёни.



Курсдоши Толмас Норов университет бадий ҳаваскорлик тўғарагида. 1959 йил.

Ҳақиқий олим ёки адиб муттасил изланади. Изланиш эса бошқалар қирмаган кўчага кириши, бошқалар юрмаган йўлдан юриши демакдир. Беғали Қосимов шунақа – тиннаккам маънодаги олим эди.

**Ўткир Ҳошимов,**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Умр йўлдоши Матлуба Исоқова билан.

Беғали ўз аҳдида ниҳоятда қатъиятли, ўнар, бошлаган ишнинг охирига етказмагунча қўймайдиганлар қилидан эди.

**Умарали Норматов,**  
профессор

Беғали Қосимов халқнинг дардини ўз дарди деб биладиган, тарих ҳақиқатини айтиб, уни келанакка хизмат қилдиришга бел бовлаган атоқли ва ардоқли олимларимиздан.


**Низом Комил,**  
таржимон



Талабалар даврасида.

Беғали Қосимов Миллий уйғонини даври адабиёти деб аталган алоҳида йўналишга асос солди. Бу борада халқаро кўламда эътироф этилган илмий мактаб яратди.

**Абдулла Орипов,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
Ўзбекистон халқ шоири



Имтиҳон олдидан.

Беғали Қосимовнинг юраги ҳам, оғирку ўйи ҳам қолипларга сиғмас, эрк-озодлик ҳислари билан лиммо-лим, иштиқол вояси билан муаззам эди.


**Шухрат Ризаев,**  
адабиётшунос



Беғали Қосимов ва Абдулла Орипов.



Оила даврасида. 1992 йил.



Набираси Азизбек билан. 1992 йил.

Бегали Қосимов Насарийлар сулоласининг давом этириувчиларидан, олтин эаннирнинг олтин халқаларидандир.


Убайдулла Уватов, профессор



Пирмат Шермухаммедов ва Муҳаммад Али билан. Қува. 1981 й.

Бегали Қосимов бутун вундуи, фикрий олами, салоҳияти, этиқоди, интилишлари, талаботанлиги, ростгўйлиги, ваъдага васро қилиши, нортпарварлиги билан тиндан ҳам миллат фарзанди эди.

Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Ижодхонасида.

Ўзбек адабиётшунослигида тинакам социологик тадқиқотчилик Бегали Қосимовдан бошланди.

Қозоқбой Йўлдош, профессор

Бегали ҳам олим сиратида, ҳам инсон сиратида қадрланганга сазовор. Мен унинг асарларини ўқиганимда ҳам ақлим тўлади, ҳам шундай олимимиз ёрлиғидан фохрланаман.

Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири



Фатҳиддин Насриддинов, Очил Тоғаев билан университет қабул комиссиясида. 1972 й.

Бегалининг тадқиқотлари Миллий ўйғонши даври адабиётининг шаъни-шавкатига бениҳоя муносиб. Агар шу китобларнинг кўргазмаси бўлса, унинг энг кўрнарли нойиша Бегали Қосимовнинг портретини илиб кўйган бўлардим.

Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон Қаҳрамони



Чапдан Бегали Қосимов, Абдуқодир Хайитметов, Наим Каримов, Шариф Юсупов, Шерали Турдиев; иккинчи қатор Баҳодир Каримов, Сирождиддин Аҳмедов, Бойбўта Дўстқораев, Бекир Ганиев, Зайнобиддин Абдурашидов ва Али Ҳамзин. ЎЗМУ. 2004 йил.

Бегали Қосимов сўзи амалига мувофиқ келадиган ҳақиқатгайи ва тўғрисўз, тин маънодаги миллатпарвар бир инсон эди.

Баҳодир Карим, профессор

Талабалар билан пахта теримида.



Ғиёсиддин УНАРОВ тайёрлади.

# Сен бу кўзгуни кўнгул қилгин хаёл...



**Зухра МАМАДАЛИЕВА,**  
филология фанлари  
номзоди.

1977 йили туғилган.  
Жиззах давлат педагогика  
институтини тамомлаган.  
2011 йили Алишер  
Навоийнинг “Лисон  
ут-тайр” дostonида  
рамзий образлар тизими”  
мавзусида номзодлик  
диссертациясини ҳимоя  
қилган.

**Б**адий адабиётда муаллиф тафаккури ва тасаввур оламини турфа маъно ва қирралари билан намоён этадиган образлар бор. Улардан бири – кўзгу (ойна) образидир.

Кўзгу образи болалигимизданок эртақлар орқали бизга таниш ва сеvimли. Қахрамонлар узоқдаги гўзални ойна орқали кўриб, севиб қолади, олисдаги дўстдан ойна орқали хабар келади, дунё ишлари тилсим кўзгу орқали намоён бўлади, ёлғончининг юзи сеҳрли ойнага қараса, қорайиб кетади ва ҳоказо...

Халқ удумларида ҳам ойнага алоҳида маъно юкланади. Келинкуёвни чимилдиқда ойнага тенг қаратиш, чақалоқ ёстиғи тагига кичкина кўзгу қўйиш каби удумлар ота-боболаримизнинг ёмон рухлар ойнадан кўрқиб қочади, деган ишончлари замирида пайдо бўлган. Кўзгу ёруғлик, порлоқ иқбол, ёрқин келажак рамзи ҳисобланган.

Ислom дини ва тасаввуф таъсиридаги мумтоз адабиётда ушбу образ инсон кўнглини ифодалайди. Тоза тутилган кўнгул ойнасида эса Оллоҳ жамоли зоҳир бўлади. Масалан, мавлоно Лутфийнинг қуйидаги байтида кўзгу шу маънони акс эттиради:

*Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилгали,  
Кўзгудек қилди мени ўзини пайдо қилгали.*



Алишер Навоий ижодида кўзгу образининг маънолари кенгайди, янги-янги қирралари намоён бўлди. Бу образ, айниқса, “Хамса”да такомилига етди. “Ҳайрат ул-аброр”да бутун олам ва ундан муддао бўлмиш одамзод Яратганнинг кўзгусидир, деган маънодаги мисралар бор:

*Жилваи хуснунгга чу йўқ эрди ҳад,  
Кўзгу керак бўлди анга беадад.*

*Очти бу гулшанники рангин эрур,  
Ҳар гул анга ойинаи чин эрур.*

*Жилваи хусн ўлгали зоҳир анга,  
Бўлди бу миръот мазоҳир анга.*

Яъни: хуснинг жилвасига поён ва ҳисоб йўқ эди, уни ошкор этиш учун эса худди мана шундай (улуғвор, гўзал ва поёнсиз) кўзгу керак бўлди. Шунинг учун бу гулшан (яъни олам) яратилди. Ундаги ҳар бир гул (яъни ҳар бир мавжудот) чиний ойина каби (ҳақиқатни намоён этувчи) бўлди. Хуснингнинг жилвасини пайдо қилиш учун бу кўзгу акслантирувчи вазифасини ўтади.

Достоннинг бир неча ўринларида Навоий бу кўзгу олам, ундан мурод эса инсон эканини ва Яратган инсон қалбига ўз хазинаси бўлмиш маърифатни жойлаштирганини таъкидлайди.

“Фарҳод ва Ширин” достонида кўзгу образининг икки хил вариантини кўрамиз. Достонда хоқон Фарҳоднинг кўнглини очиш мақсадида хазинага олиб кириб, ажойиботларни кўрсатган пайтида тилсим сандиққа дуч келиши лавҳаси бор. Олтину жавоҳирларга назар солмай тилсим сандиққа қизиққан Фарҳод уни очиш учун Юнон мулкига сафар қилиши керак эди. Сарой донишмандларининг айтишича, ўша сирли кўзгуда киши ўз тақдирини кўрар экан.

Бу образнинг пайдо бўлиш тарихига ҳам Навоий ижодида жавоб борлиги қизиқ. “Садди Искандарий” достонида тасвирланишича, Искандарга Чин хоқони икки ажойибот совға қилади. Бу ажойиботларнинг таъсирида Искандарнинг ўзи ҳам мусоҳиб донишмандларга бир кўзгу ва бир устурлоб яшашни амр этади. Жаҳонгир подшо устурлоб билан осмон жисмларини кузатишни мўлжаллаган бўлса, кўзгуга қараб оламдаги барча воқеалардан хабардор бўлишни ўйлайди. Натижада Арасту бошчилигида икки юз ҳаким темирга сайқал бериб Искандар кўзгуси (ойинаи Искандарий)ни ясашади. Тақдир тақозоси билан мана шу кўзгу Фарҳоднинг отаси бўлмиш Чин хоқони хазинасида пайдо

бўлади ва унинг тилсимини очиш учун Фарҳод Юнон мулкига сафар қилиши, аждаҳо, дев ва темир пайкар каби тўсиқларни енгиб ўтиб, Сукрот билан суҳбатлашмоғи керак эди.

Бу ўринда тилсим сандиқ – вужуд, Искандар кўзгуси эса инсон кўнгли бўлиб, уни софлаш учун киши риёзат тортмоғи керак, деган фикр достонда образли тарзда ифодаланган. Фарҳод Юнон мулкида темир пайкар кўксига кўзгуга ўқ отган пайтда тилсим сандиқ очилади ва Фарҳод кўзгуда Шириннинг аксини кўради. Навоий Сукротни тасвирлар экан, унинг қалбини мана шу Искандар кўзгусига ўхшатади.

Достонда яна бир кўзгу образи мавжуд бўлиб, камон ўқи билан уриб синдирилиши керак бўлган темир пайкар одамнинг кўксига жойлашган. Агар ўқ кўзгуга тегмаса, темир пайкарнинг атрофидан юз нафар ўзига ўхшаш нусхалари чиқиб, Фарҳодни камондан отиб ўлдирарди. Фарҳод бу шартни ҳам бехато бажаради. Бу ўринда темир пайкар одам – ёлғон дунёни, унинг кўксига кўзгу эса кишини ўзига жалб этадиган дунёнинг турфа жилваларини ифодаламоқда. Ва бу кўзгу айни пайтда инсон кўксига илоҳий кўзгу – кўнгилга терс маънода қўйилмоқда.

“Лайли ва Мажнун” достонида Навоий Искандар кўзгусини “ойнаи жаҳоннамо” (оламини кўрсатувчи ойна) деб атайди ва уни ишққа қиёс қилади.





Искандар бу кўзгу воситасида оламни кўргани каби, ишқ туфайли назари тозарган ошиқ ҳам қаерга қараса, ёрни (бу ўринда ҳақиқий Ёр, яъни Оллоҳ маъносида) кўрадиган бўлади:

*Хуршеди жаҳонкушой сенсен,  
Мирғоти жаҳоннамой сенсен,*

*Ким қилди санга назарни равшан,  
Кўрди еру кўкдагин муайян.*

*Чун боққали ихтиёр топти,  
Ҳар сорики боқти, ёр топти.*

“Сабъаи сайёр” достонидаги ҳикоятда ҳам кўзгу образи бор. Унда тасвирланишича, бир мусофир шоҳга антиқа кўзгу совға қилади. Унинг рўпарасидаги киши рост сўзласа, юзи нурли бўлиб кўринар, ёлғон сўзлаётган бўлса, қора тусга кирарди. Шоҳ у билан суҳбат қила туриб, “Сен кўп юртларни кўргансан, менга ўхшаган сахий кишини учратганмисан?” дейди. Меҳмон бу саволдан гангиб, беихтиёр ёлғон гапирди, яъни “йўқ”, деб жавоб беради. Шунда меҳмон юзига ўзи келтирган кўзгуни тутишса, у қорайиб кетади. Мусофир бу ҳолдан хижолатга тушиб, “кўрдим” дейди. Яна кўзгу тутишса, унинг юзи чароғон бўлади.

Ушбу кўзгунинг яратилиш тарихи ҳақида ҳам “Садди Искандарий” достонида маълумот берилади. Искандар Чинга кириб келгач, ҳоқон унга совға

тариқасида берган икки ажойиботнинг биринчиси мана шу Чин кўзгуси, яъни ойинаи Чин эди. Бу ўринда “чин” сўзи икки маънода қўлланилиб, ийҳом санъати ҳосил қилинмоқда. Яъни бу ойна ростни ёлғондан ажратувчи чин ойна ҳамда Хитойда ясалган чиний ойнадир:

*Тухфа келтурмиш эрди бир кўзгу  
Ким, ани тутса ҳар киши ўтру.*

*Чин деса аксида сафо эрди,  
Деса ёлғон юзи қаро эрди.*

Кўзгу образига Навоий фалсафий-тасаввуфий достони “Лисон ут-тайр”да ҳам мурожаат этади. Достоннинг “Ул шоҳ ҳикоятиким, ҳуснини зоҳир қилурға кўзгуни восила қилди” бобидаги ҳикоятда бир шоҳнинг ҳаддан зиёд гўзаллиги туфайли дунёга ҳаяжон ва туғён тушгани, қанчадан қанча ошиқлар қурбон бўлгани, бунинг тўхтатиш мақсадида ўша подшонинг ўзи қасри теграсига кўзгу ясагани тасвирланади. Боб якунида Навоий ушбу ҳикоятдаги образларни қуйидагича шарҳлайди:

*Сен бу кўзгуни кўнгул қилгин хаёл,  
Ким солур аксини онда ул жамол.*

*Қасри тан, онда кўнгулни кўзгу бил,  
Кўзгуда шоҳ ҳуснин наззора қил.*

*Бермайин бу кўзгуга аввал жило,  
Акс анда солмагай ул подшо.*

Яъни: сен бу кўзгуни кўнгул деб англа ва унда илоҳий жамол акс этади, деб ўйлагин. Қасри тан деб, ундаги кўзгуни кўнгул деб тушун ва кўнгул кўзгусида (илоҳий) Подшоҳнинг ҳусни (олам жилваларини, илоҳий маърифат, гўзаллик, истеъдод кабилар) акс этаётганини томоша қил. Лекин бунинг бир шarti бор: кўзгуга олдин яшилаб жило бериб, ялтиратмасанг, Подшо унга аксини солмайди.

Демак, бу ўриндаги кўзгу образидан мурод ҳам инсон қалбидир. Унинг занг босиши кўнгулнинг Яратгандан чекиниши; ярақлаши, жилоланиши эса унинг риёзатлар билан покланишини билдиради.

Навоий ижодида кўзгу образи асосан икки маънода қўлланади: 1) бутун дунёни кўрсатиш воситаси (Искандар кўзгуси); 2) рост ва ёлғонни, ҳақ ва ноҳақни ажратиш воситаси (Чин кўзгуси).

Образнинг ҳар иккала маъноси ҳам рамзий бўлиб, алалоқибат, инсон қалбини ифодалайди. Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижодида кўзгу образининг халқ дoston ва эртақларида, тасаввуфий адабиётда ишлатилган барча маънолари ривожлантирилган ва янги-янги қирралари кашф этилган.

# Амир Темури номи билан


**“Амир Темури” ордени** – Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларидан бири. Бу орден билан давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчилик, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотландилар. Ушбу орден билан давлатларaro ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшган чет эллик шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. Бу орден билан шаҳарлар ҳам тақдирланган. 1996 йил 26 апрелда таъсис этилган.

1996 йил 28 августда бобокалонимизнинг 660 йиллик юбилеи муносабати билан Президентимиз фармонида биноан, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари, 2014 йил 22 август куни эса Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри ҳам “Амир Темури” ордени билан мукофотланди.

**Амир Темури хиёбони** – 1993 йил 1 августдан буён пойтахтимиз марказида жойлашган хиёбон Амир Темури номи билан аталади.

**Амир Темури ҳайкаллари** – Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Тошкентда 1994 йили, Самарқанд ва Шаҳрисабзда 1996 йили Амир Темури ҳайкали ўрнатилди.

**Темурийлар тарихи давлат музейи** – Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йил 18 октябрда очилган. Бугунги кунга келиб ушбу музейда Темурийлар тарихига оид 3,5 мингдан зиёд экспонат сақланади.



Ўзбекистон Президентининг фармони билан 1996 йил мамлакатимизда Амир Темури йили деб эълон қилинган.

Мамлакатимизда 32 та маҳалла ва кўплаб кўчалар Амир Темури номи билан аталади.

# Уччаноқ

Ҳикоя



**Акмал МУРОД**

1988 йили туғилган.  
Ўзбекистон Миллий  
университетини  
тамомлаган.

Ҳикоялари марказий  
нашрларда чоп этилган.  
“Истеъдод мактаби” VI  
республика ёш ижодкорлар  
семинари иштирокчиси.



Уйга кирдим ҳамки, ҳовурим босилмади. Елкам муздек терлаб, яғринимга кўйлак ёпишиб қолди. Ўшандагина билдим: ўнг қўлимда шойи белбоғни чангаллаб олган эканман. Ҳикоям шу – белбоғни нима учун чангаллаб турганим тўғрисида.

...Мақтабда чиройли қизлар кўп-у, Гулсарадек истаралиси кам эди. Кузакда пахта теримига уни деб борардик – Икром, Насим, Ботир ва яна Тойир. Унга ёқиш учун этак-этак пахта терардик. Гулсара келмаган кунлари эгатга тушмас, ғўзага эгилмасдик. Ўшанда онам саҳарлаб ёпган иссиқ нон, тўрт-бешта олмурут, помидор ва банкадаги тушликни пешкилга<sup>1</sup> тугиб, далага отландим.

Қизлар олдинда. Икром, Насим, Ботир – тўр-таламиз орқароқда уларга изма-из бораятмиз. Тойирнинг қораси кўринмайди. Насим одатдагидек аҳмоқона саволи билан бизга йўл очди:

– Гулсара, сочингни нега битта ўрим қилиб юрасан?

– Кўнглимнинг эгаси битта дегани, билдинг! – жавобни у айтса-да, қизлар ўзи ўйлаб топгандек биргаликда қиқирлаб кулишди.

– Унда иккита ўрим-чи? – Икром гапни илиб кетди.

– Иккита ўрим иккиланиш бўлади, икковидан қай бирини танласам экан дегани, билдинг! – Гулсара бутун синфга берилган масала жавоби ёлғиз унинг ўзига аёндек мағрур, қадами ҳам шунга яраша тўқис эди.

– Қирқ ўрим-чи, қирқ ўрим?! – ўғил болалар уни мот қилгандек қўл ташладик.

Гулсара таққа тўхтади. Ўйлаб олмоқчи эди, чамамда. Қизлар юрсакми-юрмасакми дегандек имиллар, жавоб айтилган заҳоти тезлашишга шай турарди. Ундан бошқаси бўлганда парво қилмасдим. Очиғи, Гулсаранинг жавоби менгаям қизиқ эди. Ўша дам ўзимни ботинкам ипти ечилиб кетгандек кўрсатиб, йўл четига чўккаладим. Шу ўтирганча унинг оғзини пойладим.

– Қирқ ўрим ошиқларим кўп дегани, Омон, билдинг! – Гулсаранинг майин ингичка қошлари пешонасига тортилди. Сўнг ёнгинамдан ўтди-кетди. Гўё мен йўқдай. Ўрнимдан шарт туриб:

– Бунингга ишонмайман, – дедим.

– Нега экан?

– Мана, Санамнинг сочлари! Қишин-ёзин қирқ ўрим. Ошиқман деганни кўрмадик.

Кўнглига келар демабман. Санам йиғлади. Қизлар юпатди. Кейин тез-тез юриб кетишди. Тўғри бориб Насимнинг ёқасидан олдим. Бояқиш, жовдираб: “Мен нима қилдим?” дейишдан нарига ўтмади.

– Санамни хафа қилдинг.

– Ким? Менми? Қачон?

– Сочларинг нега битта ўрим, дединг-ку!

– Бунинг Санамга нима дахли бор?

– Ўримдан гап очмаганингда тинчгина кетаётувдик.

Санам тушгача миқ этмади. Тушдан сўнг ёнма-ён эгатда чўққайиб туравердим. Бир эгат чапига силжиди. Менам ўтдим. Яна силжувди, яна ўтдим.

– Қўй энди, Санам. Ҳазилниям тушунмайсанми, билмай гаптириб юбордим. Ўзимга қолса, шундай дейманми? Унгача, кесакми ё кўсакми олгин-да, мана, юзимга от. Жойимдан жилмайман. Кўзғалган – номард.

Санам ўрин алмашиб, Гулсара ўрта эгатда қолди. Хурсанд қиладиган нимадир ўйлаб топмасам, ранги очилмайдиган ва бирдан...

– Топди-и-им!!! – қизлар учиб тушди, ёқаси ичига туф-туфлади. – Уччаноқ!

– Ўтакамизни ёрдинг! Шунга шунчами?

– Ахир, уччаноқ деяпман.

– Кўр эмасмиз!

– Бунинг нималигини биласанми, ўзи?

– Ҳм, кўсак.

– Оддий кўсак эмас, муҳаббат кўсаги! Буни тунда ёстигинг тагига қўйиб ётсанг, тушингда унинг ким эканини кўрасан.

– У деганинг ким?

– Ҳалиги... Икромми, Насимми... менми, хуллас, у-да!

– Эртақ тўқима, Омон, пахтангни тер. – Гулсара белига пешкилни ўйчан боғлади. Санам ўша-ўша – қовоғи солиқ.

– Сенгаям топиб берайми, Санам?

– Зарил кептими?! Эгат тўла уччаноқ.

– Алдамаяпсанми, – Санам қолиб Гулсаранинг кўзлари чақнарди, – буни ростдан ҳам ёстигим тагига қўйсам...

– Чин сўзим!

Гулсара уччаноқни қизғиш бахмал нимчасининг чап чўнтагига солаётганида, эгатларни кесиб оралаб, узоқдан Тойир кўринди. Ўзи танти ғўлабир йигит.

1 **Пешкил** – пахта териш учун махсус тикилган, бир томони бўйинга осиб, бир томони белга боғлаб олинадиган кийим.

– Гулсара, топ, сенга нима олиб келдим?

Ўз кўзим билан кўрмаганимда ишонмасдим. Сиркаси сув кўтармайдиган, салга қизишиб кетадиган Тойирми шу? Нақ беш марта валсапитини менга тутқазиб: “Кетавер” деган, беш мартасида ҳам қаншаридан мушт еб юрган валламат Тойирни айтаяпман, шуми?!

У пешкил юзида бўлак дўппайиб турган бир сиқим лўппи пахтани Гулсарага тутди. Сиқим ичидан кўкимтир кўсак чиқди. Бир чаноғига “Г” ҳарфи беўхшов тирнаб ёзилган. Иккинчисида кўшув белгиси. Учунчи чаноқ тирналмаган, ўзим кўрдим, силлиқ эди. Гулсара кўсакни ломмим демай қабул қилиб олди. Йўқотиб қўйишдан чўчибми, уни рўмоли учига тугди. Тойир ўз кўнглини тўлдириб, меникига шубҳа оралатиб, эгатига қайтди. Хаёлимда мен берган уччаноқ, Гулсара ғўзага яна тўрт-беш эгилса, нимчасидан тушиб қоладигандек хавотирим аримади. Аччиқландим. Аламим Гулсарадан эмасди. Рўмолига тугилган кўсакдан ҳам эмас. Минг дағал, минг беўхшов тирналган бўлсин, аччиғим ўша ёзувдан: “Г+...”. Бу нима, қолгани ўзингга хавола деганими? Ёзсанг охиригача ёз, ёзмасанг умуман ёзма.

– Менга қара, Санам, мард одам хатни қандай ёзади? – бу билан Тойирнинг бори қуруқ савлат, олдин исмини эглаб ёзсин, демоқчи эдим. Санамнинг гинаси ўзида экан, боплади:

– Марднинг қилгани бошқа иши йўқми?

– Санам, Санамжон! Қирқўрим билан иккаланг бир-биринг учун яралгансан. Қовоқ-тумшуқ қачонгача? Яхшиси, айт, тўлиқ ёзармиди ёки чалакам-чатти?

– Тўлиқ, албатта, – Санам ичимдагини тоғиб айтишга айтди-ю, кейинги гапидан хунобим ошди. – Сен чалакам-чаттиниям эвлап ёзолмасанг керак!

Бу билан “Кўрқоқликка ҳам ярамайсан”, демоқчи эдимми? Гулсара пиқиллаб кулиб юборди. Санамнинг ўзи билар, аммо Гулсаранинг кулганига тажанглашдим, тишимни тишимга босиб чидадим. Бир хаёлим, “Тег ўша Тойирга, кўрамиз ҳолингни”, демоқчиям бўлдим. Менда бошқа истак туғилганди: “Қараб тур, Тойирдан кучли эканимни ўз кўзинг билан кўрмасанг, юрган эканман!”

\*\*\*

Икром Гулсараларникига уч-тўрт марта одам жўнатганида тегиб кетар дегандик, йўқ, деди. Шаҳардан дўхтир бўп қайтган болага, раиснинг

ўғлига-я! Санам-чи, ўйлабам ўтирмай, балки ўйлагандир, Икромга кўнди-қўйди.

...Пешинлаб раисникига ўтдим. Кириб борганимда сутдай оппоқ билагига бўғим-бўғим лаппос бир хотин гўшанга тортилган эшикни ярим тўсиб:

– Бешинчингиз қани, йўмасам киритмайман! – деб турган экан. – Ирими шу, тоқ туришларинг керак.

– Учаламиз кирамиз, хола-бийи, бўлами?

– Бўмийди, бешта! – янга кўрсаткич бармоғини Насимга ниқтаб, сал қолса ёқасидан оладиган.

– Ўт бу ёққа! – ғазабим кўзиб Насимни орқага тортдим. – Беш дейсиз, хола-бийи. Уч-чи, тоқ бўлмай нима?

– Э, бормисан, Омон?! – Насимнинг юз-кўзи чақнаб, елкамга енгил мушт туширди.

– Сабрли бўлинг, ука, – янганинг назари чунонам ўткир эдики, шугина ўқрайиши ҳали ҳаммаси олдинда эканини айтиб турарди.

– Белбов бойлашда кўринмадинг, – Ботирнинг овози бирваракайига гапирётган хотин-халаж шовқинида базўр эшитилди.

Белбоғ бойлаш. Куёвжўралар шойининг тўрт учини ўзига таранг тортиб, энг абжири майдалаб ўраб келади-да, янгани чалғитиш учун белбоғнинг учларини мато ичида йўқотиб юборади. Энг абжиримиз – Тойир. Белбоғ унинг иши экани билиниб турибди. Мени келмайдига чиқариб улгурганми:

– Сендай жўранинг боридан йўғи! – деди кўрслик билан.

“Шунчалик зўр бўлсанг, белбоғни олишамиз. Кучингни ўшанда кўрамиз. Сенгайм қойил қолмадим, Гулсара. Бунинг уччаноғи рўмолинг тугул, нимчанггаям арзимади”. Икром хаёлимни ўқиётгандек далда берди:

– Бўш келма, чундингми?!

Бешовлон боягина оқбилак янга ғўладай бўғимлари билан эгаллаб олган эшикдан ўнг оёқлаб бирин-кетин ичкари хатладик. Кўрпа-тўшаклар тахлаб қўйилганига қарамай, хона тўзғиб ётгандек тасаввур уйғотади. Ўнг бурчига гўшанга тортилган. Ёлгон эмас, элликтача кўз жилмайиб турибди. Насим биқинимга туртди.

– Юр!

Тўрт қадам, туркман ғалига<sup>1</sup> қатланган кўрпагача яна тўрт қадам. Тўсатдан бир кампир тўшакка вой-войлаб ётволди.

– Вой белим, войий белим, қарилик қурсин, войий...

Куёв сузилишма<sup>2</sup> бошланди. Иложини қилмасак, кампир кўрпани бўшатмайдиган. Чўнтакка кўл солдик... Кампир кўзгалгач, оёқ кийимни ечмасдан кўрпа устида тизилиб саф тортдик. Икром ўртада. Аввал янга таъзим берди.

“Собир куёв, сузил куёв”.

Тиззани охиригача букмасдан, иримига ярим чўккалаб қад ростладик. Гала-говур, бўлди кулги. Қизлар гўшанга ортида қиқиллашар, қулоғимга Гулсаранинг кўнғироқдек овози эшитилди. Айни муддао.

“Собир куёв, сузил куёв”.

Иккинчи бор ярим чўккалаб қад ростладик. “Сабрли бўл, Омон. Оз қолди. Яна бироздан сўнг Тойирдан зўр эканингни кўрсатиб қўясан. Ҳамма билиши шарт эмас, Гулсара билса етади”.

“Собир куёв, сузил куёв”.

Учинчи мартасига кўрпага буткул чўккаладик.

Тўшлик<sup>3</sup> келди. Янга аввал патирни бўлиб-бўлиб, ҳар бўлакка луқмадан кесиб солди-да, ингичка ўради. Биринчи ўрамани куёвга тутди. Кейингиларини бизга едирди. Ўрамани атайин узоқ чайнадик. Ҳа нима, кутса шундай куёвни кутади-да.

– Ўзларига қийин, – янга пичинг аралаш кулимсираб бош чайқади. Шахт ўрнидан туриб, рўмолини пешонасига маҳкамроқ танғиди-да: – Тома-тома кўл бўлур, – деди дастурхонни кенгроқ ёяркан.

– Тийинлардан сўм бўлур! – Тойир ўта ҳозиржавоблик билан иккита юз сўмлик тангани дастурхон четига отди. Сўнг биров минг ташлади, биров икки минг. Янгага ҳазил қилмоқчи бўлганлар чўнтагини узоқ ковлаштириб ўтирди. Даста пул ичидан қидириб-қидириб энг гижимини топиб узатди. Хаёлим тангаларда. Жаранги қулоғимга ўрнашиб қолганидан қоним қайнар, ҳатто Ботирнинг туртганини сезмабман.

– Турамиз, Омон.

– Шуни туртмасдан тўғри гапирсанг бўлмай-дими!

Бешовлон ўрнимиздан турдик. Энди янга куёвнинг белбоғини ечишга уринади. Икки ёндан тўрталамиз кўйиб юбормай, белбоғни маҳкам ушлаб олганмиз. Ечиб қаерга боради. Тойир ўраб-чирмаган бўлса, кўлидан келмайди.

Тишлаб ҳам ечолмайди. Мен билган Тойир тугунга қалампир суркаб қўяди.

Айтганча, Тойир!

Янга тушунди. Чираниб ўтирмай, одатни қилди: белбоғни оёқ учидан шиптириб олди-да, куёвнинг ўнг елкасига ташлади. Ўйлаб кўйганим бўйича ҳаммаси мана шу жойда рўй бериши керак эди. Насим, Ботир, бошқаларнинг менга қизиғи йўқ. Тойирга ютқазиб қўймасам бўлгани. Аммо у талашмади. Белбоғни кўлимдан тортиб олиш учун ақалли ҳаракат қилмади. Ҳеч ким уринмагач, белбоғ ўз-ўзимда қолди.

Сузилишма тугаб, ҳовли сийрак тортди.

– Белбоғни-ку чувалаб тугибсан, жин урсин, нега олишга уринмадинг, нимага? – Тойир велосипедга энди минаётган эди, йўлидан қайтардим.

– Курашишга сабаб бормиди?

– Мен-чи, мен?

– Нима сен?

– Сабаб бўлолмайманми?

– Сен-а? Кулгимни қистатма, жўра.

– Ниманга бунча кериласан, шунчалик зўрмисан ё ишонганинг борми?

– Энди бор! – эътибор берсам, салга тутақиб кетадиган жўрам ёқамдан олмай, боядан бери ўйин қиляпти. Тавба, ҳатто сўкинмади. Нуқул муштлашиб, қаншар-бурни тилиниб, қизаринқираб юрадиган Тойирнинг ўзими шу? Қачон ўзгара қолди – вазмин, сўзлари бамаъни. Қарасам, кетиб бораяпти. Наҳот бирорта гапим парвойига келмаган!

– Гулсара барибир мени дейди, эшитдингми, меники бўлади!

Тойир педални орқага чунонам босдики, асфальт юзи чангиб кетди. Велосипедни ётқи-зиб, ўзи мен томонга қараб келаверди. Яқин қолгани сайин елкам музлай бошлади. Ҳозир мушт туширади деб турувдим, сира кутмаганда белбоғни кўлимдан суғуриб олди. Тарашадек қаттиқ, малла бир нимани ўраб, яна қайтиб берди.

Ўйга келдим ҳам, ҳовурум босилмади...

Алам зўридан белбоғни деворга қулочкашлаб солдим-ку, тухумдек кўсак поқ этиб учга бўлиниб кетди. Бу ўша: иккала косасига дағал ва беўхшов тирнаб ёзилган уччаноқ! Фақат... бу гал унинг учинчи чаноғи силлиқ эмасди.

1 **Ғали** – гилам

2 **Куёв сузилишма** – Хоразм тўйларида кенг тарқалган одат, анъана.

3 **Тўшлик** – келин томондан куёвни кига жўнатиладиган таом.



**Баҳодир КАРИМОВ,**  
**профессор:**

– “Уччаноқ” ҳикоясидаги айрим тасвирлар хоразмча урфлардан беҳабар ўқувчи учун озгина туманли туюлиши мумкин: дейлик, куёв сузилиш урфи, гўшанга безатилган уйда келин янгасининг “Сузил куёв, собир куёв” лаб туриши, куёв-жўраларнинг бир-бирларини маҳкам тутиб, куёвнинг белидаги махсус кенг-салқи белбоғни маҳкам ушлаб, уни ечиб олиш учун янгага изн бермаслик тортишув-ўйини каби вазиятлар. Акмал Мурод никоҳ тўйларидagi шундай бир ноёб урф-одатни “Уччаноқ” ичига жойлабди. Ҳикоядаги уччаноқ воситасида ёш ўспиринлар руҳиятидаги беғубор туйғулар, сўзсиз мунозаралар жуда тигиз тасвирланади. Бошда муаллиф ҳикояси Икромнинг тўйидаги куёв белбоғи унинг қўлига қандай тушиб қолгани тўғрисида эканини айтади. Аслида куёв сузилиш жараёнидаги тугунига қаламгир суртилган, бироқ ечилиши мумкин бўлмаган белбоғ ҳам, хув дала бошида кўракка ёзилган “Т+” деган ёзув ҳам ровий Омоннинг ичидаги алғовдалғовли, безовта ҳол тавсифи учун зарур. Хуллас, висолдек ширин орзу-умид Омонни тарк этган эмас. Айни чоқда кўнглидаги иккиланиш ва мужмал-

лик худди чигал белбоққа ўшаб ечилган эмас. Айтганча, шойи белбоғнинг учларини кўринмас қилиб Тойир боғлайди. “Белбоғ унинг иши экани билиниб турибди”. Давомини ўқигансиз, яъни янга белбоғни еча билмайди, белбоғ куёвнинг оёғидан шипириб олинади. Кутилган кураш йўқ. Ҳамма бепарво. Белбоғ Омоннинг қўлида... Ҳикоя туганчида Тойирнинг Омонга берган кўракнинг учинчи чаноғига ёзилган ҳарф – бунинг “Т” эканини зукко ўқувчи фаҳмлаб етади – барча муаммони ҳал этади. Матнда ёзилмаган “Т” кодининг шарҳи – Гулсара Тойирни севади.

Ҳикояда никоҳ тўйи бўлган бошқа жуфтлик бор: Икром билан Гулсара. Улар ҳам асосий воқелик учун восита. Уларнинг қиёфасини, дарду дунёсини, ишқини тасвирлаш мақсад ҳам эмас, унда саргузашт ва фавқулод-эйтиборли ҳодиса ҳам йўқ. Демак, йўлдан адашиб восита тасвирига юз буриш шартмас. Улар ҳикоя контекстида иккинчи даражали. Ҳикоядаги Икромнинг исмини бошқа йигитчалар исми билан алмаштириб қўйилса ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Унда характер мавжуд эмас. Аммо ровийда ҳам, Тойирда ҳам ўзига хос қиёфа бор. Омоннинг кўнгли югурик, аммо Гулсара Тойирга буюрилган экан...

Аввалига дўстлар исмининг кўпайиб кетганини ҳикоянинг “сув”ига йўйдим. Сўнгра сузилиш учун янганинг тоқ сонли бешта йигитни сўраб турганини эшитиб, муаллифнинг тадбирини оқладим. Яна бир гўё маънили гап: ҳикоядаги уччаноқ сўзлайдиган, ҳикоя моҳиятига жозиба бағишлайдиган, битта қизга ошиқ икки ўспирин йигитнинг муҳаббат жумбоғини ечиб берадиган детал... Етар шунча гап!

Ҳа, дарвоқе, адабий кечимдаги урф ва ўзимизга ортмоқлаб олган анъанага кўра ҳикоянинг қайсидир қирраси хусусида билимдонлик билан маслаҳатли ёки танқидий гап ҳам айтишим керак. Дейлик: “Ёш адиб шева сўзларига эътиборли бўлиши керак”, “Ҳошиядаги “тўшлик – келин томондан куёвниқига жўнатиладиган таом”ни бошқачароқ изоҳлаш лозим” ёки “Айрим ўринларида тиниқлик етишмайди” ва шу каби фикрларни билдиришим мумкин. Муҳтарам журналхон, бундай гапларни мен ёзмадим, сиз ўқимадингиз. “Уччаноқ” шундай сочилганроқ, сирли ва бироз жумбоқли ҳоли билан мен айтгандан бошқача талқинларга ҳам имкон берадиган яхши ҳикоядир.





**Собир ЎНАР,  
ёзувчи:**

– Менга Акмал Мурод деган ном таниш эмасди. “Уччаноқ” бизни таништирди. Яхшигина ҳикоя ёзибди. Қисқаликка интилган, зўракилик сезилмайди. Ички бир саркашлик бор. Ҳикоя характери жиҳатидан ёзувчи Тўхтамурод Рустамнинг илк ҳикояларини эслатиб юборади.

Лекин буни тақлид деб бўлмайди. Айни чоғда мавзу доирасининг (муаллиф қамровининг ҳам) чеклангани айрим феъл-атворнинг бўртиб юзага чиқишига халақит беради. Хусусан, Тойир деган йигитнинг уччаноқ масаласида Омонга ютқазиб қўйгандаги ҳалим ҳолати аслига ўхшамагандек, муаллиф истаги амалга ошаётган эса-да, табиий эмасдек туюлади.

Ўзи, одамзот ёшлигида муҳаббат бобида севги бир ёқда қолади-ю, бошқалар наздида шарманда бўлмаслик эҳтиёжи кучайиб, йигитлик шаъни, гурурини эҳтиётлаш туйғуси ҳам зўрайиб борадими, бўлар гапни суриштирганингизда у гоҳи висол

истагидан ҳам ошиб тушади. Бу ерда ҳам висол соғинчидан кўра ғанимдан ғолиб келиш сурури кучайиброқ кетган. Шу боис бошланажак жуда кўп ғалваларга сабаб бўлаётган Гулсарининг бор гўзаллиги мавҳумлигича қолади. Биз бир мартагина унинг ҳозир-жавоблиги ва топқирлигини кўрдик, холос.

Чин ёзувчи кучли характерлар, манзаралар, керак бўлса, диалог ва сюжетлар, юксак фикрлар ифодаланган ижод намуналари орқали ўз аурасини кўрсатади. Шу боис бир ҳикоя мисолида ёзувчи ижодига баҳо бериш мушкул. Акмалбекка сўзга садоқатли, руҳи баланд бўлишини тилайман.



**Олим ЖУМАБОЙ,  
ёш ёувчи:**

– Уччаноқ яхши детал. Ҳали бу жиҳат бошқа бирорта асарда ёритилганини учратмаганман. Аммо ёзувчи бундан унумли фойдалана олмаган.

Проза тили публицистика тилидан фарқланиши керак. Ҳикояда эса бу жиҳат қоризиқ: “Оддий кўсак эмас, муҳаббат кўсаги! Буни тунда ёстигинг тагига қўйиб ётсанг, тушингда унинг ким эканини кўрасан...”, “Нақ беш марта валсапитини менга тутқазиб:

“Кетавер” деган, беш марта-сида ҳам қаншаридан мушт еб, юзидан қон сизиб кўздан панароқда кутиб турган Тойирни айтаяпман, шуми?!”, “Гулсара кўсакни лом-мим демай қабул қилиб олди”.

Ва ҳатто баъзи жойларда бир ҳудуд миқёсида бир неча шевалардан фойдаланилган – воҳа, Тошкент шевалари кўринса-да, Хоразмга хос урфлар аралашиб кетган, ваҳоланки, келин-куёв бир жойдан. Баъзан ёзувчи воқеага аралашиб (қўшилиб) кетгани сезилади.

“Белбоғ бойлаш. Куёв-жўралар шойининг тўрт учини ўзига таранг тортиб, энг абжири майдалаб ўраб келади-да, янгани чалғитиш учун белбоғнинг учларини мато ичида йўқотиб юборадими”. Бу изоҳ ҳикоянинг авжини тушириб юборган.

Беихтиёр ўқувчи шу нуқтада тутилиб қолади.

Ёзувчи воқеани баён этиши баробарида уни назорат қилиши, ҳар бир детални кўздан қочирмаслиги ва ўрнида фойдаланиши зарур. Ёмонни ёмон деб таърифламасдан унинг ҳаракатлари орқали феъл-атворини кўрсатиши керак. Ёзувчида эса бу жиҳатлар бироз оқсаётгани бутун ҳикоя давомида сезилади. Чиройли сўзларга эмас, воқеанинг аниқ берилиши ва ўқувчининг уни тезда тушунишига аҳамият бериш лозим.

Қувонарлиси – ҳикояда миллий руҳ экс этгани. Ҳар бир ҳолатда шунинг акси кўринади. Анъаналарда ҳам, ҳолатларда ҳам ва ҳатто қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатида ҳам. Умуман олганда, асар ўқувчини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман.



### Эшқобил ВАЛИ

1965 йили туғилган.  
Самарқанд давлат  
университетини  
тамомлаган. “Пахса  
қишлоғим”, “Минг иккинчи  
кеча”, “Суқунат мулки”  
номли шеърий тўпламлар  
муаллифи.

### Баҳор сонетлари

1  
Сочларимни ўйнайди шамол,  
Юзларимни ювади ёмғир.  
Кўз қисади бокира ҳилол,  
Уйғонишар чечаклар бир-бир.

Болалигим эслатар лола,  
Онам ёдга тушади бирдан:  
Сумалакли сопол пиёла  
Ва иссиқ нон кемтик тандирдан...

Азиз Момо кетар гумбирлаб,  
Чалмоқ бўлар баҳорни аёз...  
Шеър ёзаман кўкламни алқаб,  
Кўкайимни қучар эҳтирос!

Қувонтирар кўнглимни чексиз  
Бетон ариқ бўйида ялпиз!

# Кўзни қамаштирар нилий камалак!

2  
Уйғотади қайсар гулувни,  
Қулогига томчилар найсон;  
Ғимирлайди, тинмайди уни,  
Қимтинади уйғоқ бодомхон.

Қўларини чайиб қатиққа,  
Мўйлаб бураб иржаяр ёнғоқ,  
Хам қилади бошин ариққа  
Оқ олмалар, тутгандек тўлғоқ.

Лабин бўяр қирмизи гилос,  
Соч ўради ҳазин мажнунтол.  
Тиллашади шафтолилар соз,  
Тинглашади хурмолар беҳол.

Куйланади азалий кўшиқ,  
Баҳор отли мўъжизакор ишқ.

3

Менга куч бер, ато эт қувват,  
Эй баҳорий маъюс Сабргул,  
Хавотирман, сусаймасин шаҳд,  
Ғамгинликни ҳайдагил буткул!

Жон оғритар захрибўригул,  
Дард аритмас ўғри номозшом,  
Гулшаҳризод очилсин буткул,  
Ғанисавсар бўлмасин бадном.

Гулисафсар майсара бўлсин,  
Лойқа сувлар кетсин-ай тиниб;  
Баҳор кулсин, Баҳор-а кулсин,  
Гулифурқат бахти очилиб!

Мен – шиддатнинг ўтли ошиғи,  
Жўр овоздир кўклам кўшиғи.

4

Арзанда дамларнинг бебақо дами  
Сочала айлайди абри найсондан.  
Сўнгсиз гўзалликнинг кибор ҳашами  
Пинҳона қотиллик тилар инсондан.

Чаманзор бағрида иболи виқор,  
Ҳидланиб уфори кетмаган лола...  
Термулиб толаман қўлларим ночор –  
Гўзаллик олдида бор истиҳола.

Журъатнинг забтини сўндирар чирой,  
Муҳаббат исёни абгор чаманда.  
Фасли ишқ абадий, кечмайди уч ой,  
Ҳаёт муҳаббатдир, аслин айтганда.

Уфордан жиққа маст шамоллар қувноқ,  
Гулни севолмаган булбул шарманда.

5

Кўклам либосини тикади баҳор,  
Самонинг идраган кўйлаги ямоқ;  
Осмон ҳасадгўйдир, юлдузлар ночор,  
Қарсиллаб йиғлайди момоқалдироқ.

Чувалар иплари чевар баҳорнинг,  
Уфқда тусланар минг турли ипак,  
Ҳидлари маст қилар яшил уфорнинг,  
Кўзни қамаштирар нилий камалак!

Юзлари нам ернинг, ҳаво бадқовоқ,  
Чучмомо ниш урар, жилмаяр ялпиз.  
Мен бугун табиат кўйнида сайёҳ,  
Кимдир ташлаб кетган, ивиган, афсус.

Чўзилган тунларнинг оқ тонглари бор;  
Тонгни яшаришдан бошлайди баҳор!

6

Бодраб-бодраб гуллайди бодом,  
Кулиб-кулиб очилар олча,  
Қиқирлашар тинмасдан бирам  
Симёгочда бир жуфт мусича.

Кумушланар жийда танаси,  
Оқ чойшабга бурканар ўрик.  
Шохларида бахт тантанаси,  
Мевазорда бошланар кўрик.

Уялгандек эгилар олу,  
Лабларида сирли табассум...  
Юрагимга солади гулув  
Хотирамга келган ишқ бир зум.

Ғунчаларни эркалаб сўйсам,  
Кўзларимга томчилар шабнам...

# Нечун кўклам мадҳи тушмас зазалдан

Итальян композитори Антонио Вивальдининг “Йил фасллари. Баҳор” асарини тинглаб, кўз олдимизда сеҳргар кўклам қиёфаси жонланади: у зерикарли тусдаги заминни ёрқин рангларга бўйяди, қишда ҳориб ёғочга айланаёзган дарахтларга нозик гуллар – умидлар бахш этади, унинг мулозими шабада эса ҳар бир қалбга “Сев!” деган афсунни шивирлайди ва бутун оламни уйғотиб чиқади. Тасаввуримизда баҳор яшил либос кийиб, қизил дуррача ўраган, қошига ўсма тортиб, чаккасига ўрик гуллари қадаган муниса сиймосида жонланади.

Фақат бизнинг хаёлотимиз маҳсули эмас бу... Қарангки, итальян ва француз мусаввирлари ҳам баҳорни қўлида гул тутган кўркем аёл ва севишганлар қиёфасида тасвирлаган. Хитойда эса фасллар келинчаги аждаҳо, саллагул, беда рамзлари билан ифодаланган. Сандро Боттичелли, Жузеппе Арчимбольдо каби рассомлар асарларини асотирлардаги баҳор маъбудалари, қушлар ва гуллар билан янада ёрқинлаштирган.

Асотирлардаги гўзаллик ва муҳаббат маъбудалари – юнонларда Венера, Флора (гуллар маъбудаси), славянларда Лада ва Жива, Леля баҳор рамзи ҳисобланган. XV – XVII асрларда уларнинг сурати қўлида мева ушлаган аёл қиёфасида тасвирланган. Семантика бўйича Жива номини ҳаёт (“жизнь”) ва тўкинчилик (“нажива” – даромад) сўзи билан боғлашади.

Афсонага кўра, оламга ташриф буюрган соҳибжамол Баҳор эриётган қорлар тагидан бош кўтараётган бойчечакни кўради. Унга ёрдам бериш ниятида ер юзини қуриган шохлардан тозалашга киришади. Буни кўрган Қиш ғазаб отига миниб, илк чечакни нобуд қилиш учун совуқ шамол уфуради. Заифгина бойчечак шамол қаҳридан титраб эгилади. Баҳор уни қўллари билан тўсганида бутанинг тикани бармоғига санчилади. Бир томчи қон гул юзига тушади ва уни жонлантиради. Баҳор шу тариқа Қиш устидан ғалаба қозонади.

Ушбу сюжетга уйқаш эртақлар деярли барча халқларда учрайди. Ўзбек халқ оғзаки ижодида баҳор ва қиш ўртасида кечган олишув узоқ давом этгани, 21 март куни баҳор ғалаба қилгач, янги кун бошлангани ўз аксини топади. Баҳор ва қишни жонли тасаввур қилиш ҳамда улар ўртасидаги кураш ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиққан “Бойчечак” маросими қиш об-ҳавоси баҳорда ҳам давом этаверганида ўтказилган. Даставвал катталар иштирокида ташкил этилган бу маросим кейинчалик болалар фольклори кўринишини олган. Биринчи чиққан бойчечаклар юлиб олиниб, сувга оқизилган. Гул кўтарган болалар хонадонларга “Бойчечак” кўшиғини айтиб кириб боришган. Одамлар эса чечакни юз-кўзига суртиб, баҳор жарчилари – болаларга ҳадялар улашган.

Кўклам ғалабаси рамзи – бойчечакнинг дунё юзини кўриши машаққатлари “Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак, Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак” сатрларида ўз ифодасини топган. “Бойчечак” маросими Чўлпоннинг шу номли шеърида ҳам ёрқин акс этган:

*Бойчечакнинг боласи  
Очди юзини,  
Сувга чиққан холаси  
Кўрди қизини!  
Бойчечакнинг боласи  
Етимча бир қиз.  
Унинг ўгай онаси  
Жуда ёмон, тез!  
Бойчечакнинг боласи  
Юлиб олинди.  
Юртнинг кўзи олмаси  
Жуда севинди!  
Бойчечакнинг боласи  
Ҳар уйда кулди.  
Гўдакларнинг халтаси  
Нон билан тўлди!*


Яна бир асотирда ҳикоя қилинишича, Қуёш гўзал қиз қиёфасида Ер юзига тушади. Аммо зolim аждаҳо уни ўғирлаб, ўз саройига бекитиб қўяди. Шундан сўнг қушлар сайрамай қўяди, болалар шодлик туйғусини, кулишни унутади, бутун олам қайғуга чўмади. Аммо қувноқ бир бола Қуёшни қутқаришга аҳд қилади. Узоқ машаққатлардан сўнг саройни топиб, аждаҳони жангга чорлайди. Бешафқат олишувда, ниҳоят, ўспирин ғалаба қозонади. Озод бўлган Қуёш осмонга кўтарилиб, бутун оламни ёритади, баҳор келади, табиат жонланади, инсонларга қувонч қайтади. Аммо ҳаммага баҳорни ҳадя этган болакайга буни кўриш nasib этмайди. Қайноқ қонлари қорга тома-тома, охири жон таслим қилади. Ўша жойлардан баҳор хабарчилари – бойчечаклар униб чиқади. Борлиқни зулмат ва ғам-қайғудан озод қилган йигит шарафига одамлар қизил ва оқ гулдан гулчамбар тўқийди. Қизил ранг гўзалликка ошуфталик ва ҳалок бўлган йигит қонининг рангини, урушни, оқ ранг эса баҳорнинг илк чечаги бойчечакнинг софлиги, тинчликни мужассамлаштиради.

Баҳорни қуёш рамзи билан боғлаш славянларда маъбуд Ярило (Ярила, Яровит, Яромир) номи билан алоқадор. Уларнинг қадим диний эътиқодида Мара (қиш маъбудаси)ни енгувчи баҳор қуёшининг тимсоли бўлган. Қуёшнинг қайта туғилиши, софдиллик, эҳтирос унинг номи билан

боғланган. Баъзи олимлар “ярило” сўзи “тез нур сочиш” маъносини англатади, деб таъкидлайди.

Бир-биридан олис манзилларда яшаган турли халқлар маданиятини кузатсак, баҳор билан боғлиқ уйқаш тасаввурларга, умуминсоний қадриятларга дуч келамиз. Биринчи муҳаббат ва янги ҳаёт туғилишининг образи сифатида баҳор мавзуси ҳамиша шеъриятда етакчи бўлиб келган. Табиатни, ҳаётни мунтазам янгилаб, яшартириб турувчи, мусаввирлар, шоирлар, композиторлар қалбига илҳом бағишловчи баҳорнинг номи жамики ёруғлик ва гўзалликлар – гуллар, қушлар, ранглар, келинчак, ёшлик, қуёш, муҳаббат, гўдак, озодлик, ғалаба, қувонч билан боғланиб кетган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам “кўклам мадҳи тушмас ғазалдан” (Абдулла Орипов).

**Дилрабо МИНГБОВЕВА**  
тайёрлади.




# Ҳаёт — орақат яшаш эмас...

Севимли китоб инсон руҳияти, ички оламидан дарак бериб турувчи энг ишончли воситадир. Ҳар бир одамнинг қандайлигини у ўқиётган китоблардан бемалол билиб олиш мумкин. Шахс китоблар орқали дунёни, энг муҳими, ўзини англайди. Шу маънода ўқилган яхши китоб чинакам бойликдир.

Қуйида аргентиналик машҳур ёзувчи Габриель Гарсиа Маркесга ёққан ва ёзувчини илҳомлантирган 24 китоб рўйхати ва адибнинг мазкур асарлардан олган таассуротларини келтирамыз.

1. Томас Манн, “Афсонавий тоғ”.
2. Александр Дюма, “Темир ниқобли одам”.
3. Жеймс Жойс, “Улисс”.
4. Уильям Фолкнер, “Шовқин ва шиддат”.
5. Уильям Фолкнер, “Жон берганимда”.
6. Уильям Фолкнер, “Ёввойи пальмалар”.
7. Софокл, “Шоҳ Эдип”.
8. Натаниэл Готорн, “Етти фронтонли уй”.
9. Гарриет Бичер-Стоу, “Том тоғанинг кулбаси”.
10. Герман Мелвилл, “Моби Дик”.
11. Дейвид Герберт Лоренс, “Ўғиллар ва маъшуқалар”.
12. “Минг бир кеча” эртаклари.
13. Франц Кафка, “Метаморфоза”.
14. Хорхе Луис Борхес, “Алеф” (ва бошқа асарлари).
15. Эрнест Ҳемингуэй, ҳикоялар тўплами.
16. Олдас Ҳаксли, “Контрапункт”.
17. Жон Стейнбек, “Сичқонлар ва одамлар”.
18. Жон Стейнбек, “Қаҳр”.
19. Эрскин Колдуэлл, “Тамакизор йўл”.
20. Кэтрин Мэнсфилд, ҳикоялар.
21. Жон Дос Пассос, “Манхэттен”.
22. Роберт Натан, “Женнининг портрети”.
23. Виржиния Вулф, “Орландо”.
24. Виржиния Вулф, “Дэллоузэй хоним”.




### Томас Манн, “Афсонавий тоғ”

Бу китобни бир нафасда, зўр иштиёқ билан ўқиб ташлайсан киши! Нафт ва ўртоғи Сеттембрин ўртасидаги чуқур ўйга толдирувчи, фалсафий муҳоқасаларни сўзма-сўз англаш илинжида китобга муккангдан кетасан. Ўша оқшом жойимдан қимирламасдан асарни ўқиб чиқдим ва... қойил қолдим!

### Уильям Фолкнер, “Шовқин ва шиддат”

Йигирма ёшимда “Улисс”ни, сал кейинроқ “Шовқин ва шиддат”ни гўр тасаввурларим билан чалакам-чатти ўқиб чиққанман. Улғайиб, ҳаётий тажрибаларим ва билимим ортгач, бу икки асарни ўқиб ҳеч нарсани тушунмаганимни англаб етдим. Ва китобларни қайта ўқишга, ҳар бир жумласини қалб призмасидан ўтказишга аҳд қилдим. Жойс ва Фолкнерда англаш қийин деб ўйлаганларим энди ўзининг бор гўзаллигию соддалиги билан намоён бўлганди.




### Натаниэл Хоторн, “Етти фронтонли уй”


Дўстим Ибарра менга Натаниэл Хоторннинг китобини ўқиб чиқишга берди. Асар жуда ёқди. Густаво билан “Улисс”, “Одиссея” ва мана шу китобдаги мулоҳазалар ҳақида соатлаб суҳбатлашардик. Биз китобларнинг сирли оламида ўзимизни буткул йўқотиб қўйган эдик.



### Жеймс Жойс, “Улисс”

Атлантика қирғоқларида туғилиб вояга етган ватандошларимни қаҳвахона ва китобнинг асл ишқибози десам, адашмайман. Юридик факультети талабаси, дўстим Хорхе Альваро Эспиноса ана шундай ишқибозлардан эди. Бир кунни Альваро столим устига бир китобни қўйиб, ўқиб чиқ, деди. Китоб Жеймс Жойснинг “Улисс”и эди. Тўлиқ ўқишга сабрим чидамади, асар билан юзаки танишдим. Йиллар ўтиб, улғайиб, китобни жиддий ўқишга қарор қилдим. Ишонасизми, “Улисс” ҳатто ўзимга ҳам нотаниш ички оламимни англашга ёрдам берди, ёзиш техникасини, вақтни бошқаришни ва ёзиш санъати сирларини ўргатди.





### Софокл, “Шоҳ Эдип”

Яқин дўстим Густаво (Ибарра Мерлана) қаттиққўл, иродали, аммо жуда меҳрибон эди. У табиатимдаги беғамлик ва ўй-фикрларимдаги тарқоқликни тизимли равишда, синчковлик билан ўзгартириб борди, ички оламимни бойитишимда ёрдам берди. Густаво ҳар жиҳатдан тўқис инсон эди. Интеллектуал салоҳияти кучли бўлишига қарамай, сузиш бўйича олимпия ўйинларида ҳам қатнашган. Густаво олим ва чемпион бўлиш учун яратилгандек эди гўё.


Ибарра бир куни мени меҳмонга таклиф қилди. Уйи Марбелье денгизи қирғоғида жойлашган бўлиб, ички ҳовлиси ва анчайин катта кутубхонаси бор эди. Баландлиги 20 метрли девор шифтигача китоблар зўр иштиёқ ва моҳирлик ила терилган. Бу китобларнинг ҳаммаси жуда ноёб. Агар ўқиб чиқмасанг, кўп нарсани йўқотишинг ва бир умр виждон азобида қийналиб ўтишинг тайин.

Ўша куни биз эрталабгача гаплашиб чиқдик. Дўстимнинг жуда кўп ўқигани ва дунёқараши кенглиги суҳбатидан яққол сезилиб турарди. Густаво лотин ва юнон классикасини аслиятда ўқиган, поэзия ҳақида ҳамма нарсдан хабардор, мен ҳатто эшитмаган ва билмаган бошқа кўп нарсаларни биларди.

Унинг камина доим кераксиз ва зерикарли деб ҳисоблайдиган лотин ва юнон классик адабиётини чуқур билиши мени лол қолдирди. Шу боис бўлса керак, хайрлашишдан олдин чарм билан қопланган китобни менга совға қилди. “Сендан яхши ёзувчи чиқади. Аммо юнон ва лотин классик адабиётини билмасанг, ҳеч қачон зўр ёзувчи бўла олмайсан”, деди. Китоб Софокл асарларининг тўлиқ тўплами эди. Ўша кундан бошлаб Густаво ва китоб менинг энг яқин дўстларимга айланди. Айниқса “Шоҳ Эдип”дан жуда таъсирландим.


### “Минг бир кеча”

...Бугун босиб ўтган ҳаёт йўлимдан хаёлан қайта ўтар эканман, бир нарсасага яна бир карра амин бўлдим – мен тарихни англашнинг дастлабки кўникмаларини эртақлардан олдим. “Минг бир кеча” илк саҳифаларида ноҳ мени сеҳрли оламига шайдо қилиб қўйган. Шаҳризода айтиб берган ҳар бир мўъжиза ўша пайтларда ростдан ҳам бўлган бўлса, не ажаб? Аммо ҳозирги улғаяётган авлод мўъжизалар борлигига ишонмай қўйган.




### Виржиния Вулф, “Дэллоуэй хоним”

Виржиния Вулф ҳақида биринчи марта дўстим Густаво Иберрадан эшитганман. У адибани Вулф кампир дерди. Бир куни дўстим ўзига ёққан китобларни қўлимга тутқазиб, “Аҳмоқларга ўхшаб вақтингизни бекорга сарфламасдан, шуларни жиддий ўқиб чиқинг, кейин ўзим келиб, олиб кетаман”, деди. Бу мен учун катта бойлик эди. Аммо хазинани асрайдиган жойим йўқ эди. Йўқотиб қўйишдан жуда қўрқардим. Ҳа, айтганча, ўша куни Густаво “Дэллоуэй хоним”нинг испан тилидаги нусхасини совға қилди. Хурсандлигимдан теримга сиғмасдим. Асарнинг ҳар бир сўзи ёдимда қолди...







### Франц Кафка, “Метаморфоза”

Бир куни кечки пайт ўртоғим Вега қўлида учта янги китоб билан уйга қайтди. Балки ўқиб ухлаб қоларсан, дея, муқовасига ҳам қарамасдан биттасини столим устига қўйди. Аммо ҳаммаси чаппасига айланди. Ҳаловатимни йўқотдим. Ўша кундан эътиборан илгаригидек хотиржам ухлаганимни эслолмайман. Бу китоб Франц Кафканинг Буэнос Айресдаги “Лосада” нашриётида чоп этилган “Метаморфоза”си эди. Асар илк сатрларданоқ менинг янги ҳаёт йўлимни белгилаб берди. “Метаморфоза” жаҳон адабиётининг энг буюк асарларидан саналади: “Бир куни эрталаб алғов-далғов тушлар кўриб уйғонган Грегор Замза кўрқинчли ҳашоратга айланиб қолган эди”. Асар илк сатрлариданоқ мени “Минг бир кеча” каби ўзининг сирли оламига етаклаб кетди. Кафкани ўқир эканман, асарда кечаётган воқеаларнинг ҳаётимиздаги аналогини топиб ўтиришга ҳожат қолмаганди. Ёзилган нарсаларнинг ҳаммасига мен ишонардим. Воқеалар Шаҳризоданинг эртақларидаги мўъжизаларга тўла оламда эмас, ҳаммаси бой берилган дунёда содир бўлади.

Кафканинг “Метаморфоза”сини тамомлагач, ўша оламда яшаш истаги бир дақиқа бўлсин мени тинч қўймади. Эртаси куни Доминго Манюэл Вега мени ёзув машинкаси қаршисидан топди. Анча пайтгача университетга бормаи қўйдим. Шунга ўхшаш нимадир ёзиш истаги мени тарк этмаётганди.

Агар ёзмасам, ўша сеҳрли олам йўқ бўлиб кетадигандай эди. Бундан ташқари, таниқли адиб Эдуардо Саломея Бордо “Эспектадор” газетасининг “Шаҳар ва дунё” устунда чоп этилган мақоласида колумбиялик ёш ижодкорлар орасида “пичоққа илинадигани йўқ”лигини куюнчаклик билан ёзганди. Ёзувчи худди қўллари билан нуқиб мени кўрсатаётгандай туюлди. Баданимни совуқ тер босди. Бу фикрни чиппакка чиқаришга азм этдим. Ва қачонлардир ёзиб, ташлаб қўйилган ҳикоям устида ишлашга киришдим... Ҳикоя “Метаморфоза” таъсирида қайта кўрилди. Ҳикоянинг ҳар бир жумласини, сўзини икки-уч марталаб қайта ёзиб чиқдим. Ўн икки кун деганда тамомлаб, газетага жўнатдим. Ҳафтанинг охирида, 13 сентябрь куни “Аутоматико” кафесининг ёнидан ўтиб кетаётсам, ичкарида ўтирган бир аёл “Эспектадор” газетасида чоп этилган “La tercera resignación” (“Учинчи ройишлик”) сарлавҳали ўша ҳикоямни мутолаа қилиб ўтирибди. Югуриб газета дўкончасига бордим. Аммо пулим йўқлиги боис беш сентгина турадиган ўша газетани сотиб ололмадим. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, ётоқхонага қайтдим. Курсдошларим газетани ўқишга ётган экан. Кафкача услубда ёзилган ҳикоям бирпасда қўлма-қўл бўлиб кетди. Шундан роппа-роса бир ярим ой ўтиб (25 октябрда) ўша газетада иккинчи ҳикоям “Eva está dentro de su gato” (“Мушук ичидаги Ҳаво”) кенг оммага тақдим этилди. Шундан сўнг журналист Эдуардо Саломея Бордо ўзининг бир мақоласида Колумбияда катта бир ёзувчи дунёга келгани ҳақида баралла эълон қилди.

*Маркеснинг рўйхати узундан узоқ эмас. Аммо ёзувчи санаган китоблардан жуда кўп нарсани ўрганиш мумкин. Ушбу рўйхатдан қадимги юнон ва лотин адабиёти, жаҳон классик дурдоналари, сеҳрли эртақлар ва XX асрнинг энг гўзал китоблари жой олган. Маркес асарларининг ишқибозлари яхши билади – синкретизм Габриэлнинг ҳар бир китобида кўринади. Маркес асарлари ва у севиб мутолаа қилган китоблар бизни адабиётнинг муҳташам қасрига йўллайди. Агар сиз ҳали бадий мутолаага жиддий эътибор қаратмаган бўлсангиз, қўлингизга қалам олиб, ўқиган ва ўқимоқчи бўлган китобларингиз рўйхатини тузиб чиқинг. Зеро, ёзувчи айтганидек, “Ҳаёт фақат яшаш дегани эмас, балки сенинг хотираларинг ва ҳар бир хотиранг ҳақида айтиб берган ҳикояларингдир!”*

**Гулжаҳон НАМОЗОВА**  
тайёрлади



**Ғафур  
ШЕРМУҲАММАД**

1973 йили туғилган.  
Тошкент давлат  
университети (ҳозирги  
ЎзМУ)нинг журналистика  
факультетини тамомлаган.

“Қудуқ тубидаги  
фарёд”, “Париқишлоқ  
афсонаси”, “Кўзларида  
холи бор” пьесалари  
саҳналаштирилган.

Адабий асарлари асосида  
“Чавандоз”, “Аросат”,  
“Ғаъзиядаги тўй”, “Алданган  
аёл”, “Қудуқ”, “Баракасини  
берсин” каби фильмлар  
суратга олинган.



Расмларни Аслиддин Калонов чизган.

# Ғафур ШЕРМУҲАММАД

## ёзувчи

**Х**онанда қизнинг чучмал муҳаббати ҳақидаги ёстиқдай роман қўлёзмасининг “сувини сиқиб” ўтирган эдим, ички телефон жиринглади.

– Ҳозироқ олдимга қиринг, – деди нашриётимиз директори тантанавор оҳангда. – Сизга зўр янгиликим бор!

Қанақа янгилик? Яхши ишлаганим учун мукофот бермоқчими? Шошма... Мени бош муҳаррирликка тайинласа-я! Миямга чақмоқдай урилган бу фикрдан аъзойи баданим бўшашиб, қулоқларим тагида ёқимли куй жаранглагандай бўлди.

Қўлимга дафтар-қалам олиб, директорнинг хузурига югурдим. Иззат Анварович саксон ёшлар атрофидаги жиккаккина, чўққисоқол отахон билан гаплашиб ўтирдим.

– Бу киши фахрий ёзувчимиз Турғунмат Ўртаовулий бўладилар! – деди у чолга имо қилиб. – Нуроний ёшида ҳам қизғин ижод билан машғул эканлар. Газета-журналларда кўп асарлари чиққан. Яқинда ажойиб роман ёзибдилар. Биринчи саҳифасини ўқиб қўзимга ёш келди. Бу асар фақат бизнинг нашриётда чиқиши керак! Тагин битта-яримта бетайин “босмакашлар” илиб кетмасин. Сиз ҳамма ишингизни йиғштириб, шу асарни нашрга тайёрлайсиз.

Боядан бери қулоғим тагида янграётган майин оҳанг ўрнини аллақандай ёқимсиз шовқин эгаллади. Директоримиз қалингина дафтарни қўлимга тутқазганида эса аламдан иссиғим чиқиб кетди. У аҳволимни сезди, шекилли, чолга сездирмай “кейин гаплашамиз” дегандай муғомбирона кўз қисиб қўйди.

– Бу романим бир дафтар бўлди, – деди директорнинг мақтовидан оғзининг таноби қочиб ўтирган фахрий ёзувчимиз. – Кейингисини икки дафтар қиламан. Неварамнинг айтишича, дўконларда бундан ҳам каттароқ дафтарлар бўлар эмиш...

– Сиз бемалол ёзаверинг, Ўртаовулий ота, – директоримиз унинг гапини бўлди. – Лекин бир шартим бор – уларни ҳам бегона қилмайсиз. Бундай пурмаъно романлар фақат бизнинг нашриётда чиқиши керак!

Фахрий ёзувчимиз қаттиқ хаяжонланиб дик этиб ўрнидан туриб кетди. Нимадир демоқчи бўлди, лекин тили калимага келмай, бўғзидан “ғийқ” этган товуш чиқди. Худди авлиёни кўраётгандай бошлиғимизга бақрайиб қараб қолди. Иззат Анварович виқор билан столни айланиб ўтиб, унинг елкасига қоқиб қўйди.

– Демак, келишдик!

Турғунмат Ўртаовулий хонамдаги алмисоқдан қолган курсига жойлашиб ўтириб олгач, уавада халтасидан бир даста газета олиб, олдимга қўйди.

– Мен бир умр озиқ-овқат базасида ҳалол хизмат қилганман, – деб гап бошлади. – Пенсага чиққандан сўнг бекор ўтирмай деб ижод қила бошладим. Манави газеталарда асарларим чиққан. Шу кунларда ҳаётда кўрган-кечирганларим ҳақида кўп серияли китоб ёзаяпман. Кеча оқшом биринчи сериясини тугатдим. Сен буни китоб қилгунингча иккинчи сериясини ҳам олиб келаман.

Баттар ансам қотди. Бу чол кино билан китобнинг фарқига бормайди, шекилли. Истар-истамас газеталарни варақладим. Ана холос. Ўртаовулий ота деганлари жуда серқирра ижодкор чиқиб қолди-ку. Газеталарнинг бирида беш-олтита тўртлиги чоп қилинган бўлса, бошқасида аллақандай гиёҳларнинг саломатликка фойдаси ҳақида маслаҳатлари ўрин олибди. “Юқоридарё садоси” деган туман газетасида унинг имзоси билан майда-чуйда хабарлар, лавҳалар босилган. “Тилсиз ёв келтирар ташвиш” деган мақолада фахрий ёзувчимиз ёнғиннинг

зарарини бирма-бир санаб, ундан эҳтиёт бўлиш чоралари ҳақида ўғит берибди.

– Қўлёзмангизни қолдириб кетасиз, – дедим газеталарни ўзига қайтариб. – Уч-тўрт кунлик ишларим бор. Шуларни бирёқлик қилиб, кейин сизникини...

– Бошқа ишларингни қўя тур, болам, – Ўртаовулий ота гапимни бўлди. – Аввал менинг китобимни чиқар. Боя бошлиғинг ҳам тайинлади.

Чолга гап уқтириш бефойдалигини сезиб, индамай қўя қолдим.

Ўртаовулий ота бир варақ қоғозга исм-шарифимни, телефон рақамимни ҳижжалаб ёзиб олди-да, тез орада хабар олишини айтиб чиқиб кетди.

Бироздан сўнг Иззат Анварович кўнғироқ қилди.

– Қалай, фахрий адибимизни эсон-омон кузатдингизми?

– Кузатишга-ку кузатдим, – дедим оғриниб. – Лекин қўлёзмасини нима қиламиз.

– Шуям муаммоми? Галадонингизнинг бир чеккасига ташлаб қўйинг, тамом-вассалом, – деди кесатиб.

– Ахир, Ўртаовулий отага ваъдани қуюқ қилиб юбордик...

– Соддасиз-да, укажон, – қулди директор. – Отахон бир адашиб кеп қопти. Биз уч-тўрт оғиз ширин гап билан кўнглини чоғлаб жўнатдик. Шу билан олам гулистон бўлди.

Қизиқиш устун келиб Ўртаовулий отанинг қўлёзгани варақладим. Катак дафтарга нуқта-вергулсиз, зич ёзилган сатрларга қараб туриб қўзим тиниб кетди. Бор-ей, деб уни тортмага ташлаб қўйдим.

Икки кундан сўнг Турғунмат Ўртаовулий кўнғироқ қилди.

– Китобим чиқдимми, болам?

– Китоб чиқариш осон эканми, отахон? – дедим гашим келиб. – Аввал кўлёмани ўқишимиз керак.

– Нима, ҳалигача ўқимадингми? – деди у таҳдидли оҳангда.

– Дастхатингиз тушунарсиз экан. Ўқишга қийналяпман.

– Ўқишга қийнасанг, кампутирга сол. Газитдагилар ҳам шундай қилишади.

Эси жойидами бу чолнинг! Бир камим унга котиблик қилиш қолувди. Аччиқ устида фахрий адимизни хафа қилиб қўймаслик учун ўзимни босдим.

– Хўп, отахон, сиз айтгандай қиламан. Озгина сабр қилинг.

Ўртаовулий отанинг дафтарини тортмадан олдим. Лекин бирор сатрига ҳам тишим ўтмади. Бу кўлёмани хатм қилиш учун тажрибали матншунос бирор йил заҳмат чекишига тўғри келади.

Бу ёғига нима қилишни билмай, жимир-жимир қилаётган сатрларга анча вақт умидсиз термилиб ўтирдим.

Шундан сўнг ҳар гал телефон жириглаганда юрагим пўкиллайдиган бўлиб қолди. Аксига олиб,

фахрий адимиз кунда-кунора кўлёмасидан хабар олишни қанда қилмайди. Мен эса “Асарингизни ўқияпман, кейинроқ бафуржа гаглашармиз”, дея бир амаллаб қутуламман.

Душанба куни эрталаб ишга келсам, нашриёт даҳлизида Турғунмат Ўртаовулий ҳазратлари савлат тўкиб ўтирибди! Уни кўриб қай аҳволга тушганимни айтиб ўтирмайман. Ноилож салом-аликни қуюқ қилиб, хонамга бошладим.

– Романингизни ўқидим, отахон, – дедим галадондан таниш дафтарни олиб. – Жуда ҳафсала билан ёзибсиз. Қаҳрамонларингиз ўзига хос...

– Қайси бирини айтяпсан, болам? – сўраб қолди гагларим мойдай ёқиб, сузилиб ўтирган Ўртаовулий ота дабдурустдан.

– Ҳалиги... бош қаҳрамон бор-ку?

– Мен фақат бош қаҳрамонларни ёзаман!

– Тўғри, ёзганларингизнинг ҳаммаси бош қаҳрамон... – Бирор арзирли гап топиш илинжида дафтарни варақладим. Ажи-бужа ёзувлар орасида “Арслон” деган сўзга кўзим тушиб қолди. – Ҳа! Айниқса, Арслон образи ўзининг эзгу фазилатлари, самимийлиги билан бошқалардан ажралиб турибди.

– Арслон – қўшнимизнинг кучуги, – деди Ўртаовулий ота. – Ўзи зотдор ит. Мен асаримда унинг Садири пиёнистани калласидан тишлаб олганини ёзганман.

– Шунақами?.. Хуллас, роман анча ҳафсала билан ёзилган. Лекин уни янаям қизиқарли қилиш учун озгина ишлаш мумкин. Биринчи-

дан, асарга сарлавҳа топиш керак. Шу пайтгача бирорта китоб сарлавҳасиз чиқмаган...

– Унда китобга “Арслоннинг эзгу фазилатлари” деб ном қўямиз.

– Романингиз кучуклар ҳақида бўлганида шундай сарлавҳа қўйсак ярашарди, – дедим пичингдан ўзимни тиёлмай. – Бахтга қарши, унда одамлар ҳам бор-да!

Турсунмат Ўртаовулий кинояни пайқамасди.

– Ундай бўлса, ўзинг бирорта ном топа қол, болам.

– Кейин фабулани ҳам жиддий ишлаш керак. Воқеалар анча тарқоқ, тушунарсиз. Характер, тил масаласида ҳам камчиликлар етарли...

Боядан бери яйраб ўтирган Турсунмат Ўртаовулийнинг қиёфаси ўзгариб, қисик кўзлари катталашиб кетди.

– Ҳозиргина ўзинг романимни мақтаётган эдинг. Энди бўлса, хатолари кўп деяпсан!

– Мени тўғри тушунинг, отахон, – дедим мулоимлик билан. – Ҳар қандай асарнинг ютуқлари билан бирга нуқсонлари ҳам бўлади. Уни китоб қилиб чиқаришдан олдин яхшилаб пишитиб олиш керак.

– Бобонг тенги одамни танқид қилишга уялмайсанми?

– Мен романингизни танқид эмас, таҳлил қиляпман.

– Китобимни чиқармайсан, шекилли? – деди у менга ўқдай тикилиб.

– Узр, отахон, бу аҳволда нашр қилолмаймиз.

– Сен жуда бемаза бола экансан. Мендай фахрий ёзувчининг романини ёмонлашга нима ҳақинг бор? Ҳозироқ бошлиғингга кираман!

Турғунмат Ўртаовулий дафтарини қўлимдан юлиб олиб, шитоб билан чиқиб кетди. Шу заҳоти Иззат Анваровичга кўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдим.

– Ғалати чол экан-ку, – деди у киши ҳам ўйланиб. – Одамларга ҳайронсан, кўнгли учун бир-икки оғиз илиқ гап айтсанг, нақ бошингга чиқиб

олади... Бўпти, котибага айтиб қўяман, мени йўқ деб юборади.

Анча вақт қўлим ишга бормаи шумшайиб ўтирдим. Кунда-кунора шу аҳвол. Асарингиз бўшроқ десанг, барака топгур муаллифлар нақ ётиб ёқалашади. Қайси куни биттаси каминани “адабиётнинг душмани” деб атади. Нашриёт деган даҳмаза жойда ишлаётганимдан хафа бўлиб кетдим.

Тушлик ҳам татимади. Босмахонанинг хўрандалар билан гавжум ошхонасида анча вақт хаёл суриб ўтирдим. Шу пайт Замон Али деган шоир дўстим емак тўла патнис кўтариб келиб қолди.

– Нега отасидан дакки эшитган боладай шумшайиб ўтирибсан? – деди у салом-алиқдан сўнг косасидаги лағмонга сирка аралаштира туриб. – Тинчликми?

– Тинчлик, – дедим истар-истамас. Туйқус Замон Али ишлайдиган газетада ҳам Турғунмат Ўртаовулийнинг шеърлари чоп этилгани эсимга тушиб қолди.

– Қайси куни газетангизда беш-олтита ажойиб тўртлик чиққан экан, – дедим гапни узоқдан бошлаб. – Турғунмат Ўртаовулий деган шоирники...

Иштаҳа билан лағмон еяётган дўстим кутилмаганда қалампир чайнаб олгандек афтини буриштирди.

– Эслатма шу одамни!

– Нега?

– Тўғриси, ўша тўртликларнинг муаллифи ўзимман!

– Тушунмадим?

– Турғунмат Ўртаовулий деганлари – ёшини яшаб, ошини ошаб бўлган кекса бир одам, – куйиб-пишиб тушунтира кетди у. – Ўзича бир нималарни қоралаб, газеталарга қатнаб юради. Ёзганларини ўқиб бўлмайди. Лекин чоли қурғур қадалган жойидан қон олмай қўймайдиганлар хилидан. Газетада бир энлик нарсаси чиқмагунча ҳоли-жонингга қўймайди. Бунинг устига, кекса одам... Шунга кимдир шапалоқдек мақола-сига, кимдир бирорта хабар-пабарига унинг исм-шарифини қўйиб юборади.

Отахон ҳам худди ўзи ёзгандай хурсанд бўлиб қолади. Қалам ҳақини тийинма-тийин санаб олади. Мен ҳам ўша тўртликларни унинг номидан чиқариб тинчидим.

– Сенинг ўша арзанда шоиринг рубойига қаноат қилмай, энди роман ёзишга ўтибди! – дедим алам билан. – Бир ҳафтадан бери “Китобимни чиқарасан”, деб бошимни қотириб ётибди.

Шоир дўстим ичакузди латифа эшитгандай мириқиб қулди.

– Ҳа, сенга қийин бўпти, – деди сўнг ҳамдардлик билан. – Бизга ўхшаб газетада ишлаганингда ҳам майли эди. Энди ундан осонликча қутулмайсан.

Тушлиқдан баттар дилим хуфтон бўлиб қайтдим. Хонага киришимни кутиб тургандай телефон асабий жиринглади.

– Ёғлиққина ошларни еб, маишат қилиб келяпсизми? – деди Иззат Анварович киноя билан.

– Йўқ... Карам шўрва ичдим, – дедим ҳеч нарсага тушунолмай.

– Сизнинг дастингиздан мен бечора оч-наҳор хонада қамалиб ўтирибман!

– Тушунмадим...

– Фалчамисиз,

нимага тушунмайсиз? Анави чол қабулхонада чайла қуриб ётиб олган. Мен билан учрашмасдан кетмасмиш!

– Ия! Турғунмат Ўртаовулий ҳалиям шу ердами? – дедим ҳовлиқиб.

– Ярим соатдан сўнг вазирликда мажлис бошланади, – деди бошлиқ вазмин, аммо қаҳрли оҳангда. – Ҳозироқ чолни тинчитмасангиз, бошқа кўзимга кўринманг!

Оёғимни қўлимга олиб қабулхонага югурдим. Котибанинг ёнидаги курсида ғўдайиб ўтирган фахрий ёзувчимиз мени кўриб баттар қовоғини уйди.

– Сен болани ишдан ҳайдатмагунча қўймайман. Керак бўлса, бошлигингдан катталарга ҳам бораман!

– Кечиринг, отахон, – дедим тилим зўрга калимага келиб. – Китобингизни албатта чиқарамиз. Юринг, хонада гаплашайлик.

Бахтимга, Турғунмат Ўртаовулий кўнгилчан одам экан. Шу заҳоти жаҳлдан тушиб, ортимдан эргашди. Елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил тортдим...

Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор, деб бекорга айтишмаган экан. Шу воқеа сабаб анчадан бери навбат кутиб ётган мўъжаз китобчам босилиб чиқди. Фақат муқовасида “Турғунмат Ўртаовулий” исми-шарифи савлат тўкиб турарди.

# Пул - қўлнинг кири...ми?

## Пул ўзи нима?

Деярли ҳар куни нимадир сотиб оламиз ёки бирор-бир хизматдан фойдаланамиз. Буларнинг барига пул воситасида “жавоб қайтарамиз”, ҳисоб-китоб қиламиз. Бугунги дунё пулсиз яшай олмайди. Иқтисодиётнинг жонтомирларидан бири пулдир. Бироқ собиқ шўро даврида шахсий мулкка, бойликка салбий муносабатда бўлинди. Пул фақат ёмонликлар манбаи сифатида талқин қилинди. Натижада одамларда хусусий мулкка қараш ўзгарди, ташаббускорлик сўнди, бу нарса

уларнинг руҳига, онгига сингди. Бозор иқтисодиёти эса бу тушунчаларни чирпирак қилиб юборди, одамларда эгаллик ҳисси уйғонди. Ривожланган дунё кишиси учун пул ўзига ишонч, эркинлик асосидир. Аммо моддият инсон ва жамият ҳаётида қанчалик муҳим жой эгалламасин, маънавий қадриятларнинг ўрнини боса олмайди. Моддият маънавиятдан устун келганда пул ёмонликлар манбаига айланади.

Бойлик орттириш ҳаётининг бош ғояси бўлиб қолган одам йўлини, ўзанини йўқотиши, умрини елга совуриб, тирикликнинг лаззат-фароғатини ҳис қилмай ўтиши аниқ. Баъзан тирикчилик ташвишларига ўралиб қолган чоғларимда Навоий бобонинг “Сийм нақди тушса лекин умр нақди сийғолур” деган мисраси ёдимга келади. Қаранг, “умр ўтиб кетади” эмас, “сийғолади”. Музда сирпаниб кўрганмисиз? Ўзгача завқи бор, лекин бошқарувни, мувозанатни йўқотиб қўйиш жуда осон. Бойлик кетидан кувганда ҳам ҳақиқий бойлигимиз – умримиз сирғалиб кетиши ҳеч гап эмас. Ёки бутун умр тилла танга йиғиб, тўнига тиккан, юз-қўлини ювмоқчи бўлганида анҳорга тушиб кетиб, чўкиб ўлган киши ҳақидаги ҳикоят ҳам мол-давлат умр мазмунига айланмаслиги зарурлиги ҳақида сўзлайди. Умуман, мумтоз адабиётимиз, миллий қадриятларимизда бойликнинг ўрни ва аҳамияти, унга муносабат аниқ-тиниқ ифодасини топган. Шарқ донишмандлари пул мақсад эмас, восита бўлиши зарурлигини уқтиради.

“Олма пиш, оғзимга туш” қабилида яшаш, бошқаларнинг марҳаматига кўз тикиб кун ўтказиш ҳам инсонлик шаънига тўғри келмайди. Одамзод ҳеч қачон юкини ўзгаларга ташламаслиги, бошқаларни малоллантирмаслиги керак. Бунинг учун эса иқтисодий мустақил бўлиши зарур.

### Сув қаттиқ жойда туради

Бой-бадавлат, ўзига тўқ бўлганга нима етсин! Ўзидан тинчиган одамгина бошқа-

*Пул жамғариш учунгина топилмайди, у ҳаётий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилиши керак. Еб-ичмай, ўзига эътибор бермай бедаво бир касаллик орттирган кишига пуллари ёрдам бера оладими?*

ларга ёрдам қўлини чўза олади-да. Хўш, бойлик қандай йиғилади? Кўп ишлаш, кўп пул топиш билангина бойиб бўлмайди. Кўпни кўрганлар бунинг учун биринчи навбатда сарфлашни ўрганиш зарурлигини уқтиради. Бу кўникма оилада шаклланади. Оила бюджетини режалаштириш, савдо-сотиқ қилиш борасида билим-тажрибага эга бўлган бола мустақил ҳаётда қийналмайди. Ҳаётий бир мисол. Уйланиб, бола-чақали бўлганда ҳам бозор қилиш нари турсин, бир кило гўштни эглаб ололмаган кишиларни кўрганмиз. Нега бундай? Сабаби аниқ – ота-она савдо маданиятини ўргатмаган, ҳар нарсага ўзлари югураверган.

Халқимизда “Арзимаса арзонга ҳам олма”, “Бозори яқин бойимас” каби мақоллар бор. Бу каби ҳикमतлар кераксиз харидлардан чекланишга ўргатади. Бир мутафаккир айтганидай, кераксиз нарсаларни сотиб олаверган одам бир кун керакли нарсаларини сотишга мажбур бўлади. Тежамкорлик – бойликнинг пойдевори. Чикимларини назорат қила олмаслик бошқарувни қўлдан бой бериш демакдир. Аммо тежамкорлик билан мумсикликни фарқлаб олиш ҳам зарур. Пул жамғариш учунгина топилмайди, у ҳаётий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилиши керак. Еб-ичмай, ўзига эътибор бермай бедаво бир касаллик орттирган кишига пуллари ёрдам бера оладими?



## Кирим калитлари

Инглизларда “Таълимга сарфланган пул беиз кетмайди” деган мақол бор. Ҳақиқатан, бирор касб-ҳунарни ўрганишга кетган маблағ тез орада меваларини беради. Сарф-харажатнинг ўрни тез қопланиб, фойда кела бошлайди. Умуман, даромадларни мақсадли, режали ишлатиш қўлда пул тўпланишига ёрдам беради. Моддий жиҳатдан қийналиб қолиш, қарзга ботиш, тушқунликка тушиш каби нохуш вазиятлардан ҳам асрайди.

Кўп ишлаш кўп пул топиш дегани эмас. Одам ўзи қизиққан соҳада меҳнат қилиши керак. Шундагина иши унади, эътиборга тушади. Ўз касбининг устаси бўлган киши эса яхши даромад олади.

Дунё олимларининг фикрича, бошқаларга ёрдам берадиган, сахий кишилар тез бойир экан. Бу хулоса ҳаётда исботини жуда кўп бор топган. Бой-бадавлат кишиларнинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз. Масалан, ҳазрат Навоийни олайлик. Жуда катта бойликка эга бўлган, улуғ амир лавозимигача кўтарилган бу зот хайр-саховат ишлари билан мунтазам шуғулланган. Бундан эса мол-давлати камаймаган, аксинча, кўпайиб борган. Гоҳида ўйлаб қоламан, агар Навоий бобо ижод билан шуғулланмаганида ҳам, ана шу эзгу ишлари туфайли тарихда ўчмас из қолдирган бўлар эди.

## Енгил келган енгил кетади

Бу ҳолатни балки ўз ҳаётингизда ҳам кузатган бўлсангиз керак. Кутилмаган жойдан қўлингизга пул тушиб қолди, дейлик. Қандай осон келган бўлса, шундай осон жойини топади. Унга ортиқча қайғурмайсиз ҳам, асраш ёки бирорта муҳим харажатга сарфлашни ўйламайсиз ҳам. Агар бошқа даромадларингиз ҳам жиддий меҳнатсиз, жон койитмасдан топилаётган бўлса, бу нарса феъл-атворингизга, турмуш тарзингизга таъсир қилиши табиий. Енгил ҳаётга, ўйламай сарфлашга ўраганасиз. Шу боис ҳам Шарқ донишмандлигида пешона тери билан ризқ топиш тарғиб этилади. Шу сабабли улуғ авлиёлар, олим ва шоирлар ҳам касб-корга эга бўлганлар.

## Барака тонай десангиз...

Пул ҳақида гап кетганда барака мавзусини четлаб ўтиб бўлмайди. Миллий қадриятларимиздан озиқланган бу тушунча ҳалол меҳнат билан ризқ териш, топганимизни яхши йўлда сарфлаш, бировни норози қилмаслик кабиларга ўргатади. Қинғирлик, фирромлик билан топилган молда барака бўлмайди. Ота-боболаримиз минг йиллардан бери ана шу олтин қоидага амал қилиб келган. Бозорда савдолашиб, бир нархга келишиб, олди-берди қилинган, харидор ҳам, сотувчи ҳам: “Яхши кунларга ишлатинг, баракасини берсин!” деб ният билдиради. Бу гап рози-ризоликнинг англатмайди, у ўзаро меҳр-оқибат пайдо бўлишига ҳам хизмат қилади.

Пул баракали бўлишининг шартларидан бири савдолашишдир. Айтилган нархга олиб кетавериш чўнтакка зарар етказишдан ташқари бошқаларнинг ҳаққига хиёнат қилиш ҳамдир. Чунки сиз қиммат нархга олсангиз, сотувчи кейинги харидорга ҳам ана шу нархга сотишга ҳаракат қилади, бу баҳони бозор кўтарар экан деган хулосага келиб қолади.

## Бойиш учун нима қилиш керак?

Юқорида бойишга асос бўладиган сабабларнинг бир нечтаси ҳақида тўхталдик. Қолганларини мухтасар келтириб ўтамиз. Бу фикрларнинг аксарияти дунё психологларининг кўпйиллик изланишлари орқали исботланган.





✓ **Олдингизга аниқ мақсад қўйинг** ва унга эришиш учун бор кучингиз билан ҳаракат қилинг. Шунда пул топишингиз, тежашингиз осон бўлади.

✓ **Чиқимларингиз рўйхатини тузинг.** Кунлик, ҳафталик, ойлик, йиллик. Шунда оилавий ёки шахсий бюджетингизни тасаввур қила оласиз. Харажатларни белгиланган чегарадан оширманг. Амалдаги чиқимлар билан режаларни солиштириб туринг.

✓ **Пулингизни тежашни иложи борича эртароқ бошланг.**

✓ **Бирор нарса харид қилишдан олдин** унинг нарх-навосини таниш-билишлардан ёки интернет сайтларидан аниқлаб олинг. Энг яхшиси – танишлардан сўраш. Улар маҳсулотнинг сифати ҳақида ҳам холис фикр айта олади.

✓ **Шахсий бизнесингизни йўлга қўйинг.** Кирим имкониятларингиз биргина манба билан чекланиб қолмасин.

✓ **Янги лавозимга кўтарилсангиз-у,** маошингизда ўзгариш бўлмаса ёки меҳнатимга нисбатан кам ҳақ оляпман деб ҳисобласангиз, бошлиқ билан ойлигингизни ошириш масаласида гаплашиб кўринг.

✓ **Пул бу – энергия.** У доимий ҳаракатда бўлиши керак. Йўқса, ўлик сармоёга айланиб, қадр ва кучини йўқотиб боради.

✓ **Қарзингиз бўлса, тезда қутулинг.** У бировнинг пули. Елкада юк билан яшаш яхши пул топишингизга халал беради.

✓ **Оддийликка интилинг.** Қимматбаҳо кийимлар, ортиқча буюмлар, зеб-зийнатлар чўнтакка катта зарар етказилади.

*Махтумқулининг машҳур бир шеърда “Бой бўлай деб иззатингдан айрилма” деган мисра бор. Ҳақиқатан, инсоннинг ор-номуси, қадр-қиммати ҳар қандай бойликдан устун.*



✓ **Хатолардан сабоқ чиқаринг.** Шахсий бизнесингизда омадсизликка учрасангиз, қўлни ювиб қўлтиққа урманг. Нималарда янглишганингизни англаб, ҳаммасини бошидан бошланг.

✓ **Ўзингиз уддалайдиган** иш ва хизматлар учун пул сарфламанг.

✓ **“Менинг қўлимдан келмайди”, “Биз бир фақир одаммиз”** каби ибораларни ишлатманг. Қўнглингизда ҳам, тилингизда ҳам ижобий фикрлар қарор топсин. Ният сифатида шаклланган фикр амалга ошади. Ўзингизга ишонинг.

✓ **Спорт, саломатлик ва дам олиш учун вақт ажратинг.** Соғлиқнинг ёмонлашиши даромадларингиз камайиши ва чиқимларингиз ортишига сабаб бўлади.

✓ **Бошқаларга ёрдам, дўстлик, меҳр-оқибат ва ижодкорлик** кишига катта куч беради. Бундай кучга эга кишининг мақсадга эришиши осон кечади.

✓ **Шукр қилинг.** Ношукрлик барака ва омадни кетказилади.

*Нима пулдан қадрлироқ?*

Нега “Пул – қўлнинг кири” дейишади? Нима, у кир, чиркин нарсами? Йўқ, бу мақолнинг маъноси бошқача. Кишининг энг тез кир бўладиган ва энг кўп ювиладиган аъзоси – қўли. Қўлдаги кир кўп турмайди. Пул ҳам шундай: келади, кетади. Сен ана шу вақтинчалик, омонат нарсага ишониб қолма, дунёда ундан қимматлироқ нарсалар ҳам бор, деган маъно чиқади мақолдан. Махтумқулининг машҳур бир шеърда “Бой бўлай деб иззатингдан айрилма” деган мисра бор. Ҳақиқатан, инсоннинг ор-номуси, қадр-қиммати ҳар қандай бойликдан устун. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин: оила, яқинлар, умр, саломатлик ва ҳоказо. Энг муҳими, боболар уқтирган ҳикматни унутмасак бас: пул мақсад эмас, бир восита, холос. У эркин ва фаровон ҳаёт, эзгуликлар учун хизмат қилиши керак.

**Орифжон МАДВАЛИЕВ**



**Ш**оирнинг биргина шу мисрасида халқимизнинг бутун қиёфаси акс этган, десам, инкор этмайсиз, деб ўйлайман. Чунки баркамол фарзандни тарбиялаш, унинг иқболлини кўриш юртимизда яшаётган ҳар бир ота-онанинг, оиланинг орзусидир. Шу боис азал-азалдан аждодларимиз ёш авлод қалбига маърифат, гўзал фазилатларни сингдиришнинг самарали йўлларини излаб келган. Истиқлол йилларида бу борада юртимизда салмоқли ишлар амалга оширилди. Оилага, таълимга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Соғлом фарзанд соғлом ота-онадангина дунёга келади. “Соғлом” деганда фақат жисмоний эмас, балки руҳий саломатликни ҳам назарда тутамиз. Бола тарбиясида педагогик ва психологик таъсирларни таққослаб кўрадиган бўлсак, биз психологик таъсирларни эртароқ бошлашимиз аён бўлади. Чунки мурғак қалб эгаси билан турли вазиятда ҳар хил ҳиссий ҳолатлар орқали муносабатга киришамиз ва унинг психикаси шаклланишига ўз таъсиримизни ўтказамиз. Масалан, жилмайиш, хўмрайиш, норозилик билдириш орқали ҳали гапиришни билмайдиган бола билан муомала қиламиз. Тарбия ва тартиб меъёрлари билан эса у сал кейинроқ, босқичма-босқич таништирилиб борилади.

Болада билиш жараёнлари, ирода, одатлар, феъл-атвор, атрофга муносабат ва қарашлар вужудга келишида оилавий муҳит кучли таъсир кўрсатади. Таълим жараёни кўп ҳолларда боланинг билганларини юзага чиқаришга кўмаклашади, холос. Боланинг ўз ота-онаси, яқинларидан фахрлана олиши, оилавий қадриятлар, анъаналар, урф-одатларни ўзлаштириши унинг

# Дунёда болам деб яшайди ўзбек!

маънавий соғлом бўлишида муҳим ўрин тутаети. Шу боис ҳар бир ота-она “Мен фарзандимга қанчалик ўрнатқ бўла оляпман? Оилавий муҳитимиз ўғлимга ёки қизимга нима беряпти?” сингари саволларга жавоб керак, деб ўйлаймиз. Халқимиз орасида “Қуш уясида кўрганини қилади” сингари пурмаъно нақлларнинг пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас.

Шу ўринда бир ривоят ёдга тушади. Қадимда яшаб ўтган улус бекларидан бири ҳузурида ўтирган ўғли ва хос хизматкорининг фарзандини саволга тутибди. Бек аввал ўз ўғлига юзланибди: “Ўғлим, бу ўтар дунёда сен нималарни орзу қиласан, кўнглинг нимадан роҳат туяди?” Эрка ўғил ҳеч иккиланмай: “Ҳисобсиз молу мулкка эга бўлмоқни, шухрат қозонмоқни, эртадан кеч-гача айш-ишрат қилмоқни орзу қиламан”, деб жавоб берибди. Бек бу саволни хизматкорнинг ўғлига берган экан, у: “Раҳм-шафқатли бўлиш, халққа хизмат этиш, жамиятга фойда келтириш – менинг энг катта орзум”, деб жавоб қилибди. Хулоса шуки, ҳар бир фарзанд ўз ота-онасида кўрган аъмолни ўзи учун намуна деб билади.

Биз соғлом, баркамол авлодни вояга етказишни мақсад қилган эканмиз, аввало, ҳар биримиз ўзимизга кўзгу тутишимиз, ўз хулқ-атворимизни давр руҳига мослаб олишимиз шартдир. Чунки юртнинг, халқнинг, миллатнинг эртанги қуни соғлом бола тарбиясига боғлиқ. Шу боис, бошқа бир ривоятда айтилганидек, фарзанд тарбиясини бешиқдан эмас, балки у ҳали дунёга келмасидан бошлашимиз, яъни бўлғуси ота-оналарни юксак маънавиятли инсонлар қилиб тарбиялашимиз лозим бўлади. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган оила, ёшлар сиёсатининг моҳиятида шу теран ҳақиқат ётибди. Зеро, гўзал хулқли ота-оналар – соғлом оила кўрғонининг устунлари, соғлом фарзандларнинг мураббийи бўлиб, соғлом болалар эса жамиятнинг барқарор, мустаҳкам таянчи ҳисобланади.

**Хуршида ТИЛЛАХЎЖАЕВА,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар  
университети ўқитувчиси

# Шошма, юрак, сен ҳам бир лаҳза



## Шукрулло ФАЙЗУЛЛАЕВ

1994 йили туғилган.  
Самарқанд шаҳридаги  
2 академик лицейни тугатган.

Муҳаббат дунёда энг буюк туйғу,  
Согинчинг ўртайди гар кетсам йироқ,  
Бағрингдан узилсам, босади қайғу,  
Муборак севгидир Ватанни севмоқ.

Онамнинг дуою сўзларида сен,  
Синглимнинг меҳри кўзларида сен.  
Аждодлар мероси, изларида сен,  
Муборак севгидир Ватанни севмоқ.

Кетсам, ҳар қадамда йўлдошсан мудом,  
Кўксимда туморсан, муборак калом.  
Дилим нурга тўлар номингни айтсам,  
Муборак севгидир Ватанни севмоқ.

Шукурлар бўлсинки, тиниқ осмоним,  
Жонимдай яқиндир Ўзбекистоним,  
Меҳри билакка куч, дилга дармоним,  
Муборак севгидир Ватанни севмоқ.



## Олимжон СУЯРОВ

1991 йилда туғилган. Гулистон  
давлат университетининг ўзбек  
тили ва адабиёти факультетини  
тамомлаган.

## Умр

Кунлар айёр, жуда-жуда шум,  
Оёқ учда юришиб аста.  
Чиқармайин ҳатто товушин,  
Ортда қолар, эҳ, бир нафасда.

Ойлар эса, донишманд ойлар  
Ўтишар кўзингга тик қараб.  
Вақтнинг юкин дилингга жойлар,  
Ниманидир этгандай талаб.

Юзда қамчи изин қолдириб,  
Саваб ўтар бераҳм йиллар.  
Гоҳо бошга оппоқ қор уриб,  
Гоҳи эса сочингни юлар...

## Шабнам

Тўхта, шамол, эсмагин бир дам,  
Хаёлларим озроқ тин олсин.  
Гул баргида омонат шабнам  
Куйларини бирпас тинглолсин.

Тўхта, қуёш, тўхтагин бир он,  
Бош кўтармай тургин уфқингдан.  
Минг йил кутдим саҳарни, ишон,  
Уйгонмагин бир зум уйқунгдан.

Шошма, юрак, сен ҳам бир лаҳза,  
Дарз кетказма шу сукунатга.  
Гул япроқдан гар шабнам қалқса,  
Асир бўлгум яна зулматга...



**Анвар СУЮНОВ**

1983 йили туғилган.  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университетининг  
халқаро журналистика  
факультетини тамомлаган.  
“Ўбдинтоғ хикоялари”  
китоби чоп этилган.

Турмуш ташвишларидан узилиб,  
сизнинг «Ой ботмаган кечалар»  
«Қанотсиз қушлар» китобларингиз  
давомида (ҳаммада бўлгани каби)  
дан баъзи мулоҳаза ва таассуротлар  
ушбу битикларни ёзаётирман.  
Биламан, кўкайингизда  
«Тапнинг дангалини телефон-пелефонда  
ёки мундай бир ўтиришда юзимга  
айтиб қўя қолсангиз бўларди-ку!»  
– деган ўй кечаётир. Аммо,  
Шукур Холмирзаев айтганидек,  
ёзишиб туришнинг ҳам хайрли  
томонлари бор...

Ёзувчи дўстим

Холиёр Садраровга



Қону

Қида

Ўқувчи катталик

Ассалому алайкум, Холиёр!

Турмуш ташвишларидан узилиб, яқин орада  
ўқиганларим сизнинг «Ой ботмаган кечалар» ва  
«Қанотсиз қушлар» китобларингиз бўлди. Табиийки,  
мутолаа давомида (ҳаммада бўлгани каби) кўнглим-  
дан баъзи мулоҳаза ва таассуротлар ўтди. Шу боис  
ушбу битикларни ёзаётирман. Биламан, кўкайи-  
нгизда «Тапнинг дангалини телефон-пелефонда ёки  
мундай бир ўтиришда юзимга айтиб қўя қолсангиз  
бўларди-ку!» – деган ўй кечаётир. Аммо, Шукур Хол-  
мирзаев айтганидек, ёзишиб туришнинг ҳам хайрли  
томонлари бор...

Очиғини айтай, тўғламларингизни варақлаётиб,  
қишлоғимни – тошлоқ кўчаларни, кунгай адир-  
ларни, томи қийшиқ уйлару бийдай далаларни  
кўрдим. Барчаси болалик хотираларимда қандай  
муҳрланиб қолган бўлса, ҳикояларингизда шундай  
акс этган. Ортиқча зеру забарлар, зўраки тасвирлар  
йўқ. Меъёрни яхши ушлабсиз: баъзи «қишлоқсевар»  
ёзарманлардай қишлоқнинг шунчаки оддий тасви-  
рини кўпиртириб ёки ҳаддан ташқари гариблаштир-  
мабсиз. Ёхуд фалсафага мойил қаламкашлардай  
деҳқону чорвадорнинг дағал ва самимий муносаба-  
тидан нимадир топгандай бўлиб, топилдигингизни  
ўқувчига зўрлаб тиқиштирмабсиз. Тил борасида ҳам  
анча пишиб қолганингизни сездим. Қитчоқ лаҳ-  
жасидаги сўз, атама ва ибораларни жойида қўлла-  
гансизки, китобхон бирор жойда луғат титмайди.  
Масалан, қариндошларининг олқишу мақтовлари  
остида ўқиётган талабага нисбатан: «У шу тарзда,  
атрофидагиларнинг ҳавойи кўтар-кўтари ва қалбида  
жўш ураётган ҳис-туйғулар билан ўқишни битирди...»  
деган жумладаги «кўтар-кўтар» ибораси бошқа тав-  
сифга ўрин қолдирмайди. Ростки, бундай теша тегма-  
ган иборалар ўрнида ишлатилганига ҳавас қилдим.

Образларингиз характери ҳам ўз ҳолича. Яъни, формал адабиётда учрайдиган оқ ва қора, яхши ва ёмон типда эмас. Бу ҳолат, айниқса, “Уйғониш азоби”, “Уйга қайтиш”, “Гунг момо”, “Сут соғувчи”, “Уч ўлим ва бир тирилиш” каби ҳикояларингизда яққол намоён бўлган. Дейлик, “Уч ўлим ва бир тирилиш”нинг бошида ўқишдан йиқилиб қайтган Ботирга Саттор дўкончи кутилган хушхабарни эшитгандек: “Мен дадангга айтдим, баланд дорга осилма!” деб пишанг бериши-ю, уч йилдан кейин талабалик гувоҳномасини “туғ қилиб” қишлоғига кириб борганида: “Э, қойилман сенга! Жуда қайсар бола экансан. Маладес! Ўзимиздан ҳам чиқсин-да энди!” дея истиқболига шошиб, хушмадига битта шиша қистиришида айрим кимсаларга хос қирриқлик усталик билан кўрсатилган. Чунки орамизда улугвор шахслар билан бирга майдакаш нусхалар ҳам йўқ эмас. Менимча, ёзаётганда ҳар иккисини тенг кўриб, қандай бўлса шундайлигича қоғозга туширишимиз лозим. Бусиз мувозанат бузилади. Асар, юқорида айтганимдек, формал тус олади ва ўқувчини ишонтириш у ёқда турсин, чалғитишим ҳеч гап эмас.

Ижодкорни бир-икки ҳикоясида тўлиқ англаб бўлмайди, менимча. Уни яқиндан таниш учун бир нечта асарини мутолаа қилиш лозим. Шу маънода турли мавзуда, ҳар хил кайфиятда битилган қисса ва ҳикояларингиз сизни менга таништирди десам бўлади. Мисол учун, ўқишдан йиқилиб қишлоғига қайтган бола, қийналиб ўқиётган талаба, соғинчу етишмовчиликлардан эзилиб юрган персонажларни кўп ёзгансиз. Ўқиган сайин ўн-ўн беш йил бурунги хотираларим ёдимга тушди. Шунда сизни оққўнгил, дангалчи, ишонувчан ва бироз қайсар экан деб ўйладим. Боиси, кишида ана шундай хислатлар бўлмаса, ёзаётиб ўзини “яширади”, орқа планга олади. Ундай битикларда росмана одам бўлмайди, натижада ўқувчини торта олмайди...

Ҳечам дангалчилигингиз йўқолмасин, дўстим!


Дарвоқе, “Ҳар тўқисда бир тўқол” деганидай, айрим камчиликлар ҳақида ҳам айтиб ўтай. Жами ёзарларда бўлганидек, сиз ҳам таҳрирда оқсоқ экансиз. Ишни тугатгач, матн билан алоҳида шуғулланмайдиган кўринасиз. Бўлмаса, “Совға” да: “Ердаги қалин қор шуъласи кўкдаги ой нури билан уйғунлашиб, ажиб бир тароват касб этган” деган мантиқсиз жумланинг суроби тўғриланган бўларди. Назаримда ойда, юлдузда, шамда, чироқда шуъла бўлади, қорда эмас. Гап “Ердаги қалин қор кўкдаги ой шуъласидан жимир-жимир қилиб ажиб бир тароват касб этган” тарзида бўлгани маъқул эди.

Баъзан ҳикоянинг охири тезлаштирилган, гоҳида жуда бўш воқелик билан нуқта қўйилган ўринлар борки, шундай паллаларда “Дангасалик қилибди-да”, деган ўйга бордим...

Хуллас, Абдулла Қодирий бободан Баҳодир Абдураззоқчақа бўлган замонавий ўзбек прозаси хаёлимда очилмаган кўриқдай ястаниб ётганга ўхшайди. Шу боис хаёлни йиғиб олишга мажбур этадиган, мағзи тўқ асарлар ёзишингизни тилаб қоламан.

Чарчаманг!

А. Сулейманов



# Ойдин кетгада



**Иван БУНИН,**  
Нобель мукофоти совриндори

1870 йили Воронежда туғилган.

Илк китоби "Шеърлар" 1891 йили "Орёл хабарномаси" газетасига илова сифатида нашр қилинган.

"Митиннинг муҳаббати" (1924), "Қуёш зарби" (1925), "Корнет Елагин иши" (1925), "Арсеньев ҳаёти" асарлари ва "Қоронғи хиёбонлар" ҳикоялар туркуми машҳур. 1953 йили Парижда вафот этган.

Бу тушмиди ёки менга рўё бўлиб кўриндимми? Кузнинг мунгли тўлин ойи анчадан бери кўкда сузиб юргандай, кун давомигадаги майда ташвишлар ва ёлғон-яшиқлардан ором оладиган вақт киргандай туюлди менга. Менимча, бутун Париж, ҳатто энг чеккадаги ғариб кулбалар ҳам уйқуга чўмган эди. Узоқ ухладим, уйқу мени жуда секин тарк этди. У худди ўз ишини қойилмақом бажаргачгина кетадиган куйинчак дўхтирга ўхшарди. Бундай табиб бемор соғайиб, кўксини тўлдириб нафас олгачгина, кўзларини очиб, ҳаётга қайтиш қувончи билан кулиб қарагачгина, хотиржам бўлади. Уйқудан уйғонганимда сокин ва ойдин тун чўккан эди.

Бешинчи қаватдаги хонамда сассиз қадам ташлаб, деразалардан бирининг ёнига келдим. Ғира-шира ёришиб турган кенг хонага кўз ташладим, сўнг деразанинг устки ойнасидан ойга тикилдим. У мени ўз нурларига чўмдирди, мен эса унинг юзига узоқ термулиб турдим. Ёғдулар парда тўрлари орасидан ўтиб, хонадаги қоронғиликни бироз тарқатар эди. Бу томондан ой кўринмасди. Лекин тўртала ойна ҳам, уларнинг ён-атрофидаги нарсалар ҳам ёришиб турарди. Ёғду оқиш-мовий ва оқиш-кумушранг дераза раҳлари ёнидан ўтар, уларнинг қийшиқ ва кулранг соялари эса хиёл ёришиб турган курси ва ўридикларга ўзини ташлаган эди. Энг чекка дераза ёнидаги курсида мен севган аёл ўтирарди. Кўйлаги қизчаларникидай оппоқ, юзи рангпар ва чиройли эди. У ҳозир иккаламиз бошдан кечирган ва бизни кўпинча ғазабга миндириб, муросасиз душманларга айлантирадиган жамики нарсалардан толиқиб ўтирарди.

Рус тилидан  
**Ориф Толиб** таржимаси

Бу кеча унинг ҳам уйқуси қочган. Нега?

Аёлимга қарашдан қочдим, ёнига бордим-да, дераза тоқчасига ўрнашдим... Ҳа, вақт алламаҳал бўлган – қаршимиздаги беш қаватли уйнинг бутун девори зим-зиё. Деразалари худди сўқир кўзга ўхшайди. Пастга қарадим – кўчанинг тор ва чуқур йўлаги ҳам қоронғи ва кимсасиз. Бутун шаҳар шундай. Хира нур сочаётган ойгина бир томонга бироз қийшайиб, ғилдираб боряпти, аммо тутундай ёйилган булуллар орасида ҳаракатсиздай кўрилади. Шаҳар бўйлаб биргина у уйғоқ кезяпти. У тўппа-тўғри менга тикилиб турибди, бироз кемтилган ва шу сабабдан ғамгин кўрилади. Булуллар унинг олдидан тутундай сузиб ўтяпти. Ой ёнида улар анча ёруғ эди, эриётганга ўхшарди, нарироққа бориб анча қуюқлашди, томларнинг четига етганда эса буткул қора кийиб, зулмат бағрига сингиб кетди...

Ойдин тунни қузатмаганимга ҳам минг йил бўлганди ўзи! Ўйларим яна олис, деярли унутилган куз кечаларига йўл олди. Бундай кечаларни болалигимда, ўрта Россиянинг баланд-паст даштларида кўрганман. Парижни хаёлан тарқатдим ва бутун Россия, юксак осмон остида ётган улкан кенгликлар бир лаҳза кўз олдимда намоён бўлди. Ана – Бойкўл

денгизининг тиллодай товланиб турган сатҳи. Манави бўлса – шарққа томон ёришиб бораётган зим-зиё қарағай ўрмони, булар эса – унда-бунда ўрмонлар, ботқоқликлар, сийрак дарахтзорлар. Улардан қуйида жанубга томон бепоен далалар ва текисликлар чўзилган. Ўрмонлар орасидан юз чақиримлаб ўтган темирйўл рельслари ой нурида кучсиз ялтиради. Йўл ёқасидаги уйқусираган турфа ранг чироқлар кўзларини пирпиратиб, ватанимга томон бирин-кетин чопиб бораётгандай. Олдимда паст-баланд далалар, уларнинг ўртасида эса – заминдорнинг эски уйи. Нураб, тутдай тўкилай деб тургани ой нурида аниқ кўрилади... Наҳотки бу болалигимда хонамга мўраллаган, ўсмирлигимда йўлдош бўлган ўша ой бўлса? Ҳозир у омадсиз ёшлигимни эслаб мен билан дардлашиб турибди, ёруғ тун бағрида менга овунч бўляпти...

– Нега ухламаяпсан? – аёлимнинг жураътсиз товуши эшитилди.

Қайсарлигимиз сабаб узоқ давом этган сукунатни биринчи бўлиб у бузди, бу эса кўнглимда оғриқли бир қониқиш ҳиссини уйғотди.

– Билмадим... Ўзинг-чи?

Яна узоқ жим қолдик. Ой томларга яқин келиб қолган, хонамизга ўйчан тикилиб туради.

– Кечир, – дедим унга яқинлашиб.

У жавоб бермади ва кўзларини қўллари билан беркитди.

Мен унинг қўлларини кўзларидан олдим. Ёноқларига ёш думалаб тушди, киприкларига ёш боланикидай титраниб

турарди. Аёлимнинг қаршисида тиз чўкиб, бағрига юзимни босдим. Икковимиз ҳам сел бўлиб йиғладик.


– Наҳот сен айбдор бўлсанг? – шивирлади аёлим. – Ахир ҳаммасига мен сабабчимасманми?


Аёлимнинг кўзёш ювган юзларига шодон ва мунгли табассум ёйилди.

Мен эса иккаламиз айбдор эканимизни айтдим. Чунки иккаламиз ҳам бахт қасамини буздик. Айни дамда биз яна бир-биримизни ўтли муҳаббат билан севардик. Бундай ҳисни бирга изтироб чеккан, бирга янглишган, шу билан бирга, ҳақиқатнинг камдан-кам учрайдиган лаҳзаларини ҳам бирга қаршилаганларгина туйиши мумкин.

Бизнинг бахтимизга хира тортган, мунгли ойгина гувоҳ эди...

1899 йил





## Тарихда қолиш

Бернад Шоу элга танилиб, обрў-эътибор қозонган пайт. Кунларнинг бирида кўчада уни бир велосипедчи уриб юборади. Хайриятки, ҳеч ким оғир жароҳат олмайди. Икковлари ҳам қаттиқ қўрқиб кетишади, холос. Велосипед минган киши югуриб келиб, ёзувчидан тўхтовсиз узр сўрай бошлайди. Аммо Шоу унинг узрини қабул қилмайди:

– Омади кулмаган одам экансиз-да, сэр! Яна озгина ғайрат қилганингизда, менинг қотилим сифатида тарихда қолардингиз.



## Антиқа хушомад

Александр Дюма ўз даврининг атоқли врачларидан бири Гисталь билан тушлик қилади. Дўхтир ёзувчидан “Мулоҳазалар китоби”га бирор нарса ёзиб беришни сўрайди. Бу китобга кўпинча даво топган беморлар ўз дил изҳорларини битишар эди.

Дюма илк жумласини ёзади:

“Дўхтир Гисталь ҳамма оилаларни даволайдиган вақтдан бошлаб шифохоналарни беркитиш керак”.

Бу гапни ўқиган врач галтайиб кетади:

– Пахтаням тозасидан қўйдингиз-ку, тақсир!

Шундан сўнг Дюма фикрини шундай тугаллайди: “Ва иккита янги қабристон ҳам очиш зарур...”

## Қайтимини олинг

Ҳажвий асарлари билан ном қозонган чех ёзувчиси Ярослав Гашек Баварияга саёҳат қилади. Сафар пайти маҳаллий тансиқ таом – сосиска ейишни кўнгли тусаб қолади.

Станцияларнинг бирида перронда дайдиб юрган бир болани чақиради ва дейди:

– Мана, сенга 40 пфеннинг. Иккита сосиска ол. Биттасини ўзинг е, иккинчисини менга олиб кел.

Поезд жўнашига бир дақиқача қолганда ҳалиги болакай йўл-йўлакай чайналганча вагонга югуриб келади. Гашекка 20 пфеннинг узатади ва дейди:

– Фақат битта сосиска қолган экан. Уни ўзим едим. Манави 20 пфеннинг сизнинг сосискангизнинг пули.



## Ҳаётдаги Шерлок Холмс

Англиялик машҳур ёзувчи Артур Конан Дойл (1859–1930) ажойиб кунларнинг бирида Парижга келади. Вокзалда бир таксичи унга жуда ишончли қиёфада яқинлашади ва ҳеч бир сўз демай жомадонини олиб, машина юкхонасига ташлайди. Рулга ўтиргачгина тилга киради:

– Мсье Конан Дойл, қаерга олиб бориб қўяй?

– Ие, мени қайдан танийсиз? – деб ҳайрон бўлади ёзувчи.

– Биринчи марта кўришим, – деб жавоб беради ҳайдовчи.

– Ундай бўлса, менлигимни қандай билдингиз?

– Сиз тасвирлаган дедуктив усул билан, – дейди таксичи ғурурланиб.

– Биринчидан, Артур Конан Дойл шахримиздаги “Ривьер” оромгоҳида икки ҳафта дам олишини газеталардан ўқигандим. Иккинчидан, сиз тушган поезд Марселдан келятпти. Учинчидан, юзингиз қорайган, бу ўрта денгиз соҳилларида камида ўн кун турганингиздан далолат. Марсель ўрта денгиз соҳилида жойлашган. Ўнг қўлингизнинг ўрта бармоғидаги сиёҳ доғини кўриб, ёзувчи эканингизга ишонч ҳосил қилдим. Ўзингизни тутишингиз касбингиз дўхтир эканини кўрсатиб турибди. Ана шу мушоҳада ва мулоҳазалардан сўнг қаршимда машҳур адиб, Шерлок Холмс ҳақидаги хикоялар муаллифи Артур Конан Дойл турганини англадим!

Таксичининг сўзларини эшитиб, ёзувчи ёқа ушлайди:

– Сиз деярли Шерлок Холмснинг ўзи экансиз-ку! – деб ҳайқиради у. – Ахир, арзимас деталлардан шундай хулоса яшаш ҳазилакам гапми!

– Ҳа, энди... – деб мақтовларни тўхтатишга уринади ҳайдовчи. – Мен яна бир арзимас детални пайқаб қолдим.

– Қанақа деталь?

– Жомадонингизга ёпиштирилган ёрлиқни. Унга сизнинг исм-шарифингиз ўқловдай қилиб ёзиб қўйилган экан!